

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**М.Х. МАХМУТХАДЖАЕВ,
М.А.ТУРАТОВА**

ХИТОЙ ТИЛИ ТАРИХИЙ ФОНОЛОГИЯСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2009

Ўқув қўлланма филология фанлари номзоди С.А.Носирова тахрири остида. - Т.: ТДШИ нашриёти, 2009. - 170 б.

Ўқув қўлланмага жами 4 бўлим, 11 маъруза киритилган бўлиб, ҳар бир мавзудан кейин савол ва топшириқлар, амалий машғулотлар ва мустақил таълим вазифалари ҳам берилган. Қўлланма якунида “Глоссарий” ва “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” келтирилган. Ушбу қўлланма 5А120102 – Лингвистика таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган магистр талабаларига асосий адабиёт сифатида тавсия этилиши мумкин.

Хитой филологияси, халқаро муносабатлар, минтақашунослик мутахассислиги бўйича магистрлар ҳамда хитой тилини ўрганувчиларга тавсия этилади.

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди, С.А.Носирова

Такризчилар:

филология фанлари номзоди, доцент А.А.Каримов,
филология фанлар номзоди С.А.Хашимова.

Тошкент давлат шарқшунослик институти Ўқув - услубий Кенгаши томонидан хитой филологияси, халқаро муносабатлар ва минтақашунослик мутахассисликлари соҳасида таълим олаётган магистр талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Ушбу ўқув-қўлланма ТДШИ Ўқув-услубий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилди (Баённома №1, 13.11.2009 й.).

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2009

КИРИШ

Бугун хитой тилини ўрганишга қизиқиш ортиб боргани саяин, ўзбек хитойшунослиги ҳам кундан-кунга ривожланиб бормокда. Масалан, сўнгги ўтган ўн йилларда хитой тили ва адабиётини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар бунга айнан мисол бўлиши мумкин. Аммо кейинги йилларда хитойни ўрганиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар бу соҳада ҳали кўплаб ишларни қилиш кераклигини кўрсатмокда. Бу масала кўпроқ хитой тили дарсликлари, ўқув қўлланмалар чоп этиш билан боғлиқ. Шундай экан, ушбу масалалар ечими ўрганилаётган мамлакат қадимги хитой тили, хитой тилишунослиги тарихи, хитой фонологияси, шунингдек, хитой тилининг долзарб муаммоларини ўрганиш заруриятини пайдо қилмокда.

Қадимги ва Ўрта асрларда хитой иероглифларига транскрипция бериш усуллари аниқлаш;

Транскрипция беришнинг Фанчиэ усули ва бу усул келиб чиқиш тарихининг объектив ва субъектив сабаблари очиқ бериш;

Фанчиэнинг қўлланиш усули ва бу усулда хитой тилшунослигида яратилан луғатларни ўрганиш;

Шу маънода, хитой тилида фонетика илмининг хусусан, транскрипция беришнинг ривожланиш босқичлари, усуллари ва уларнинг фонологиядаги аҳамиятини ўзбек тилида ёритилиши — мавзунини ўрганишнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Нутқ товушларини аниқ ифодалаш учун ишлатиладиган ёзув транскрипция дейилади. Транскрипциянинг асосий қонидасига кўра сўзлар қандай эшитилса, шундай ёзиб олинади. Транскрипцион белгилар, одатда маълум ўзгаришлар киритиш орқали традицион алфавитлар(рус, лотин ва ҳ.к.) ҳамда уларга қўшимча белгилар асосида тузилади.

БИРИНЧИ БЎЛИМ: ЖУНГГЎ АТАМАСИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Мавзунинг мақсади: Хитойда "Жунггў" (中国) атамасининг пайдо бўлиши тарихини ўрганиш. "Жунг"(中) ва "гў"(国)нинг атама сифатида тилшуносликка кириб келиши; "Жунг юан" (中原) атамасининг маъноси;

Таянч сўзлар: 中国, 中, 国, 周, 孔子, 诗经, 民劳, 镐京, 中原, 黄河, 新华词典, 孟子, 国内, 史记, 中华民国, 中华人民共和国.

1-Мавзу: Жунггў атамасининг мазмуни

"Жунггў" (中国) атамаси хитой тилида жўғрофия (топономик) атамаси бўлиб, унинг хитой лексикографиясида пайдо бўлганига тахминан уч минг йил бўлди, яъни Хитойда милоддан аввалги XI асрдан 256 йилгача ҳукмронлик қилган Жў (周) сулоласи даврига тўғри келади. Ана шу тарихий жараёнда "Жунггў" атамаси ҳар хил жўғрофия тушунчаларни ифода этган. Улар куйидагилардир:

Биринчиси, "марказий шаҳар" ёки "марказий князлик" деган маъноларни билдирган. "Жунггў" атамаси икки бўғиндан, яъни икки иероглифдан иборат бўлиб, биринчи иероглиф "Жунг"(中) - "марказ", иккинчи иероглиф "гў"(国) - "шаҳар" ёки "князлик" деган маънони англатган. Жў сулоласида маъмурий тузилиш жиҳатдан энг катта бирлик бу "князликлар" бўлган.

Ҳар бир князлик ўзининг марказий шаҳарини "Жунггў" деб атаган, князликлар эса Жўу подшо хонадонига қарашли ерларни ҳам ўз навбатида "Жунггў" деб атаган. Шунинг учун ҳам биз матндан келиб чиқиб, уни "марказий князлик" деб таржима қиламиз, яъни ҳамма князликларнинг устидан ҳукмронлик қиладиган подшо қароргоҳи ана шу князликда жойлашган деганидир.

Иккинчиси, "Жунггў" атамаси "Пойтахт" деган маънони англатган. Масалан, Конфуций (Кунгзи-孔子) "Шир Жинг" (诗经- шеърият тўплами) номли китобида милоддан аввалги IX асрнинг биринчи ярмида ҳукмронлик қилган подшо Ли Ванг нинг зулмларини ҳикоя қилган. "Мин лао" (民劳- фуқароларнинг ғамида бўл) деган шеърида "Жунггў" деб шу даврда давлат пойтахти бўлган "Хао жинг" (镐京) ни атаган.

Учинчиси, бу Конфуций таълимоти бўйича худонинг ердаги ўғли бўлиб ҳисобланган хитой императорларининг ҳукмронлик қилаётган худудларига қаратилиб айтилган маънони билдирган. Танг

сулоласи даврида яшаган ва ижод қилган атоқли ёзувчи, шоир, давлат арбоби Ханюй ўзининг буддизм ҳақидаги ижодида шундай ёзган: "Буддизм бу чет элликларнинг дини, "Жунггў"га бу дин кейинги Хан сулоласи даврида тарқала бошлаган.....". Чинг сулоласи даврига келиб, "Жунггў" атамаси бу сулоланинг бутун ҳудудини билдирадиган атамага айланган. Тўртинчиси, "Жунггў" атамаси баъзи бир қадимги адабиётларда ўрта хитой текислигини кўзда тутган. Ўрта хитой текислиги эса хитой тилида "Жунг юан" (中原) деб аталиб, Хитойдаги энг катта дарёлардан бири бўлган Хуанг хэ (黄河) дарёсининг ўрта ва паст оқимларида жойлашган ҳудуднинг номидир. "Жунг юан" га "Шинхуа" луғатида (新华词典) шундай таъриф берилади: "Жунг юан" ҳудудига Хуанг хэ дарёсининг ўрта ва паст оқимларидаги ўлкалар киради, яъни Хэнан провинциясининг катта қисми, Шан-дунг провинциясининг ғарбий, Хэбэй ҳамда Шанши провинцияларининг жанубий қисмида ҳамда Анхуй провинциясининг ғарбий ва шимолий ерлари киради. "Жунг юан" хитойларнинг, яъни хан миллатининг асл маконидир. Жў сулоласи даврида бу давлатнинг жанубидаги баъзи бир князликлар "Жунг юан" ҳудудини "Жунггў" деб атаган. Қадимги хитой файласуфи Мэнгзи 孟子 ўзининг ижодида ўз замонасининг кўзга кўринган олими Чэн Лянг ҳақида сўз юритар экан, уни Жў сулоласи ҳудудининг жанубий ерларида жойлашган Чу князлигида таваллуд топган, аммо у Жў сулоласи подшоларининг тутган сиёсатини ва Конфуций таълимотига эътиқоди баланд бўлганлиги боис, "Жунггў" га бориб билим олганлиги туфайли шу даражага етган дейди. Бу ерда Мэнгзи "Жунггў" деб, "Жунг юан" ҳудудини назарда тутган. Жў давлатининг шимолий ерлари ҳисобланган "Жунг юан" ҳудуди мамлакатнинг маънавий-маданий ўчоғи бўлиб, ўша даврдаги хитойликлар фақат бу ердаги билим юртларидагина ўқиб, билимнинг юқори чўққисига етишиш мумкин деб ҳисоблашган.

Бешинчидан, хитойлар давлатнинг ички ҳудудларини "Гў нэй"(国内) деб аташади. Ўтмишда ёзилган кўпгина адабиётларда "Гў нэй" (деган атаманинг мазмунини билдириш учун "Жунггў" атамасидан фойдаланишган. Масалан, милоддан аввалги I асрда ёзилган "Шир жи" (史记- тарихнома) китобининг "Император У ди" бўлимида шундай битиклар бор: "Давлатимизда саккизта катта тоғ тизмалари мавжуд бўлиб, шулардан учтаси чегара ҳудудларда жойлашган бўлса, бештаси эса "Жунггў" дадир". Бу ердаги "Жунггў" ана шу ички Хитой деган маънони англатади. Бундай тушунча бугунга қадар сақланиб

келинмокда. Чинг сулоласи ҳукмронлигининг сўнгги йиллари, яъни XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида империянинг фуқаролари ички Хитойни чегара районларидан ажратиб тушуниш учун вақти-вақти билан ички Хитойда жойлашган 18 та провинцияни "Жунггў" деб номлашган.

Олтинчиси, Хан сулоласидан бошлаб кўпгина маҳаллий ва ўзга халқлар Хитойда ташкил топган барча давлат ва империяларни, жумладан Хитой миллатигагина эмас, балки бегона миллат ва эллатлар сулолалари томонидан барпо этилган давлатларни ҳам "Жунггў" деб аташган. Бундай тушунча қадимдан то Хитойдаги охириги монархия тузумига мансуб бўлган Чинг сулоласига қадар давом этиб келди. Хитойда милоддан аввалги Жу сулоласида пайдо булган "Жунггў" атамаси то XX асрнинг бошларигача кетма-кет вужудга келган давлат ва империяларнинг расмий номи бўлмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Уларнинг расмий номлари эса одатда, сулолаларнинг номлари билан боғланган эди. Масалан, Чин, Хан, Суй, Танг, Сунг ва ҳ.к.

1912 йилда Хитой республикаси ва 1949 йилда Хитой Халк. Республикаси қурилгандан сўнг "Жунггў" атамаси уларнинг расмий номи бўлиб қолди. Бунинг сабаби, "Жунггў" деган атама энди қисқартирилган сўз бўлиб, расмий давлат номини англатадиган атамага айланди. Хитой тилида "Хитой республикаси" (Жунг хуа мин гў-中华民国) деб номланиб, у тўрт бўғиндан иборатдир. "Хитой халқ республикаси" эса хитой тилида "Жунг хуа рэн мин гунг хэ гў"(中华人民共和国) деб аталиб, у еттита бўғиндан ташкил топган. "Жунггў" деган атама ана шу иккита давлат номининг хитойча айтилишининг қисқартирилиш жараёнида, яъни ана шу иккита номнинг биринчи ва сўнгги бўғинларини қўшиш натижасида вужудга келган атамадир.

Хулоса қилиб айтганимизда, "Жунггў" атамаси қадимдан то XX асрнинг бошларигача маълум бир вазиятдан келиб чиқиб, қуйидаги жўғрофия тушунчаларини ўзида ифода этган деган тўхтама келинди:

1. "Марказий шаҳар", "марказий ўлка" ёки "марказий князлик".
2. "Пойтахт".
3. Хитой империясининг чегара ҳудуди доирасини билдирган.
4. "Ўрта Хитой текислиги" ни кўзда тутган, яъни "Жунг юан" деган атаманинг синоними бўлган.
5. "Гў нэй", яъни ички Хитойни билдирган.
6. Хитойда хан ва бошқа миллатлар қурган давлатларнинг норасмий номини англатган.

7. Ҳозирги даврда "Жунггў" атамаси "Хитой республикаси" ва "Хитой Халқ Республикаси" сўзларининг аббревиатураси ҳисобланиб, бу икки республиканинг расмий қисқартирилган номини англатади.

"Хитой" деган атама хитой тилидан олинмаган бўлиб, бу атама туркий халқлар тилидан хитой давлатига нисбатан кўлланиб келинаётган тушунчадир. Аслида турк тилида истеъмолда бўлиб келаётган "Хитой" атамаси Ўрта Осиёда 1130йиллардан то XIII асрнинг бошларигача ҳукмронлик қилган "Қора Хитой" давлатининг асосчиси Қидан қабиласи номидан олинган. "Хитой" атамаси кейинчалик рус тилига кириб, у "Китай" деган талаффузга эга бўлган. Бу фикрни батафсил очиб бериш учун ўйлаймизки, у ўз олдида алоҳида илмий изланишни талаб қилади.

Мавзу бўйича саволлар

1. Хитой тилида 中国 атамаси қачон пайдо бўлган асосланг?
2. Хитой тилида 国内 атамасини изоҳлаб беринг?
3. 中国 ни атама сифатида географик маъносини тушунтириб беринг?
4. Хитой тилида 中原 атамаси қачон пайдо бўлган изоҳланг?
5. "Хитой" атамаси қайси халқнинг номидан ўзлаштирилган, асосланг?
6. Хитой ўрта асрлар тарихида "Қидан" атамаси қачондан пайдо бўлди ёки Хитойда қайси халқнинг номидан олинганлигини изоҳлаб беринг?
7. Ўрта Осиё (ҳозирги Марказий Осиё)да қитай атамасини қачондан бошлаб кириб келганлигини аниқлаб беринг?
8. Генетик келиб чиқишига кўра "Қидан", "Чидан", "Қитай", "Китай", "Хитой" атамаларини қиёсий таҳлилини беринг?
9. Қадимги хитойнинг қайси манбаларида жунггў ҳақидаги маълумотлар келтирилади?
10. Жунггў атамаси географик нуқтаи назардан қайси давлатнинг номини билдиради?

Амалий машғулот учун своллар

1. Мавзу ҳақида манбаларни ўзлаштириш .
2. Жунггў ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлиш.
3. Жунггў иероглифини атама сифатида хитой тилига кириб келиши хусусида тушунчалар ҳосил қилиш.

4. Қитай иероглифи ҳақида маълумотларга эга бўлиш.
5. Қитай сўзини топоним сифатида Марказий Осиёга кириб келиши ҳақида маълумотларга эга бўлиш.
6. Чидан сўзининг топонимиясини аниқлаш.
7. Қитай сўзининг рус тилига кириб бориши ҳақида маълумотлар тўплаш.
8. 中原 ҳақида маълумотларга эга бўлиш.
9. 国内 ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.
10. “Хитой”, “Хитой Республикаси”, “Хитой Халқ Республикаси” ҳақида маълумотларга эга бўлиш.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Хитой тилида жунггў атамасининг пайдо бўлиши.
2. “Жунггў” сўзини илмий атама сифатида ўрганилиши.
3. Жунггўнинг географик атама сифатида моҳиятини кўриб чиқиш.
4. Жунггўнинг атама сифатида тилдаги эволюциясини ўрганиш.
5. Хитойда “гуоней” атамасининг пайдо бўлиши.
6. Хитой ўрта асрларида “гуо юан” атамасининг вужудга келиши.
7. Хитой атамаси ҳақида тушунчаларга эга бўлиш.
8. Хитой Республикаси ҳақида маълум билимларни эгаллаш.
9. Жунггў атамасини тарихий изоҳлаш.
10. Жунггў атамаси синоним сўзлари ҳақида маълум тушунчаларни ҳосил қилиш.

2. БЎЛИМ: ХИТОЙ ТИЛИДА ИЕРОГЛИФЛАРНИНГ ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Мавзунинг мақсади: Хитой иероглифлари сонини ўрганиш, илмий талқинини бериш; иероглифларни сон жихатдан кўпайиб бориш хронологиясини кўриб чиқиш.

Таянч сўзлар: 汉族, 汉, 族, 陶文, 阡古文, 首问戒子, 余篇, 康数字点, 中华大字典, 汉语大字典.

1. Мавзу: Хитой иероглифларининг сони ҳақида

Хитой халқининг ёзувини фанда "иероглиф" деб атайдилар. Хитойлар эса бу ёзувларини "ханзи" (汉字) деб айтишади. Иероглиф сўзига келсак, у юнон тилидан келиб чиққан бўлиб, "муқаддас ёзув" деган тушунчани беради. Уларнинг ҳар бири ўзига хос шакл ва маъно ёки сўзни ифодалайди. "Ханзи" сўзи икки иероглифдан иборат бўлиб, биринчи иероглиф "хан" миллатининг номини "зи" эса "ёзув белгиси" деган маъносини беради. Умумлаштирилса "хан" миллатининг ёзуви" деган маъно келиб чиқади. Сўнгги юз йил ичида археологлар томонидан топилган материаллар ва қадимги хитой манбаларини ўрганиш жараёнида хитой олимлари шундай хулосага келдики, "хитой ёзуви" 5 минг йиллик тарихга эга экан, демак, ана шу 5 минг йил ичида хан (хитой) халқи бу ёзувни бирорта бошқа ёзувга ўзгартирмасдан, у орқали ўзининг 5 минг йиллик маданий меросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, авлоддан-авлодга етказиб бериш каби ёзув қадриятларини шакллантирди. Бундан ташқари, "ханзи" ҳозирги даврда дунёда ўз фаолиятини ва мавқеини сақлаб қолган энг қадимий ёзувдир.

Бундан ташқари Хитой тили ёзуви тарихида ўз даври билан турли хилдаги ҳуснихатлар ҳам пайдо бўлиб, иероглифларнинг мукаммаллашувига ижобий таъсирини ўтказиб келди. Хусусан, Хитойда Хан сулоласи ҳукмронлиги давридан бошлаб ҳозиргача, "Лишу" 隶书 (расмий ёзув) ва "Цаошу" 草书 тез ёзув ҳуснихати), охириги йилларида "Кайшу" 楷书, Шимолий Вей 北 сулоласи даврида "Сингшу" 行书 яратилди. Ҳар бир ҳуснихат узок йиллар мобайнида ўзидан олдин ўтган ҳуснихатлар асосида вужудга келиб, ниҳоят уларнинг ўрнини олган.

Хитой олимлари ўз ёзувига изоҳ берар экан, улар "бизнинг хитой ёзувимиз "Бяои" ёзув системасига киради", дейди Бу мураккаб сўзни ўзбек тилига таржима қилганда, «мазмунни ифода қилмоқ» деган маънони англатади. Агарда, уни тилшунослик назариясидан келиб чиқиб, изоҳласак, ушбу атама "идеографик ёзув" маъносини билдиради. Бу

атамага олимларимиз томонидан куйидагича таъриф берилган: Идеографик ёзув бу „ўз англатадиган белги, яъни шартли белгилардир. Демак, ҳар бир хитой иероглифлари ўз олдига бутун сўзни ифода қилиш учун хизмат қиладиган ёзув тизимидир.

Хитой иероглифлари идеографик ёзув тизимига кирганлиги сабабли, ўзининг пайдо бўлиш давридан тортиб, то ҳозиргача кўпайиб борган, аммо камаймаган. Бунинг сабаби, ана шу 5 минг йил ичида хитойдаги адабий муҳит, ишлаб чиқариш услублари ўзгарган, фан ва техниканинг тинмасдан ривожланиши Хитой маданиятига катта таъсир кўрсатган. Натижада хитойликларнинг онгида янгидан - янги конкрет (аниқ) ва абстракт (мавҳум) тушунчалар кўпайиб борган. Шу билан бирга уларни ифодалаш учун иероглифларнинг сони ҳам кўпаяверган. Бундай деб аташимизга куйидаги тарихий ва ёзма манбалар далил бўла олади:

Беш минг йил илгари хитой аҳолиси фойдаланган ва XX асрда археологлар томонидан топилган сопол буюмларда, яъни "таовэн" (陶文) хуснихатларида ёзилган иероглифларнинг сони 500 дан ортиқ бўлганлиги аниқланган. Орадан 1500 йил ўтгач, 3500 йилларга келиб, хитой аҳолиси фойдаланган "Жагувэн" (甲骨文- ҳайвон суяклари ва тошбақа косаларига ўйилган иероглифлар хуснихати) да уларнинг сони 4672, 1600 йил ўтиб эса, милодий 125 йилда ёзилган "Шовэн жиези" (首问戒子) луғатида иероглифларнинг сони 9353 тага етганлиги қайд этилади. 400 йил ўтиб VI асрнинг биринчи ярмида тузилган "Юй пян" (余篇) луғатида 16194 тага, 1200 йил ўтиб 1722 йили чоп этилган, "Кангши зидян (康熙字典点) луғатида 47035 та, 193 йил ўтиб 1915 йили чоп этилган, "Жунгхуа да зидян (中华大字典)да 48 мингдан ортиқроқ ва ниҳоят 1986-89 йиллари нашр этилган 8 жилдлик "Ханюй да зидян" (汉语大字典) луғатида уларнинг сони 56 минг атрофида эканлиги қайд этилади. Агарда биз иероглифларнинг сўнгги луғатидаги рақамни олиб, унинг 5 минг йиллик тарихига бўлсак, хитой иероглифлари ижодкорлари ҳар йили ўртача 11.2 иероглифни ижод қилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ҳозирги замонда хитой миллати бунча кўп иероглифларнинг ҳаммасидан фойдаланадими? Албатта йўқ. Чунки, қадимда ва ўрта асрларда ижод қилинган конкрет ва абстракт тушунчаларни билдирган кўпгина сўзлар истеъмолдан чиқиб кетган. Шунинг учун у сўзларни билдирувчи иероглифлар ишлатилишда чекланган, улар фақат луғатлардагина муҳрланиб қолган. Ундай бўлса, ҳозирги даврда хитойда ўқимишли одам ўз фаолиятини бемалол юритиш учун, қанча иероглиф

билиши шарт, деган савол туғилади. Мазкур саволга хитой иероглифшунос олимлари жавоб топиш мақсадида, ўтган асрнинг 80 йилларида илмий изланишларни олиб бориб, 1988 йили "Хитой иероглифларининг частота (такрорланиш даражаси) статистикаси" (Ханзи пинду тунг жи) китобини чоп этишади ва ундаги маълумотларга асосланиб, "Ҳозирги хитой жамиятида қўлланилаётган иероглифларнинг сони тахминан 6 мингтадир" деб ўз хулосаларини бердилар. Бу хулосани биз шундай тушунамизки, ҳар бир хитойлик ёки хитойшунос юқорида кўрсатилган миқдордаги иероглифларни эгалласа, у хитой зиёлиларининг қаторига кирар экан.

Мавзу бўйича саволлар

1. Иероглифик ёзув деганда нимани тушунасиз ?
2. Хитойда иероглифик ёзув неча минг йиллик тарихга эга?
3. Иероглифик ёзув билан алфавитли ёзувнинг фарқли томонларини нималарда кўрасиз?
4. Қадимги Хитойнинг қайси хонлигида дастлабки ёзувлар пайдо бўлди?
5. Қадимги хитой ёзуви неча даврга бўлинади?
6. Идеографик ёзув нима?
7. Иероглифшуносликка оид қайси манбаларни биласиз?
8. Хитойда иероглифшунослик ҳақидаги фан борми?
9. Ўзбек тилида қайси манбаларда иероглиф ҳақида маълумотлар берилган, бор бўлса муаллифлар номини айтинг, хато ва камчиликларини изоҳлаб беринг?
10. 陶文 ва 闡古文 хуснихатлари қачон пайдо бўлган, хронологик нуқтаи назардан асослаб беринг?

Амалий машғулот учун саволлар

1. Хитой иероглифлари сони ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш.
2. Хитой иероглифи ҳақида маълумотларга эга бўлиш.
3. Таовэн хуснихатлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.
4. Жагувэн хуснихати бўйича илмий тушунчаларга эга бўлиш.
5. Шовэн жиези луғатида келтирилган иероглифлар сонини ўрганиш.

6. "Юй пян" (余篇) луғати ва "Кангши зидян (康数字点) луғатида келтирилган иероглифлар сони ҳақида маълум тушунчаларни ҳосил қилиш.

7. "Жунгхуа да зидян (中华大字典) ва "Ханюй да зидян" (汉语大字典) луғатлар иероглифлар сони ҳақида статистик маълумотларга эга бўлиш.

8. Иероглифларнинг кўпайиб бориш сабаблари хусусида аниқ тасаввурни пайдо қилиш.

9. Хитой тарихида иероглифларни кўпайишига қарши олиб борилган расмий ҳужжатлар ҳақида маълумотларни тўплаш.

10. Иероглифлар сони бўйича ёзилган тарихий манбаларни ўрганиш.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Иероглифик ёзувнинг пайдо бўлиши.
2. Иероглифик ёзувнинг сон жиҳатдан кўпайиб бориши.
3. Иероглифик ёзувнинг такомиллашуви масалалари.
4. "Таовэн" (陶文) хусниҳати ва ундаги иероглифлар сони.
5. "Жагувэн" (阐古文 хусниҳати ва ундаги иероглифлар сони.
6. Иероглифик ёзув тарихида "Шовэн жиези" (首问戒子) луғатининг ўрни.
7. "Юй пян" (余篇) луғати.
8. "Кангши зидян (康数字点) луғатининг тарихий аҳамияти.
9. "Жунгхуа да зидян (中华大字典) луғати .
10. "Ханюй да зидян" (汉语大字典) луғати.

3-БЎЛИМ: ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТИЛШУНОСЛИГИ ҲАҚИДАГИ НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР


Мавзунинг мақсади: Хитой филологияси тарихи, Хитой фонологияси, “Эр я” ва “Фанг ян” китоблар ғоясини ўрганиш, мазмунини очиб бериш.

Таянч сўзлар: “Сунгу суе”, “сяо суе”, “фоно”, “Сунгу”, “гу сун”, “дие гу”, Сунгу суе яовей”, “Сунгу суе”, “Сунгу суе гайяо”. Фонология “绝”, Методология, Хан “韵”, Цин “韵” “韵”, “音韵表”, “成韵图. Фонология тадқиқот воситалари: шеърият, қофия, фанчие, шева, 对音 .Эр я: Бангу, Ханнома, Ши гу, Ши Ян, Ши сун, конфуцийчилик, канон, эски матнларга изоҳ, тилни тушунтириш, ҳикматли сўзлар. Фанг ян: Хан шу, Дюн, Янг Сионг, Шу, Лин.

1. Мавзу: Сунгу суе

Сунгу суе – бу Хитойнинг энг қадимги фанларидан бири ҳисобланади. У анъанавий филология бўлиб, илгари одамлар уни “小学”, яъни “кичик фан” деб аташган .

Сунгу суенинг икки маъноси мавжуд. Lin Yi ўзининг “Сунгу суега шарҳлар” китобида Сунгу суенинг адабиётдаги таъсирини қуйидагича кўрсатади:



Хитойнинг анъанавий филологияси, яъни “кичик фан”ни, одатда уч қисмга ажратишади: Сунгу (қадимги матнларга шарҳ бериш), фонология ва ёзув. Буларнинг барчаси Сунгу суе қарашли бўлиб, Сунгу суенинг тор маъноси ҳисобланади. Аммо Сунгу суе фонология ва ёзувни алоҳида ажрата олмаганлиги сабабли, кенг маънодаги Сунгу суе пайдо бўлди.

Кенг маънодаги Сунгу суе анъанавий филологиянинг бир бўли-мидир. У қадимги матнларни, шу билан бирга ўша давр жамиятининг сиёсатини, иқтисодиётини, маданиятини, урф-одатлари кабиларни ўрганади. Унинг мақсади одамларга қадимги матнларни ўқишда ёрдам бериш ва уларнинг ўқиш салоҳиятини оширишдир.

Тор маънодаги Сунгу суе - бу Хитойнинг қадимги сўзлар лексикасини ўрганувчи бўлимдир. У асосан Хан сулоласидан олдин ёзилган қўл ёзмаларни ўрганади. У нафақат лексикологияни, балки шу билан бирга фонология, грамматика ва стилистикани ўрганади.

Сунгу суе икки даврга, яъни илк ва сўнгги даврларга бўлинади. Илк даври 1947 йил бўлиб, Ван Ли “Янги Сунгу суе ” номли мақо-ласида эски Сунгу суе ни умумлаштириб, янги Сунгу суени яратади. “Биз 小学 ни тўхтатиб, эски фикрлардан халос бўлишимиз керак, кейинчалик янги Сунгу суе филологиянинг бир бўлимига айлана-ди.”,- деб ёзади Ван Ли. Ҳозирги кунда Сунгу суе тадқиқодчиларнинг айтишича: “Сунгу суенинг ўрганиш объекти –бу сўзнинг лексикаси ва тизими, асосий вазифаси эса-бу сўзнинг ривожланиш қонуниятини ўрганишдир”. Юқорида айтилган сўзларнинг барчаси янги Сунгу суега тааллуқли бўлиб, илк Сунгу суедан озмунча фарқ қилади.

Сунгу суени яна “Сунгу”, “гу сун”, “дие гу” деб ҳам аташади. Жоу Вей “Ши Цзинь” китобига қилинган шарҳларни “ Шигу сун чуан” деб номлайди. Бу ердаги “гу”, “Сун” ва “чуан” сўзлари бир-би-ри билан узвий боғлиқ бўлиб, қадимги китоблардаги уч усулни изоҳлайди. “Сунгу” атамаси Хан сулоласидан бошлаб шаклланган. “Сун” деганда нимани тушунамиз? У замонавий сўзларнинг маъноси-ни изоҳлайди. “Гу” деганда нимани тушунамиз? У қадимги сўзлар-нинг маъносини изоҳлайди.

Шакл жиҳатдан икки иероглифдан ташкил топган. Суй ва Тан сулолари даврида у пайдо бўлди, Сун сулоласи даври эса янгиланиш даври ҳисобланади. Юань ва Мин сулоларида Сунгу суе ривожлан-май тўхтаб қолади. Аммо Чин сулоласи даврига келиб, Сунгу суе ривожланишнинг энг баланд чўққисига етади ва ушбу соҳада катта муваффақиятларга эришилади. Ҳозирги кун Сунгу суенинг ривож-ланган даври ҳисобланади. Тилшуносларнинг фикрича, агар Сунгу суеда эришилган муваффақиятларни умумлаштирак, замонавий тилшуносликда янги Сунгу суе бўлимини яратсак бўлади. Анъанавий Сунгу суе асосан икки турдан иборат: 1) матнлар маъносига қилинган изоҳ; 2) семантикага қилинган изоҳ.

Анъанавий Сунгу суенинг иккита катта камчилиги мавжуд: 1) у бутунлай буддизм таълимотига асосланган, теориялар тизимини умумлаштирамаган. 2) Катта урғуни қадимга эмас, ҳозирги замонга берган. Тан давридан кейингайтирилган мақоллар ўрганилмас эди. Янги Сунгу суе бу икки муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилди. Бир томондан у Тан сулоласидан кейин пайдо бўлган мақолларнинг маъносини ўрганди, оғзаки нутқ шеваларини ўрганди. Иккинчи томондан, теориялар тизимини умумлаштирди. Сунгу суени таҳлил қиладиган бир гуруҳ тадқиқотчилар пайдо бўлди. Шу мавзу доирасида қуйидаги адабиётлар яратилди: Жоу Да "Сунгу суе яовей", Гонг Ченг "Сунгу суе", Лин И "Сунгу суе гайяо".

2 мавзу: Хитой фонологияси ҳақида

Фонологияни одатда "унитилган фан" деб аташади. "绝" иероглифининг бир нечта маънолари мавжуд, айнан бу контекста "унитилган фан" маъносида қўлланилган. Ҳақиқатдан ҳам, фонология Хитой учун анъанавий фан бўлиб, қадимдан бир нечта олимлар томонидан ўрганилган ва шу соҳада катта ютуқларга эришилган. Аммо, фонологиянинг бу соҳасига тегишли шундай атамалар мавжудки, улар ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган. Методология борасида ҳам мунозарага сабаб бўлувчи жиҳатлар мавжуд.

Дастлабки тадқиқотчиларнинг илк қадамларида бу ёпиқ масала бўлса-да, уни нотўғри йўлга етакловчи мавзу деб билишган. Аммо агар биз тиришқоқлик ва ирода билан ушбу масала устида иш олиб борсак, уни эгаллаш у қадар қийинд эмас. Дастлаб фонология анъанавий филологиянинг бир бўлими бўлган. Анъанавий филология келиб чиқишининг сабаби шу даврда билим юртларида классик адабиётларга изоҳ бериш деб тушунтирилади. Анъанавий филология шундай муҳит остида юзага келдики, изоҳ бериш жараёнида иероглифларни уч жиҳатдан – шакл, товуш ва маъно жиҳатдан ўрганади. "绝" иероглифининг асоси "пичоқ ва ип". Хулоса қилиб айтганда, иероглиф шаклини - иероглифшунослик, иероглифнинг ўқилишини – фонология ва иероглиф маъносини – лексикология бўлими ўрганади. Аммо бу тахминий бўлиниш бўлиб, аслида ушбу уч йўналиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Кейинчалик анъанавий филология ривожланган сари, яъни сўз бўлиб келадиган иероглифларни шакл, фонетик ва лексик жиҳатдан ўрганадиган фан, шу билан бирга фонетика, грамматика ва лексикологияни ривожланиш қоидаси ва

фонологияни ўрганадиган замонавий фанга айланган. Ҳозирги хитой тили лингвистикасини ташкил этади.

Фонология ҳам лингвистикани бир тармоғини ташкил этувчи бўлиmdir. “Фонология”- “товуш” маъносини билдириб, “ёзувда пайдо бўлганда, талаффузга айланади”. Хан сулоласидан илгари 韵 уш иероглифи мавжуд бўлмаган. Цин сулоласи даврида яшаган тилшунослар “韵” “韵” тарзида ёзишган. Масалан, “олти китоб”, “音韵表”, “成韵图” нутқ талаффузини билдириб, одатда уни фонетика деб аташади. Хитой тили фонетикасининг асосий бирлиги-бу бўғин. Бўғин эса ўз навбатида шэнму ва юнмуга бўлинади. Фонология айнан хитой тилининг бошланғич ва сўнгги товушини, уни келиб чиқишини ва турларини ўрганади. Шу билан бирга бу фан уларнинг илк ва сўнгги ривожланиш жараёнини таҳлил этган.

Хитой тили жуда узоқ тарихга эга. Унинг фонетикаси ҳам шунга яраша ривожланиб борган ва ўзгарган. Классик ва замонавий фонетика бир хил эмас, жанубдаги ва шимолдаги шевалар орасида ҳам фарқ бўлишига қарамай, тарихдан ҳозирги кунгача умумий тил ва шевалар орасидаги фарқ сақланиб қолган. Ушбу муаммолар фонология тадқиқотининг объекти ҳисобланади. Чин даврининг олимлари фонологияни уч қисмга ажратишган. Илк фонология- Цинь сулоласигача бўлган илк фонетикасини ўрганади; ўрта фонология - 切音 услубида берилган; сўнгги фонология- маълум бошқа турдаги графика асосида оҳанг турини таҳлил қилади. Замонавий олимлар фонологияни классификация қилганда, ҳар бир тарихий даврнинг фонетикасини ўрганишган. Умумий қилиб айтганда, бу алоҳида давр бўлиб уни хитой тили фонологияси тарихи деб аташади. Ҳар бир тарихий даврга асосан бир қанча фонетик сатҳларга бўлинади. Масалан, илк, ўрта ва янги давр фонетикаси. Бундай сатҳларга бўлиб ўрганиш энг асосий вазифадир. Барча даврларга кўра тадқиқот ҳар бир сатҳ қиёси, нутқ товушларининг қадимдан то ҳозирги кунга қадар эволюцион қонуниятларнинг тадқиқи ва муҳокамаси асосида амалга оширилади. Бу фонологиянинг асосий мазмунидир.

Хитой халқи узоқ тарихга ва маданиятга эгадир. Ҳар бир миллат ёзуви билан ёзилган адабиётлар ва манбалар маданият хазинаси ҳисобланади. Хитой тилида ёзилган ёзма ёдгорликлар энг кўп бўлиб, улар фонологияни бой материаллар билан таъминлайди. Аммо хитой ёзуви фонетик ёзув бўлмаганлиги учун қадимги давр нутқ товушларини ўзида жамлаган адабиётлар чегараланган. Мавжуд бўлган

тағдирда ҳам уларни текшириб, маълум тартибга солиш шарт. Фақат шунда яхша натижага эришиш мумкин.

Фонология тадқиқот воситалари қуйидагилардан иборат:

1. Шеърят. Классик адабиётларда шеър, кўшиқ каби қофияланган асарлар жуда кўп. Қофияларни умумлаштириб, ўша даврдаги юнмуларнинг вазияти билан танишиш мумкин. Биринчи ўринда, қофиялар рўйхатини тузиш керак. Масалан, Шицзинь қофиялар рўйхати, Суй даври қофиялар рўйхати, Тан даври қофиялар рўйхати, Сунци қофиялар рўйхати кабилар.

2. Фанчие қофиялар рўйхати – бу бўғинларнинг фонетик жадвалидир. Фанчие –бу иероглифлардан фойдаланиб иероглифга транскрипция беришнинг усулидир. Бу дегани иккита иероглиф ёрдамида битта иероглифга транскрипция берилади. Биринчи иероглиф юнмуни, иккинчи иероглиф эса шэнмуни билдиради. Ҳар бир давр фальцесини тартибга солиш ёрдамида нутқ товушларини тадқиқ этиш мумкин. Қофиялар рўйхати шэнму турлари ва оҳанг турлари асосида тузилган. Шунинг учун бу қадимги давр нутқ товушларини ўрганишда роли катта.

3. Ҳозирги давр шевалари. Ҳозирги кун хитой тили шевалари классик хитой тилидан ташкил топган. Яъни ҳозирги кун шеваларидан классик тил элементларини кўрсак бўлади.

4. 对音。 Икки турга бўлинади. Унда бошқа тиллардан хитой тилига кириб келган сўзларни ўз ичига олади. Иккинчи турга эса аксинча хитой тилидан бошқа тилга кириб келган сўзлар киради.

Биринчи ва иккинчи бўлимдаги воситалар фақат қадимий хитой тили нутқ товушларининг юнму, шэнму ва оҳанг турларини ўрганади. Учунчи ва тўртинчи бўлимда тадқиқотлар олиб бориш ва бошқа тилларнинг фонетик ёзуви ёрдамида умумий товуш сифатлари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Фақатгина ушбу воситаларни барчасини қўллаб туриб яхши натижаларга эришсак бўлади.

Биринчидан, фонологиянинг вазифаси мумтоз адабиётларни ўқишга ёрдам бериш. Қадимги хитой тили билан замонавий хитой тили орасида кун сайин фарқ ортиб бормоқда. Масалан, қадимги хитой тилига изоҳ берилмаса, классик адабиётларни ўқиш жуда қийинда. Фонология эса адабиётларга изоҳ беришнинг бир воситасидир.

Иккинчидан, хитой тили ва грамматикаси, фонетикаси, лексикология тарихини ўз ичига олади.

Учинчидан, фонологияга ўзига алоқадор бўлган фанларга ёрдам бериши мумкин. Тарих, иероглифшунослик, археология, адабиёт, миллатшунослик билан бир қаторда замонавий хитой тили, луғатшунослик, кам миллатлар тилини ва ёзувини ўрганишга ёрдам беради.

3-мавзу: Эр я

“Эр я” бу Хитойнинг энг қадимги тематик гуруҳларга ажратилган махсус китоб бўлиб, у қадимги луғат ҳамдир.

“Эр я”нинг муаллифи номаълум бўлиб, у эрамиздан аввалги 770 йил Чун Чиу давридан сўнг бир олим классик қадимги китоблар орасидаги атамаларни олиб, уларга изоҳ берган. Фарбий Хан даврининг бошларига келиб, уни тўлдириб, уни тугал китоб шаклига келтиради. Бангу (32-92) ўзининг “Ханнома”сида бу ҳақида шундай ёзади: Тан даврига келиб, уни “Канонлар” қисмига киргизгандан сўнг, “Эр я” конфуцийлик классик асарларидан бирига айланади. “13 та канон” орасида у ўн иккинчиси бўлиб қолади. У қадимги классик китоб бўлибгина қолмай, у яна қадимги луғатдир.

Ҳозирги кўринишдаги “Эр я” ўз ичига 19 бўлимни қамраб олган. Бу миқдор, “Ханнома”да қайд этилган “уч сверток 20 та бўлиб”га ўхшамайди. Яна, Вей Жанг И “Кенгайтирилган кўрсаткичлар” да кўрсатиб ўтилган “3 бўлим” ҳам тўғри келмайди. Асосийси бўлинган бўлимларинг ҳажми бир хил эмас. 19 бўлимнинг номланиши: эски матнларга изоҳ бериш, тилни тушунтириш, ҳикматлар (қонун-қоидалар) ни тушунтириш, қариндошликларга изоҳ бериш, сарой сўзлари ва техникага хос сўзларни тушунтириш, мусиқага оид сўзларга изоҳ бериш, астрономияни ўрганиш, географияга хос сўзларга изоҳ бериш, тоғ сўзларига оид сўзларга изоҳ бериш, сувни ўрганиш, ўсимликларга изоҳ бериш, дарахтга хос сўзларни ўрганиш, хашаротларни тадқиқ қилиш, балиқ сўзларини тушунтириш, парранда сўзларини изоҳлаш, ҳайвонларга хос сўзларни ўрганиш.

“Эр я”нинг сўзлари, иероглифлари нозик дидли бўлиб, мазмуни тўлиқ ёритилади. 19 та бўлим бу сўзларнинг маъноларига изоҳ беришларга бағишланади. “Ши гу” бўлимида қадимги сўзларга изоҳ берилади, “Ши Ян” бўлимида эса феъллар ва бир қисм сифатлар тушунтирилади, “Ши сун” сўз бирикмалари ва қўшилиб ўқиладиган такрорий сўзлар ҳамда сифатлар ва равишлар тушунтирилган. Ушбу уч бўлим ҳозирда қадимиятни тушунтиришда қўлланилади ва оммага

тақдим этилган. Масалан: 初, 首, 基, 祖, 元, 胎, 叔, 落, 始也 (эски матнларга изоҳ бериш); 殷, 齐, 中也 (тилни тушунтириш); 明明, 斤斤, 察也 (хикматлар (қонун-қоидалар) ни тушунтириш). Бу ерда тушунтириладиган сўз олдинга қўйилиб, унинг маъносига ўхшаш ва яқин сўзларни ундан кейин бир қатор қилиб саралаб қўйилади. Охирида битта меъёрий морфологик изоҳ берилади. Юқорида кўрсатилган «始» иероглифини тушунтиришда “初. . .”. Бу маъно-мазмун ҳозиргача ҳаётимизда қўлланиши мумкин. Агар қайсидир бино қурилиши тугагандан сўнгидаги тантана, бу ердаги “тугаши” 落 сўзи 始 сўзининг маъносида келади. Қадимги одамлар ўз замонида эски матнларга изоҳ бериш, тилни тушунтириш, хикматлар (қонун-қоидалар) ни тушунтириш билан боғлиқ 3 бўлим тўғрисида унчалик тушунчага эга бўлмаган, унинг орқасида эса маълум тўсиқларга дуч келинган.

Қолган 16 бўлим лексикага бўлинган. Тушунтирилаётган пайтда бугунда қўлланиладиган сўзларни қадимий ва нозик қилиб изоҳ берилади, бир сўзни олиб бошқа сўзга алмаштириб унга тушунтиришлар берилади. Тўртинчи бўлимда қариндошлар орасидаги алоқаларга изоҳ берилади, у ўз ичига ота-она, ака-ука, эр-хотин ва бошқалар орасидаги муносабатлар. Масалан: Ота изланиш учун, она ҳалок бўлиш учун, аввал ака эркак бўлади, сўнгра ука.

Бешинчи бўлимдан еттинчи бўлимгача сарой хоналари, қурилишларига бағишлан бўлиб, одатда ҳар кун ишлатиладиган ускуналар, озиқ-овқат, ичимликлар, кийимлар, турли мусиқа асбоб номлари тушунтирилади. Масалан:

宮 ни 室 деб айтиш мумкин, 室 ни 宮 тарзида ҳам қўллаш мумкин. 正门 ни 应门 шаклда; 木豆 ни 豆 деб аташади. 竹豆 ни 筵 дейиш мумкин, 瓦豆 ни 登 тарзида қўлланади. 大琴 ни 离 тарзида ишлатса бўлади.

Еттинчи бўлимдан ўн иккинчи бўлимгача, астрономия, об-ҳаво, фасллар, ҳудудларнинг бўлиниши, паст-баландликлар, турли хил тоғликлар, дарёлар номи изоҳланган. Масалан: 河南, 华, 河西, 河东, 岱, 河北, 恒, 江南, 衡 (тоғ сўзларига оид сўзларга изоҳ бериш).

Ўн учинчи бўлимдан ўн тўққизинчи бўлимгача ўсимликлар, ҳайвонларнинг тематик лексикаси кўрсатилган, яъни ўтлар, дарахтлар, ҳашаротлар, балиқлар, чумчуқлар, ёввойи ҳайвонлар, уй ҳайвонлари. Аммо улар орасида илмий бўлмаган қирралар мавжуд, масалан:

“Уй ҳайвонлари” бўлимида бу уйда парвариш қилинадиган ҳайвонлар киритилиши назарда тутилади, “Ёввойи ҳайвонлар” да эса ёввойи табиатда вояга етган ҳайвонлар киради, чўчқа, сугир, кўй ва ҳоказолар ҳам ёввойи, ҳам уй ҳайвонлар бўлимига киритилган, адаштириш қийин эмас.

“Эр Я” - сўзларнинг маъносига изоҳ берувчи китоб бўлиб, кейинги авлодлар тадқиқоти учун қадимги атамалар, номларга оид муҳим, қимматбаҳо маълумот йиғиндиси. Хан давридаги Гуо Ше, Лиу Ёин, Фан Гуан, Ли Сун, Сун Ян, Лиан Чень Цзуан ва ҳ.к.з.ларнинг ижодларида асарларида шарҳ ёзиш асосий ўрин тутади.

Ушбу шарҳлар жуда кўп тарқала бошлади, Цин династиясидаги Ма Гуо Ханнинг “Эр Яга қадимги изоҳ”. Ҳозирги давом эттирувчилардан фақат Пу династиясидаги Гуо Пунинг “Эр Яга изоҳ”, Сун сулоласидаги, Лиу Сининг “Эр янинг янги маъноси”, Чжен Чжиенинг “Эр яга изоҳ” ва ҳоказо. Цин сулоласида “Эр я” ни тадқиқ қилувчилар сони ниҳоятда ошди. Улар орасидаги Шао Цзин Хан (1742-1796) нинг “Эр янинг адолатлилиги”, Хао Ёи Ханнинг (1757-1825) “Эр янинг изоҳлари йиғиндиси” диққатга сазовордир. Шао Чжи “Талаффузи яқин бир хил маъно” изоҳлаш усулидан қўлланган ҳолда, сўзнинг маъносини изоҳлаб, тушунтириб беради ва жуда катта ютуққа эга бўлди.

Кейинги йилларда “Эр я”га бағишлаб кўплаб асарлар ёзилган, буларни яна “Чун я” деб ҳам атайди. Улар орасидаги энг асосийлари қуйидагилар: “Кичкина Эр я” (Хан сулоласидаги ёзувчи Сун Фу), “Пи Я” (Сун сулоласидаги Лиу Си ёзган), “Эр Я Ёи (қаноти)” (Сун сулоласидаги Луо Юань), “Пинг Я” (Мин сулоласидаги Чжу Мо), “Тонг Я” (Мин сулоласидаги Чжи), “Бие Я” (Цин сулоласидаги У Ю), “ши Я” (Сиа Вей Тан), “Би Я” (Хонг Лианг Цзи), “Дие Я” (Ши Менг Лан) ва “Ғарбий Эр Я” (Ван Чу Тонг). Ушбу асарлар “Эр Я” га шарҳлар сингари Хитой тарихий лексикологияси тадқиқотларига бағишланган етук қимматбаҳо маълумотлардир.

4 - Мавзу: “Фанг ян”

“Фанг ян” – бу Хитойнинг илк шевага оид махсус китобидир. Унинг тўлиқ номи “суан ши джи дие дай юши биегуо фангян”. “Фанг ян” китоби нинг муаллифи Янг Сионг. Янг Сионг м-ав 53 милодий 18 йилларда Ғарбий Хан сулоласи даврида яшаган. У ўз даврининг етук

адабиётчиси ва файласуфи эди. Ушбу филологик асардан ташқари, яна “Сун зуан биэн” филологик асари ҳам мавжуд.

“Хан шу” китобида Янг Сионгга қуйидагича таъриф берилган: “Янг Сионг- чуқур билимга эга энциклопедистдир”. Уни 49 ёшида Цинь императорлигига табиб қилиб юборишади. Янг Сионгни Цинь императорлиги даврида одатда ҳар йилнинг август ойида элчи қилиб турли вилоятларга юборишган. Бундан мақсад турли жойлардаги шеваларни ўрганиб, уларни тўплаш эди. Кейинчалик ушбу маълумотлар таҳрир этилган. Цинь империясида парокандалик юз берган пайтнинг ўзида ушбу маълумотлар деярли йўқолиб кетган. Аммо, Шу сулоласига келиб, Дюн исмли одам мингга яқин иероглифларни йиғади. Лин исмли одам ҳам бу тахминни билар эди. Дюн Янг Сионгни устози, Лин эса Янг Сионгни қариндоши бўлган. Уларнинг бутун маълумотларини ва тадқиқотларни Янг Сионг йиғади. Янг Сионг шеваларга жуда қизиқади, кейинчалик ўзи ушбу ишни давом эттиради. У ҳар бир худуддаги ҳурматга сазовор ҳарбийларнинг зиёратга пойтахтга келганидан фойдаланар эди. “Мўйқалам ва ипак қоғоздан фойдаланиб, турли-хил шеваларнинг таллафузини йиққан”. Изланиш ишлар ва изоҳ қўшилганидан сўнг, яъни 27 йил ўтиб, 9000 иероглифли китоб тузилади. Янг Сионгнинг ушбу ишини Луо Чанг қуйидагича баҳолайди: “У замонавий тилшунос бўлиб, ёзиш ва қайта ишлаш ишларини параллел равишда олиб борган”. Табиийки, ҳозирги пайтда баъзи-бир одамлар “Фанг ян” китобидан ҳайратда қолиши табиийдир.

Янг Сионг ушбу китобни ёзишда, ўзидан олдин яшаган уламолар манбаларидан ҳам фойдаланган. Бу манбалар хитой тилининг асрлар давомида ўзгаришини, ҳамда классик шеваларнинг вазиятини ўзида акс эттирган. Шу боис, ушбу китоб оддий қўлёзма эмас, балки классик ва замонавий тилнинг изоҳини ўзида мужассам этган. Айнан шунинг учун китобнинг номида “Беқиёс тилнинг изоҳи” каби сўзлар иштирок этган. Бунга изоҳ сифатида китобда қуйидаги бўлим мавжуд: Масалан, “吳 нинг маъноси “катта”, “抽 “ўқимоқ” маъносини англатади”, “классик ва замонавий тил” “классик ва навқирон тиллар” уларнинг ҳаммаси ушбу ҳолатдадир. Албатта бу китобнинг асосий қисми “бошқа мамлакатлардаги шевалар”, яъни Хан сулоласи давридаги турли жойларнинг шевалари орасидаги фарқлар кўрсатилган. Унда шевалар қуйидаги турларга бўлиб кўрсатилган:

1. умум қабул қилинган тил – чегарасиз худудлардаги шева

2. Баъзи-бир тиллар орасидаги умумий тилшунослик-нисбатан каттароқ майдонни эгаллаган.

3. Баъзи-бир тиллар орасидаги шевалар - кичкина ҳудудда ишлатиладиган шева

4. Ўзгарувчан тил- давр ва ҳудудга боғлиқ бўлиб, бир сўз иккинчи сўздан фонологик жиҳатдан фарқ қилади.

Ёзувчилар шеванинг усулларини кўрсатиб ўтишган. Улар битта сўзни ёки синонимик қаторни танлаб, уларни сарловҳага айлантиришган. Сўнгра уларнинг ҳар бирини ишлатиладиган ҳудудга ажратишган. Бутун китоб 30 та томдан иборат бўлиб, ҳар бир сўз ўз маъносига кўра маълум том таркибига киритилган. Маъноларга асосланиб бўлинганида 标目 мавжуд бўлмаганига қарамай, “Эр я” китобига асосланган. Масалан, 8-чи томнинг бош ва охириги бўлимлари хайвонлар, қушлар ва қурт-қумурсқаларнинг турлари ҳақида. 9-чи томнинг бош бўлими арава билан боғлиқ сўзлар, охириги бўлими эса кемасозлик билан боғлиқ бўлган сўзлар берилган. Ҳаммаси бўлиб бутун китоб 669 та бўлимдан ташкил топган. Уларни қуйида кўриб ўтсак:

怙 , 奄 , 怜 , 牟 иероглифларининг ҳаммаси “севмоқ” маъноси билдиради. (1-бўлим)

“Фанг ян” – Хитой шевалари масалсида маълумот берувчи нодир китоблардан бўлиб, хитой филологияси тарихида муҳим ўрин эгаллаган. Шунингдек, китоб қимматли манбаа сифатида хитой тилининг ривожланиши, шеваси, лексикология тарихи ва фонологияга оид бой фактик материалларни қамраб олади. Хусусан, мазкур манбаа асосида Хан сулоласидан илгари ва сўнг тилдаги мавжуд бўлган ҳолатни ва мураккаб шевалардаги муаммоларни кўриш имкони пайдо бўлади.

Бундан ташқари, мазкур китоб баъзи бир шевадаги сўзларнинг умум қабул қилинган тил таркибига қай тарзда кириб кетишини ёки аксинча йўқолиб кетишини; баъзи-бир умум қабул қилинган сўзларнинг қай тарзда шевага айланиб кетиши ёки йўқолиб кетиши; кейинчалик жамият ривожининг хитой тили тараққиётига таъсирини ўрганишдаги ягона манбаа аҳм дейиш мумкин.” “Фанг ян” китобининг диққатга сазовор жойи яна шундаки, у хитой филологияси тарихида янгиликни олиб келди, манбаларни йиғиш ҳаттоки, таҳрир қилишнинг усуллари ўша даврнинг ўзига хос илми ҳисобланган. Унинг таъсири остида, кейинги асрларда кўп филологлар шевани ўрганишга

жуда катта эътибор беришган. Натижада, турли хилдаги илмий ишлар юзага келди, ҳамда “Фанг ян” шевалар китоби ҳам пайдо бўлади.

Афсуски, кейинги даврларнинг тадқиқотлари одатда ушбу китобдаги манбалар билан чекланиб қолар эди. Янг Сионгнинг каби ҳеч ким бу қадар тадқиқот ишларни олиб боролмаган. Ушбу вазият яқин даврларда ўзгарди. Бундан ташқари, бизнинг фикримиз билан икки минг йил илгари яшаган Янг Сионг фикри бир хилдир.

Мавзу бўйича саволлар

1. Сунгу суенинг пайдо бўлиш тарихини гаприб беринг?
2. Сяо суе ҳақида нималарни биласиз?
3. Сунгу суени хитой филологияси фани ривожда тутган ўрни-ни нималарда кўрасиз?
4. Сунгу ва фоно деганда нималарни тушунасиз, мазмунини очиб беринг?
5. Сунгу суе неча турга бўлинади?
6. Танг даврида сунгу суени ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотчилардан кимларни биласиз?
7. Хитойда Сунгу суе фан сифатида ўрганиладими?
8. “Гу”, “сун” ва “чуан” сўзлари қайси олимнинг қаламига мансублигини аниқланг?
9. “Янги Сунгу суе” мақоласи қайси тилшунос қалмига мансуб ?
10. Анъанавий Сунгу суенинг қандай камчиликлари мавжуд?

Амалий машғулот учун саволлар

1. Сунгу сие ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлиш.
2. Янг Сионг ижоди билан танишиш.
3. Чинг даври фонологияси ҳақида маълумотларга эга бўлиш.
4. Иероглифшунослик, фонология, лексикология қўшимча маълумотлар олиш.
5. Эр янинг Хан сулоласи даври ривожланиши.
6. Эр янинг Чинг сулоласи даври ривожланиши.
7. Эр я ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.
8. Хитой тилининг ривожда эр янинг тутган ўрни.
9. Эр яни ўрганишга бағишланган имлий ишлар билан танишиш.
10. Эр яни бўлимлари бўйича маълумотларга эга бўлиш.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Фан ян деганда нималарни тушунасиз?
2. Фан ян қандай фан, мақсадига кўра нималарни ўрганади?
3. Хитойда қандай шева тиллар бор?
4. Фан янни хитой шеваларини ўрганувчи фан дейиш мумкинми?
5. Фан ян китобининг муаллифи ким?
6. Янг Сионг ким бўлган?
7. Соҳаси бўйича фан янни қимматли манба дейиш мумкинми?
8. Дюн ким бўлган?
9. “Сун зуан биэн” номли филологик асар кимнинг қаламига мансуб?
10. Шева, лаҳжа, жаргонизмларни қандай изоҳлайсиз?

4 БЎЛИМ. ХИТОЙ ИЕРОГЛИФЛАРИГА ТРАНСКРИПЦИЯ БЕРИШНИНГ ДАСТЛАБКИ УСУЛЛАРИ

Мавзунинг мақсади: Хитой иероглифларига транскрипция бериш усуллари (Жи ин, фан чиэ, жуин зиму, пинин зиму). Транскрипция бериш усулларининг пайдо бўлиши ва уларнинг шаклланиш жарёнлари. Иероглифлар ривожда усулларнинг ўрни ва аҳамияти. Транскрипция беришнинг Фанчиэ усули. Фан чиэ усулида яратилган луғатлар. Фанчиэнинг бугунги ўқилишидаги муаммолар.

Таянч сўзлар: 直音, 反切, 注音字母, 拼音, 读若, усул, услуб, 说文解字, 王部, 汉书, 文艺, 史注篇, 汉子异义异读列, 辞海. 音书, 声韵, 四声谱, 沈约, 切韵, 唐韵, 广韵, 集韵, 中原音韵.

1 мавзу. Эрамизнинг II асрига қадар мавжуд бўлган транскрипция усуллари ҳақида қисқача маълумот

Хитойда иероглифларга транскрипция бериш ҳамда иероглифлар ўқилишини енгиллаштириш мақсадида тўртта расмий қабул қилинган транскрипция усулларидан фойдаланишган. Бу Жи ин(直音), Фан чиэ (反切), Жуин зиму (注音字母) ва Пинин зиму (拼音) усуллари дир. Қизиқарли жиҳатики, мавжуд барча усулларнинг ҳаммаси ҳам бир даврда яратилмаган. Балки тарихий тараққиёт натижасида бирин кетин яратилган. Бу расмий қабул қилинган усуллар кенг миқёсда қўлланилган ҳамда хитой тарихий фонологиясида чуқур из қолдирган. Хитой тилшунослигида мазкур тўрт усул тарихий аҳамиятга эга бўлган усуллар ҳисобланади.

Хитой иероглифларига транскрипция беришнинг энг дастлабкиси 读若 (Дуруо) усули бўлган. Бу усулда талаффуз берилиши керак бўлган иероглифга шу иероглиф билан талаффузи ўхшаш бўлган бошқа бир иероглиф орқали берилган, яъни ўхшатиб ўқилган. Масалан, “说文解字” нинг «王部» бўлимида шундай келтирилади: “珣 读若 宣”, яъни 珣 (хип) иероглифига 宣 (хуан) иероглифи орқали транскрипция берилган, «部»: бўлимида шундай келтирилади: “宋, 从木, 读, яъни 宋(song) иероглифига 送(song) иероглифи ёрдамида транскрипция берилган.

譬况 (pikuang) кейинги усул бўлиб, ушбу усулда тасвирий сўзлар орқали талаффуз берилаётган иероглифларнинг талаффуз қилиш хусусияти кўрсатиб берилган. Масалан, “淮南子 地刑训” китобида шундай келтирилади: “高诱注(Гаў Йў/унга шундай изоҳ беради): “旄

读绸缪，急气言异得之”， яъни 旄(mao) иероглифи 绸缪(choumiao-ипак иплар) сўзидаги 缪 (miao) иероглифи талаффузига ўхшатиб ўкилади, бўгиндаги "i" юнмуси талаффузда тушиб қолади. Транскрипция беришнинг учинчи шакли бу Жи ин (直音) усули бўлиб, бу усул ёрдамида бирор бир иероглифнинг талаффузини бериш учун, талаффузи шу иероглиф билан айнан ўхшаш бўлган бошқа бир кўп қўлланадиган иероглиф, яъни турдош талаффуздаги иероглиф орқали берилар эди. Жи ин усули хитой тилида "тўғридан-тўғри талаффуз бериш" деган маънони англатади. Хитой тилининг ўзига хос хусусиятларидан яна бир жиҳати, бир хил талаффуз қилиниб, ҳар хил ёзиладиган иероглифлар микдорининг кўплиги билан таснифланади.

Тўғридан - тўғри транскрипция бериш деганда, хитой тилида бир хил талаффуз қилинадиган, яъни турдош талаффуздаги иероглифлардан фойдаланиб, ҳар хил ёзиладиган иероглифлар талаффузини бериш тушунилади. Масалан, 逝 (shi) "кетмоқ, оламдан ўтмоқ" иероглифининг талаффузи 誓 (shi) "қасам ичмоқ" иероглифи орқали берилган, 毕 (би) "битирмоқ, тугатмоқ" сўзининг талаффузи 必 (bi) "зарур" иероглифи орқали берилади. Юқоридаги мисоллардан, талаффузи ҳосил қилинаётган ва талаффуз бераётган иероглифлар бир хил талаффуз қилинади, лекин бу иероглифлар ҳар хил ёзилади.

Жи ин усулининг пайдо бўлиши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Манбаларнинг хабар беришича, яъни Хан шу (汉书-Ханнома) нинг санъат 文艺 "wen yi " бўлимида Жоу сулоласининг Сюан Ванг шоҳи ҳукмронлиги даврида босилиб чиққан Ши Жупян (史注篇), яъни "Иероглифлар каталоги" да Жи ин усулидан фойдаланган. Кейинчалик, ушбу усул оммалашиб, милоднинг III асригача, фанчиэ системаси вужудга келгунига қадар иероглифларга асосий ва ягона транскрипция бериш усули бўлиб хизмат қилган. Мазкур ўринда бу усулдан ҳозирга қадар баъзи бир адабиётларда фойдаланилишини таъкидлаш жоиз.

Масалан, 1958 йилда нашр этилган "Иероглифларнинг бир хил ёзилиб, ҳар хил ўкиладиган ва ҳар хил маъно англатадиган луғати" (汉子异义异读列), 1979 йил Пекинда чоп этилган "Си хай" (辞海) луғатида қадимги хитой тилида қўлланилган, ҳозирги кунда эса кам учрайдиган иероглифларга Жи ин усулидан фойдаланган ҳолда транскрипция берилган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Жи ин усули камида 3 минг йиллик тарихга эга бўлиб, тахминан 1000 йил даво-

мида ягона транскрипция бериш усули сифатида қўлланиб келинди. Таъкидлаш жоизки, яъни бу усулда доим ҳам иероглифларнинг талаффузи аниқ берилмай, аксинча баъзи ҳолларда уларнинг тахминий талаффузи берилар эди. Бу усул билан транскрипция бериш жараёнида, агар иероглифнинг талаффузини тўлиқ ва аниқ равишда ифодалайдиган иероглиф топилмаса, у ҳолда шу иероглифнинг талаффузига ўхшаш ёки яқинроқ бўлган бошқа бир иероглифдан фойдаланишган. Жи ин усулининг шу каби камчиликлари хитой тилшуносларини яна бир мукамалроқ транскрипция бериш усулини яратишга мажбур қилди ва натижада Фан чиэ системаси кашф қилинди.

2 мавзу. Транскрипция беришнинг Фанчиэ усули

Хан сулоласи хукмронлигининг охирларига келиб, хитой тилшунослигида фонетикани жиддий ўрганишга эътибор қаратила бошланди. Бу даврда фонетика фани хитой тилида "Иншу" ("音书"- иероглифларнинг товушлари) кейинчалик эса "Шэнгюнь" (声韵-иероглифлар бўғинларининг бош ва сўнгги товуши) деб юритилган. Бу давргача эса хитой тилшунослари фақатгина иероглифнинг ёзилиши, ёзув, уларнинг маънолари ҳамда мумтоз адабиётлар изоҳи билан қизиқишган, фонетикага эса фавайт II асрга келиб эътибор бера бошланди. Бунга қуйидаги икки ҳодиса сабаб бўлган.

Биринчи сабаб, эрамизнинг I асрида Хитойга кириб келган буддизм дини билан бирга, эрамизнинг II - III асрларида буддизм адабиётлари ҳам кириб келди. Бу адабиётларнинг барчаси санскрит ёзувида ёзилган бўлиб, уларни ўқиш, ўрганиш, таржима қилиш ва уларга транскрипция бериш жараёнида хитой тилшунослари бир иероглиф бир бўғиндан иборат эканлигини ва бўғиннинг товуш тузилишини тушуниб етишди. Хитой олимлари ва дин арбоблари санскрит ёзувида иероглифлар орқали транскрипция бериш усулини амалга оширишган эди.

Иккинчи сабаб, III асрнинг охири ва IV аср бошларида Хитой адабиётида шеърийят соҳасининг туб негизи бўлган оҳанг ва қофиянинг назариясини ишлаб чиқиш вазифаси олимларнинг олдида кўндаланг қуйилган эди. Бу эса сўзларнинг товуш тузилиш таркибини ва ундаги оҳангларни ўрганишни талаб қиларди. Натижада олимлар иероглифлар тўрт оҳанг асосида талаффуз қилинишини ишлаб чиқишди: биринчи оҳанг, иккинчи оҳанг, учинчи оҳанг ва тўртинчи оҳанг.

Кейинчалик милоднинг IV-V асрларига келиб, бўгин икки товуш системасига бўлинишни мукамал равишда кашф қилишди, яъни шэнму(声母) ва юнму(韵母). Бу шундан иборатки, бир иероглиф бир бўгиндан иборат бўлса, бир бўгин эса икки фонетик бирлик шэнму ва юнмуга эга бўлади.

Шэнму бу бўгин бошида келувчи ундош товуш, юнму эса бўгиннинг шэнмудан кейин келувчи товушидир. Юнмулар унли ва ундош ҳарфлардан иборат. Масалан, (суан - 酸) сўзида "s" бу шэнму, "uan" эса юнмудир. "Ниа"(хуа - 花) сўзида эса "h" шэнму бўлиб, "ua" юнмудир. Баъзи бўгинларда шэнму бўлмайди, бундай бўгинларнинг шэнмуси "нол" деб аталади. Масалан, "an", "en" бўгинлари. Юнмулар ўзида нафақат товушни ифода этади, балки улар оҳангни ҳам акс эттиради. Бўгин таркибий жиҳатдан шэнму, юнму ва оҳангдан ташкил топган бўлади. Кейинчалик ғарб олимлари хитой олимларининг бундай кашфиётлари билан танишгандан сўнг, бу икки атаманинг биринчисига, яъни шэнмуга "инициал", юнмуга эса "финал" деб ном беришди. Узбек тилига таржима қилсак, "инициал"-бошлангич товуш, "финал"- сўнгги товуш маъноларини беради.

Шу даврда, яъни милоднинг II - V асрларида иероглифларга талаффуз беришнинг янги усули кашф қилинди ва амалда қўллана бошлади. Бу усул "Фанчиэ" (反切), яъни "иероглифларни кесиб бириктириш" усулидир.

"Фанчиэ" (反切) усули бу "кесиб бириктириш" усули бўлиб, бу усулда бир иероглифнинг талаффузи бошқа икки иероглифнинг талаффузи орқали берилади. Улардан биринчиси шу иероглифнинг шэнмусини берган, иккинчи иероглиф эса унинг юнмуси ҳамда оҳангини берган. Масалан, 东 -(dong) сўзининг талаффузини бериш учун 都 (dou) ва 宗(zong) иероглифларидан фойдаланишган, яъни "都" иероглифи унинг шэнмуси "d" ни, "宗" иероглифи эса унинг юнмуси ҳамда оҳанги "ong" ни ифодалаган(d+ ong = dong).

Ўрта аср луғатшунослиги, адабиёти ҳамда фонологияси ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор, V асрда яратилган "Тўрт оҳанг нотаси 四声谱 китоби ҳақида гапириб ўтишимиз лозим. Унинг муаллифи Шэнюэ (沈约) маданият ва санъат соҳасида йирик мутаффақир бўлиб, биринчи бўлиб хитой тилининг мусиқий оҳанги борлигини, яъни ҳар бир хитой бўгини тўртта оҳанг қофияга тушишини аниқлаган ва исботлаб берган.

Шу билан бирга, у бу оҳангларга белги ва ном берган. Лекин бизда, олимнинг оҳанглари қандай белгилар асосида ифодаланиши ҳақида маълумотлар йўқ. Биз фақатгина бу оҳанглари қандай номлаганини биламиз холос. У оҳанглари қуйидагича номлаган: "пин шэнг", "шанг шэнг", "чу шэнг" ва "ру шэнг".

Талаффузи бир хил бўлган, аммо ҳар хил маъно англатадиган сўзларни тинглаганда, уларни фақат оҳанг орқали ажратилади. Масалан, "у" (恶) деб талаффуз қилинадиган сўз биринчи оҳангда "қандай, қандай қилиб" маъноларини билдиради, тўртинчи оҳангда эса "қабих, ифлос" маъноларини беради. "ай" (埃) сўзи биринчи оҳангда "ёнида, яқинида" маъноларини беради, иккинчи оҳангда у "йўликмоқ, дучор бўлмоқ" маъносини беради. Кўриниб турибдики, иккита иероглиф ҳам икки маънога эга бўлиб, уларнинг маъноларини фақатгина оҳанг асосида фарқлаш мумкин.

Демак, бундан хитой тилида сўзларни фарқлашда оҳанг масаласи муҳим аҳамият касб этади деган тўхтамга келинади. Юқорида зикр этилган "Тўрт оҳанг нотаси" китоби кейинчалик хитойда оҳанг қофияга солинган луғатларнинг вужудга келишига туртки бўлди. Ва бундан кейинги яратилган, иероглифлар транскрипцияси берилган луғатларнинг барчасида уларнинг оҳанги ҳам кўрсатиладиган бўлди.

Қуйида биз ўрта аср хитой тилшунослигида яратилган ва бугунги кунга қадар қимматли бўлиб қолаётган ҳам иероглифларнинг транскрипцияси, ҳам оҳанги берилган луғатлардан айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Улар қуйидаги луғатлардир:

1) Чизюн (切韵), 2) "Танг юн"(唐韵), 3) "Гуанг юн"(广韵), 4) "Жиюн"(集韵), 5) "Жунгюан инюн"(中原音韵).

3 мавзу. Хитой тилшунослигида фанчиз усулида ёзиб қолдирилган луғатлар

"Чизюн" (切韵) луғати

Улардан энг биринчиси "Чизюн" (切韵) луғатидир. Бу луғатнинг муаллифи Суй сулоласи ҳукуматининг маросимлар ўтказиш ишлари вазирлигида йирик амалдор бўлган Лу Фаян(陆法眼)дир. "Чизюн" ни ўзбек тилига таржима қиладиган бўлсак, у "талаффузи берилган хитой иероглифлари луғати" деган маънони англатади. Бу луғат беш бобдан иборат бўлиб, унинг асл нусхаси йўқолган, ҳозирги вақтда ишлатилаётган "Чизюн" луғати XX асрнинг биринчи ярмида

Танг сулоласи даврида чоп этилган "Чиэ юн" нинг қайта босилиб чиққан нусхаси ҳисобланади.

"Танг юн" (唐韵) луғати

"Танг юн"(唐韵) луғати - "Танг сулоласи даврида тузилган оҳанги ва талаффузи берилган луғат" деган маънони англатади Ушбу луғатнинг муаллифи ўз даврининг фонология соҳасидаги йирик олими Сун Мян 孙免 бўлган. Олимлар хулосасига кўра, бу луғат "Чиэ юн" луғати асосида тузилган бўлиб, уларнинг тузилиш структураси бир хилдир. "Танг юн" луғатининг асл ва кейинчалик чоп этилган тўлиқ нусхалари бизгача етиб келмаган.

"Гуанг юн"(广韵) луғати

Ушбу луғат Сунг империяси ҳукуматининг махсус қарорига биноан 1008 йили ёзилган ва чоп этилган бўлиб, унинг тўлиқ, номи "Дасунг чунг сию гуанг юн" (大宋重修广韵) бўлиб, "Буюк Сунг империясининг қайтадан таҳрир қилинган оҳанг ва талаффузи берилган луғат" деганидир. Бу луғатнинг "қайта таҳрир қилинган" жумласи шуни англатадики, "Гуанг юн" луғати "Танг юн" луғати негизида яратилган, яъни "Танг юн" луғатини қайта кўриб, хатоларини тузатиб, уни янги сўзлар билан тўлдиришган. "Гуанг юн" луғати беш бобдан иборат бўлиб, бу луғатда 26194та иероглифларнинг изоҳи, оҳанги ва транскрипцияси аниқ кўрсатиб берилган. Бу луғат шу давргача ёзилган "иероглиф луғатлари" орасида энг кўп белгиларни ўз ичига олгандир. Шунинг учун бу луғатни ҳозирги олимларимиз нафақат хитой фонологиясидаги, ҳаттоки иероглифшуносликда ҳам энг катта ютуқ деб ҳисоблашади. Бу китобнинг асл нусхаси бизгача етиб келган.

Машҳур хитой тилшунос олими Ванг Ли (王力) "Хитой фонологияси" (汉语音韵学) китобида, Гуанг юн луғатида Фанчиэ усули буйича иероглифларга таллаффуз беришнинг иккита қоидаси кўрсатилганлигини айтиб ўтади, улар қуйидагилар:

1. Кесилаётган биринчи иероглиф билан талаффузи ҳосил қилинаётган иероглиф шэнмуси бир хил бўлиши лозим, ҳаттоки шовқин ва овознинг иштирокига, жарангли ва жарангсизлигига кўра ҳам бир хил бўлиши шарт. Масалан, 东 (дўнг - dong) иероглифининг транскрипциясини 德 (дэ-de) ва 红 (хўнг-hong) иероглифларини кесиб, шэнму ва юнмуларини бириктириш орқали ҳосил қилар эканмиз, ҳосил қилинаётган 东 -дўнг иероглифи билан кесилаётган биринчи иероглиф 德 -дэ нинг шэнмулари d ҳисобланади.东 (dong) ва

德 (de) лар шэнмуларининг талаффуз ҳолатлари бир хил бўлиб, жарангсиз товушлардир. Бу эса ушбу қоидамизга тўлиқ мос тушади. Кесилаётган иккинчи иероглиф билан ҳосил қилинаётган иероглиф юнмуси ўхшаш бўлиши керак, ҳаттоки юнмуларнинг талаффуз қилиш ҳолатлари ҳам мутаносиб бўлиши лозим. Масалан, 知 (zhi) иероглифининг транскрипцияси, 陟 (zhi) ва 离 (li) иероглифларини кесиб бириктириш орқали ҳосил қилинади. 离 (li) ва 知 (zhi) иероглифларининг юнмуси 'i' очик юнму ҳисобланади.

"Жиюн"(集韵) луғати

"Жиюн"(集韵) луғати ҳам Сун империяси ҳукуматининг махсус қарорига биноан яратилган. Луғат 1037-39 йилгача ёзиб битирилган ва чоп этилган. Луғатни тузиш гуруҳига Динг Ду(丁度) ва Ли Жао (李赵) лар раҳбарлик қилишган. "Жиюн" луғати "Гуанг юн" луғати асосида тузилган бўлиб, унда 53500 тадан кўпроқ иероглиф жамланган. Бу луғатда иероглифлар сони кўпайишининг сабаби, "Гуанг юн" луғатига киритилмаган қадимий иероглифлар ҳам "Жиюн" луғатига жамланган. Шунинг учун ҳам бу луғатга "Жиюн" яъни "иероглифларнинг оҳанг ва талаффузи тўплами" деб номлашган. Бу луғат 10 бобдан ташкил топган бўлиб, хитой тилшуносларининг фонология ва иероглифшуносликда қўлга киритган улкан ютуқларидир.

“Жунгюан инюнь”(中原音韵) луғати

"Жунгюан инюнь (中原音韵) луғатини ўз даврининг таниқли драматурги Жоу Дэчиинг 周德清 тузган. Бу луғат драматургияда қуйиладиган пьесалар ҳамда кўшиқларни тўғри талаффуз қилиш мақсадида тузилган. Ушбу луғат икки қисмга бўлинган: биринчи қисмда одатда кўп ишлатиладиган 5866 та иероглифнинг талаффузи берилган. Иккинчи қисм назарий бўлиб, бу қисмда иероглиф талаффузларининг ҳар хил муаммоларига тўхталинган. Бу луғат нафақат драматургияда ишлатиладиган сўзларнинг тўғри талаффузига мўлжалланган, балки иероглифларнинг оҳанг ва талаффузи шимолий шевага асосланганлиги учун ҳам у бебаҳо луғатдир. Бу луғатнинг таржимаси "шимолий хитой тилининг оҳанг ва товушлари" деганидир. Бу китоб 1324-йили нашрдан чиққан.

Юқорида изоҳлаб ўтилган луғат ва китобларни иероглифларга товуш бериш, яъни транскрипция берган адабиётлар деб аташди. Бу адабиётлар шу даврда шеър ва дostonларни ўқишда ҳамда уларнинг талаффуз меъерини белгилашда кенг қўлланилган.

Ўрта асрларда яратилган бу китоб ва луғатлар нафақат хитой фонологиясида, балки умуман хитой тилшунослигида ҳам бебаҳодир. Бу луғат ва китоблар ўрта асрларда хитой тилшунослигининг нечоғлик ривожланганлигини ва тараққий этганлигини исботлаб беради. Фонология, умуман тилшунослик шаклланиши ва ривожланиши билан иероглифлар ёзилиши ва талаффузида ҳам маълум бир ўзгаришлар содир бўлган. Биз ана шу ўзгаришларни фақатгина ўрта асрлар манбаларига мурожаат қилибгина билишимиз мумкин.

4 мавзу. Фанчиэ усулининг ижобий ва салбий томонлари

Фанчиэ усулида баъзи бир камчиликлар бўлсада, лекин талаффуз бериш бўйича аниқ эканлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаган. Аммо, Фанчиэ усули маълум бир давр тилшунослиги учун мўлжалланган бўлиб, тилшуносликда ўзгаришлар ва ривожланишлар бўлиши натижасида, фанчиэ усулининг камчиликлари яққол сезила бошлади. Фанчиэ усулида қандай камчиликлар бор эди ва бу усулдан нима сабабдан бугўнги кунимизгача фойдаланилмади, деган савол пайдо бўлиши аниқ.

Маълумки, хитой тилида ҳар бир иероглиф шэнму ва юнмулардан ташкил топгандир, яъни бир хил талаффуз қилиниб, ҳар хил ёзилиб, ҳар хил маъно англатадиган иероглифлар сон - саноксиздир. Фанчиэ усулида бу иероглифлардан ҳоҳлаганини танлаб фойдаланиш мумкин эди. Минг йиллардан бери бизгача етиб келган барча китоб ва луғатларга фанчиэ усулидан фойдаланган ҳолда талаффуз берилган. Лекин Фанчиэ усулида ишлатилган иероглифларнинг миқдори белгиланмаган эди, шунинг учун ҳар бир киши ўзининг талаффуз қилиш қобилиятига қараб иероглиф танлаб талаффуз қилар эди. Бир стандарт талаффуз қилиш қоидаси, меъёри йўқ эди. Қуйидаги мисоллардан Фанчиэ усулида қандай фонетик камчиликлар бўлганини кўришимиз мумкин: А. Кесилаётган иероглиф ҳамда ҳосил бўлган иероглифларнинг талаффуз қилинишидаги, яъни юнмуларни талаффуз кўглишдаги фарқлар. Масалан, "郎"(lang) иероглифи 魯(lu) ҳамда 当(dang) иероглифларини кесиб, юнму ва шэнмуларини бириктириш натижасида ҳосил бўлади.

Бу ерда "ang" очик юнму, "u" эса ёпиқ юнму. Ушбу мисолимизда кесилаётган иероглиф билан ҳосил бўлаётган иероглиф юнмуларининг талаффуз қилиниш ҳолати бир-биридан фарқланади. Фанчиэ усули бўйича биринчи иероглиф, ҳосил қилинаётган иерог-

лиф талаффузининг шэнмусини берган, кесилаётган биринчи иероглифнинг юнмуси ҳамда оҳанги ташлаб юборилган. Биринчи иероглифнинг юнмуси билан ҳосил бўлган иероглиф юнмуси ўхшаш бўлмаслиги мумкиндир, лекин бу албатта фонетик талаффузга ўз таъсирини кўрсатади. 魯-(lu) иероглифининг юнмуси "u" ёпиқ юнмудир, 当 (dang) иероглифининг юнмуси " ang" эса очик юнму. Бу икки товушни талаффуз қилишда нутқ аъзоларимиз турли ҳолатда бўлади ва "lu" товушидан "ang" товушини талаффуз қилишга ўтиш қийиндир. Шунинг учун бу товушларни қўшиб ўқиётганимизда ўқиш тезлигини бир неча маротаба ошириш керак бўлади. Бунинг натижасида "lu" товуши "le" га айланади ва очик юнму ҳосил бўлади. Шундагина "le" товуши "ang" билан ҳеч бир тўсиқсиз бирлашади. Агар кесилаётган иероглиф ҳамда ҳосил бўлган иероглиф юнмуларининг талаффуз қилиниш ҳолати ўхшаш бўлса, у ҳолда биз талаффуз қилишда ҳеч қандай муаммога дуч келмаган бўлар эдик. Минг ва Чинг сулолари даври тилшунослари Фанчиэ усулидаги ушбу муаммоларга ўз эътиборларини қаратишган ва Чинг сулоласи даврида яшаб ижод этган фонолог олим Ли Гуангди (李光地) фонетикага оид бир китоб яратди. Унинг бу китоби "yin yun chan wei" " 音韵阐微 " (фонетикадаги нозик масалаларга изоҳлар) деб номланиб, ушбу китобида у биринчи кесилаётган иероглиф ҳамда ҳосил бўлган иероглифларнинг юнмулари талаффуз қилиниш ҳолатига кўра фарқланадиган иероглифларни, талаффуз қилиниш ҳолати бир хил бўлган иероглифлар билан алмаштириб чиқди. Ва бу билан Фанчиэ усулида яна ҳам қулай ва аниқроқ талаффуз қилиш имкониятини яратиб берди. Масалан,

"郎" (lang) иероглифини "勒(le) ҳамда 昂 (ang) иероглифларини кесиб бириктириш натижасида ҳосил қилган. Бу ерда гап очик юнму, e ҳам очик юнму ва бу товушларни талаффуз қилганимизда нутқ аъзоларимиз бир хил ҳолатда бўлади. Шунинг учун "le" товуши билан "ang" товушини қўшиб ўқиганимизда ҳеч бир муаммога дуч келмаймиз. Бу кесилаётган биринчи иероглифнинг ундош ҳарфли юнмуси борлиги муаммоси. Масалан,“ 沸“(fei)味(wei) иероглифининг талаффузини ҳосил қилиш учун биз "方" (fang) ва "ang" иероглифларидан фойдаланамиз. Мисолимиздан кўриниб турибдики, биринчи иероглифимизнинг юнму охири "ng" ундош товушидан ташкил топган. Ушбу "ng" товуши биринчи иероглиф шэнмуси билан иккинчи иероглиф юнмуси бирлашишига ўз таъсирини кўрсатади. Агар биринчи иероглиф юнмуси "n" ва "ng" товушлари билан туга-

маган бўлса, у ҳолда ҳеч қандай муаммо келиб чиқмайди. С. иккинчи иероглифнинг шэнмуси натижасида келиб чиққан муаммо. Масалан, "嫂"(sao) иероглифи "苏"(su) ва 老(1 а о) иероглифларини кесиб бириктириш натижасида ҳосил бўлади. Мисолимиздан кўриниб турибдики, кесилаётган иккинчи иероглифнинг шэнмуси "1" дир. Фанчиэ усулига биноан эса, иккинчи иероглифдан фақат юнму олинади. Бу ҳолда иккинчи иероглифнинг шэнмуси ўртада жойлашганлиги сабабли, бу албатта биринчи иероглифнинг шэнмуси билан иккинчи иероглифнинг юнмуси бирлашишига таъсир кўрсатади. Бу икки иероглифни талаффуз қилганимизда иккинчи иероглифнинг шэнмуси кучсиз талаффуз қилинади ва биринчи иероглифнинг шэнмуси иккинчи иероглифнинг шэнмуси ўрнига ўтади, яъни "1" товуши редукцияланиб "s" га мойиллашади. Агар иккинчи иероглифнинг шэнмуси "нол" бўлса, у ҳолда юқоридаги муаммолар келиб чиқмайди ҳамда талаффуз қилиш осонлашади.

Тилшунос олим Чэн Ли(陈澧) ўзининг 切韵考(Чиэ юнни ўрганиш) китобининг 6 - жилдида икки иероглифни бирлаштириб бир товуш ҳосил қилиш ғоясини илгари суради. Бу шундан иборатки, биринчи иероглифда ундош ҳарфли юнму бўлмайди, иккинчи иероглифда эса албатта шэнмуси "нол" бўлган иероглиф қўлланилади. Мисол қилиб қуйидаги иероглифларни келтиришимиз мумкин:

Ундош ҳарфли юнмуси бўлмаган иероглифлар: 基(ji), 鱼(yu), 歌(ge), 麻(ma) ва ҳ.к. Шэнмуси "нол" бўлган иероглифлар: 昂(ang), 恩(en), 按(an), 爱(ai). Шундагина икки иероглифни ҳеч бир муаммосиз бирлаштириб ўқиш мумкин бўлади. Аммо, хитой тилида ундош ҳарфли юнмуси бўлмаган ҳамда шэнмуси "нол" бўлган иероглифлар сони кўп эмасдир. Чэн Лининг қарашларига асосланиб Гуанг юн луғатида шэнмуларни ифодалаган иероглифлар 40 та (баъзи олимлар 41та ёки 47 та, яна, шунингдек, 51 та деб ҳам кўрсатади), юнмулар сифатида фойдаланилган иероглифлар эса 206 та бўлганлигини таъкидлайди. "Гуанг юн" луғатида Фанчиэ усули буйича биринчи иероглиф сифатида қўлланадиган иероглифлар сони 452 та, иккинчи иероглиф сифатида қўлланадиган иероглифлар сони эса 1139 та деб белгиланган. Ҳаммаси бўлиб, Фанчиэда қўлланадиган иероглифлар миқдори 1500 та экани кўрсатилган. Ҳар бир бошқа иероглифлар талаффузи берилган луғатларда Фанчиэда қўлланадиган иероглифлар миқдори бир-биридан кўп бўлган. Асосий сабаби эса, иероглифлар бир система бўйича эмас, балки тарқоқ ҳолда ишлатилган. Масалан, “枞”(zong)

иероглифи “汉书” (hanshu -Ханнома) китобида қуйидаги 5 усулдан фойдаланган ҳолда ҳосил бўлган:

1. “千“ (qian) ва “松” (song) иероглифларини кесиш орқали “гоп§” товушини ҳосил қилишмоқчи бўлишган, афсуски “zong” товуши ўрнига цоп§ товуши ҳосил бўлмоқда.

2 “千“ (qian) ва “庸”(yong) иероглифларини кесиб, шэнму ва юнмуларни бириктириш ёрдамида гоп£ товушини ҳосил қилишмоқчи бўлишган, лекин zong товуши ўрнига яоп§ товуши ҳосил бўлмоқда.

2. “千“ (qian) ва “容”(rong) иероглифларини кесиш орқали zong товушини ҳосил қилишмоқчи бўлишган, аммо zong товуши ўрнига яong товуши ҳосил бўлмоқда.

4. “七”(qi) ва “容“ (rong) иероглифларини кесиб, шэнму ва юнмуларни бириктириш ёрдамида гong товушини ҳосил қилишмоқчи бўлишган, бироқ гоп § товуши ўрнига цоп^ товуши ҳосил бўлмоқда.

5. “七”(qi) ва “庸”(yong) иероглифларини кесиб, шэнму ва юнмуларни бириктириш ёрдамида 2 ong товушини ҳосил қилишмоқчи бўлишган, афсуски гong товуши ўрнига яong товуши ҳосил бўлмоқда. Мисоллардан Фанчиэ усулининг ҳам баъзи бир камчиликлари мавжуд бўлган деган хулосага келинади. Фанчиэ усулида иероглифларни қўллашнинг баъзи қоидалари мавжуд бўлиб, ана шу барча қонун-қоидаларини мукаммал ўзлаштириб олиб ва уларга амал қилибгина, иероглифларни талаффузини ҳеч бир қийинчиликсиз аниқ ва тўғри ҳосил қилиш мумкин.

5 мавзу. Фанчиэнинг бугунги ўқилишидаги муаммолар

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Фанчиэ усулида баъзи бир камчиликлар бўлса ҳам, лекин талаффуз бериш аниқлигида ҳеч қандай шубҳа бўлмаган. Аммо, Фанчиэ усули, таъкидланганидек, маълум бир давр тилшунослиги учун мўлжалланган эди, тилшуносликда ўзгаришлар ва ривожланишлар бўлиши билан бирга, Фанчиэ усулининг камчиликлари сезила бошланди. Масалан, “Чиэ юн” лугати яратилишидан олдин лаб-лаб(б, п, м) ва лаб-тиш(ф) товушлари фарқланмас эди, шунинг учун, “Чиэ юн” лугатида 俾 (bi) иероглифининг талаффузи 府 (fu) ва 移 (yi) иероглифларини кесиб бириктириш орқали ясалган. Чунки шу даврда 府 (fu) иероглифининг шэнмуси “f” - “b” деб талаффуз қилинган. Аслида эса, у “ f ” деб ўқилиши керак. Сунг сулоласи даврига келибгина, “b” ва ‘f’ ҳарфларининг талаффузлари фарқлана бошлади, яъни лаб-лаб ва лаб-тиш товушлари фарқланди.

Шунинг учун 俾.(bi) ва 府 (fu) иероглифларининг талаффуз ҳолатларида фарқлар сезила борди ва 俾 (bi) иероглифининг талаффузи 府 (fu) ва 移 (yí) иероглифларини кесиб, шэнму ва юнмуларини бириктириш орқали ҳосил қилинмайдиган бўлди. Сунг сулоласи даврида яшаган олимлар фонетикадаги бундай ўзгаришларни тушунмас эди, шунинг учун бу ҳолатни улар 类隔(Лэйгэ-leige) деб аташди. Лэй гэ бу Фанчиэ усули буйича иероглифларга транскрипция беришнинг қоришма шакли(кўриниши)дир, яъни қадимда талаффуз жиҳатидан шэнмулар жарангли ва жарангсиз, сирғалувчи ва портловчига бўлинишини фарқлашмаганлиги сабабли, баъзи шэнмуларни бошқа шэнмулар билан алмаштириб қўллашган. Масалан, шэнмуси жарангли бўлган иероглифга шэнмуси жарангсиз бўлган иероглифдан фойдаланган ҳолда транскрипция беришган. Натижада эса иероглифлар талаффузида хатоликлар келиб чикдан. Бунга юқоридаги мисоллар далил бўла олади.

Фанчиэ луғати яратилгандан то бугунги кунга қадар хитой тили фонетикасида улкан ўзгаришлар содир бўлган. Лекин Фанчиэ усулида қўлланган иероглифларнинг талаффузи лугатларда 1500 йилдан бери ўзгармасдан келган. Шунинг учун замонавий Пекин шеvasи асосида уларнинг талаффузини тиклаш қийин ишдир. Айрим иероглифларни замонавий Пекин шеvasига ўгириш мумкин. Масалан:

1. 忙 иероглифининг талаффузи 莫(o) ва 郎 (1) ang иероглифларини кесиб, уларнинг шэнму ва юнмуларини кесиб бириктириш орқали ҳосил қилинган, яъни манг(mang) ҳосил бўлмокда. Бу ҳозирги Пекин шеvasи талаффуз меъёрига бутунлай тўғри келади.

2. 桨 иероглифининг талаффузи ир (1) ва М (1) lang иероглифларини кесиб, уларнинг шэнму ва юнмуларини кесиб бириктириш орқали ҳосил қилинган, яъни жианг (jiang) товуши ҳосил қилинган. Бу иероглиф талаффузи ҳам худди юқоридаги иероглиф талаффузи каби ҳозирги Пекин шеvasи талаффуз меъёрига бутунлай мос келади. Лекин, Фанчиэ усули буйича транскрипция берилган кам микдордаги иероглифларнинггина талаффузи ҳозирги Пекин шеvasи талаффуз меъёрлари билан мос тушади. Кўп ҳолларда жуда кўп иероглифларнинг талаффузини аниқ ва тўғри чиқариш қийин. Аксар ҳолларда эса уларнинг талаффузи ҳозирги замонавий талаффуз билан умуман тўғри келмайди.

Қуйида шундай иероглифларга бир қанча мисоллар келтирамыз:

А. кесиб бириктириш натижасида ҳосил бўлган иероглиф талаффузи системаси, пекин шевасида мавжуд бўлган фонетик система билан мос келмайди. Масалан:

1) 鸡 иероглифининг талаффузи 古 g(u) ва 奚(x) i иероглифларини кесиб бириктириш натижасида ҳосил қилинган, аммо "ji" товуши ўрнига "gi" товуши ҳосил бўлмоқда.

2) 闯 спиап иероглифининг талаффузи 初(ch)u ва 两(l)iang иероглифларини кесиб шэнму ва юнмуларини бириктириш натижасида ҳосил қилинган, аммо "chuang" товуши ўрнига chang товуши ҳосил бўлмоқда. Бу эса хато талаффуздир.

Б. Фанчиэ усули бўйича кесиб ҳосил қилинган товуш билан кесилаётган иероглиф шэнмуси, юнмуси ва оҳанги Пекин шеваси фонетик системасига мос келмайди. Масалан, 1) 宝-(bao) иероглифи Пекин шевасида "bao" деб учинчи оҳангда ўқилади. Лекин Фанчиэ усули бўйича ушбу иероглиф транскрипциясини 博 b(o) ва 抱(b)ao иероглифларини кесиб бириктириш орқали ҳосил қилишган, натижада учинчи оҳангдаги "b a o" товуши ўрнига тўртинчи оҳангдаги "bao" ҳосил бўлмоқда.

Ушбу мисолга изоҳ бериб ўтилса, 宝(bao) иероглифининг талаффузи 博(bo) ва 抱(bao) иероглифларини кесиб бириктириш орқали ҳосил қилинган. Лекин, 抱(bao)нинг шэнмуси "b" жарангли товуш бўлгани учун унинг оҳанги учинчи оҳангдан тўртинчи оҳангга айланади. Пекин шевасида эса 宝 (bao)нинг оҳанги ўзгармайди. Бу эса оҳанги ўзгарган иероглиф билан оҳанги ўзгармаган иероглиф талаффузини бериш мумкин эмаслигини ва нотўғри эканлигини англатади.

В. Ҳосил бўлган иероглифнинг икки ёки ундан ортиқ ўқилиши мавжудлиги сабабли ҳам баъзи муаммолар келиб чиққан. Масалан, 药 钥 跃 约 иероглифлари ҳам уао, ҳам уие деб ўқилади.

Қадимда, фанчиэ усули кашф қилинган илк даврларда, кесилаётган биринчи иероглиф билан ҳосил бўлган иероглиф шэнмуси ҳам, кесилаётган иккинчи иероглиф билан ҳосил бўлган иероглиф юнмуси ҳам ўхшаш бўлган. Аммо кейинчалик кесилаётган биринчи ва иккинчи иероглифлар билан ҳосил бўлган иероглифлар фонетика ривожланиши билан ўзгаришга учраган. Агар бу уч иероглифларнинг ўзгариши бир вақтда ва бир-бирига ўзаро мос равишда содир бўлган бўлса, у ҳолда у иероглифларни кесиб, шэнму ва юнмуларини бириктириб, иероглиф транскрипциясини ҳосил қилиш мумкин бўлган. Агар бу уч иероглифдан бирининг ўзгариши бошқалари билан

бир вақтда ва ўзаро мос равишда содир бўлмаган бўлса, у ҳолда талаффузда ноаниқликлар келиб чиққан. Масалан, юқорида мисол қилиб келтирилган “鷄 jī” иероглифининг талаффузи “古” g(u) ва 奚 (x)і иероглифларини кесиб бириктириш натижасида ҳосил бўлиши керак. Аммо “jī” товуши ўрнига “gī” товуши ҳосил бўлган.

Чунки, қадимда “鷄” иероглифининг шэнмуси нафассиз тил орқа портловчи g(k)товуши бўлган. Қадимги даврдаги тил орқа товуши эволюция (ўзгариш, ривожланиш) натижасида ҳозирги Пекин шевасида “i” ва “u” юнмулари билан бирлашиши натижасида юмшайди ва “g” товуши “j” га айланади. “鷄” иероглифининг талаффузини шу қоида асосида чиқарадиган бўлсак, у ҳолда унинг талаффузи ҳозирги Пекин шеваси билан бутунлай мос тушади. Яъни “鷄” иероглифининг талаффузи “古” g(u) ва 奚(x)і иероглифларини кесиб бириктириш орқали ҳосил қилинган ва бунда “§1” товуши ҳосил бўлмоқда. Бу эса ҳозирги Пекин шеваси талаффузи меъёрлари билан умуман тўғри келмайди. Агар “鷄 jī” иероглифининг талаффузини юқоридаги қоида асосида амалга оширадиган бўлсак, унда “gī” товуши “jī” товушига айланади. Бу дегани “g” шэнмуси “i” юнмуси билан бирлашиши натижасида “jī” товуши ҳосил бўлади.

Бу фонологиядаги бир қоида эди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўзгариш содир бўлмаган биринчи иероглиф шэнмуси билан ўзгаришга учраган ҳосил қилинаётган иероглиф талаффузи берилмайди.

Яна бир мисол, 包 (bao) иероглифининг транскрипциясини бериш учун 布 (bu) ва 交(jiao) иероглифларини кесиб, шэнму ва юнмулари бирлаштирилган. Қадимда 包(bao) ва 交(jiao) иероглифларининг юнмулари бир хил, яъни “ao” юнмуси бўлган. “j” шэнмусидан сўнг “i” юнмуси бўлмаган. 交 (jiao) иероглифининг шэнмуси “j” тил орқа товушидир, ривожланиш натижасида “j” шэнмуси ва “ao” юнмуси орасида “i” товуши пайдо бўлган, натижада эса “ao” очиқ юнмуси “iao” чўзиқ юнмуга айланган. Шунинг учун 包 ва 交 иероглифларининг юнмулари фарқланди ва 包 (bao) иероглифининг талаффузини бериш учун 交 (jiao) иероглифининг юнмусидан фойдаланиш хато бўлди.

Қадимги иероглифларнинг бугунги кун ўқилишидаги ўзгаришлари, юқоридаги мисоллар билан чегараланиб қолмайди, бундай мисоллар жуда кўп. Юқоридаги мисоллардан қуйдагича хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, фонологиядаги ривожланишлар натижасида, талаффузи ҳосил қилинган иероглиф, шэнму ва юнмулари олинган биринчи ва иккинчи иероглифлар талаффузида ўзгаришлар пайдо бўлган, аммо бундай ўзгаришлар бир вақтда ва бир-бирига мос равишда содир бўлмаган. Масалан, юнмуси олинаётган иккинчи иероглифда ўзгариш содир бўлганда, транскрипцияси ҳосил қилинаётган иероглиф ҳеч қандай ўзгаришга учрамаган, ёки иккисида ҳам ўзгариш содир бўлган-у, лекин бир вақтда ва ўзаро мос равишда эмас.

Бундай ўзгаришлар кўпинча иероглифларни тўғри кесиб, шэнму ва юнмуларини тўғри бириктиришга тўсқинлик қилган ва баъзи ноаникликлар келиб чиққан. Шунинг учун вақт ўтиши билан фанчиэ усули асосида иероглифларга талаффуз бериш қийинлашиб борган.

Иккинчидан, фонетикадаги ўзгаришлар натижасида шэнму, юнму ва оҳанг бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатган.

Учинчидан, фонетикада ўзгаришлар системавий (тартибли) ва маълум қоидалар асосида юзага келган. Лекин фонетикадаги қоидаларга бўйсунмайдиган кам миқдордаги иероглифлар ҳам бор. Масалан, 盟 (meng) иероглифининг талаффузи 莫 m(o) ва 兵 (b)ing иероглифларини кесиб, шэнму ва юнмуларини бириктириш орқали ясалган. Аслида бу иероглиф фанчиэ усулига биноан т 1 п§ деб ўқилиши керак. Лекин Пекин шеvasида т eng деб ўқилади. Бу мисолдаги иероглиф талаффузининг ўзгариш усули ўхшаш, лекин ўқилиши ҳар хил. Бу каби мустасноликларни изоҳлаш жуда қийиндир.

Фанчиэнинг бугунги ўқилишида пайдо бўлган муаммолар фонетикадаги ўзгаришлар туфайли келиб чиққан. Биз фақатгина қадимги даврдан то бугунги кунгача фонетикада пайдо бўлган қоидаларни ва содир бўлган ўзгаришларни ўрганибгина фанчиэнинг замонавий ўқилишидаги муаммоларни бартараф этишимиз мумкин. Қуйида биз, фонетикадаги ўзгаришлар қай тарзда фанчиэнинг бугунги кун ўқилишига таъсир кўрсатганлигини мисоллар орқали таҳлил қиламиз:

1) Жарангли товушлар жарангсизлашади. Замонавий Пекин шеvasида фақатгина 4 та жарангли товуш бордир, булар m, n, l, ва r дир. Қадимги хитой тилидаги барча жарангли товушлар фонетикадаги ривожланишлар ва ўзгаришлар натижасида жарангсиз товушга айланган. Бу ўзгаришлар қуйидаги қоида асосида амалга ошган: барча жарангли товушлар портловчи ва портловчи-сиргалувчи товушлардир. Биринчидан, шэнмуси жарангли бўлган иероглиф билан биринчи оҳангли юнму бирлашганда ҳосил бўлган иероглиф шэнмуси нафасли

жарангсиз товушга айланади. Бундан ташқари яна шэнму си жарангли бўлган иероглиф билан иккинчи, учинчи ва тўртинчи оҳангли юнму бирлашганда ҳосил бўлган иероглиф шэнму си нафассиз жарангсиз товушга айланади. Агар барча жарангли товушлар сиргалувчи бўлса, у ҳолда мос равишда жарангсиз товушга айланади.

Бу қоида қуйидаги мисолларда акс эттирилган:

А) 博 (bo) ва 胡 (hu) иероглифларини кесиб, шэнму ва юнмуларини бирлаштирсак, "Ш" иероглифининг талаффузи "бу-ри" ҳосил бўлиши керак. Лекин юқоридаги қоидага асосан "пу-ри" ҳосил бўлади, яъни жарангли "б" шэнму си, иккинчи оҳангдаги юнму билан бирлашганлиги туфайли, у нафассиз жарангсиз шэнму "п" га айланади ва "пу" деб ўқилади.

Ш (bo) иероглифининг шэнму си лаб-лаб портловчи жарангсиз (б) товушидир. Пекин шевасида биринчи оҳангдаги 1g нинг шэнму си нафасли жарангсиз товуш p (p')га айланади, иккинчи оҳангдаги 1g эса нафассиз жарангсиз товуш b (p)га ўзгаради.

2) тил орқа s шэнму си 1 ва и жиемуларидан олдин юмшайди ва замонавий Пекин шевасида) [l]га ўзгаради. Бу қоида фанчиэ усулининг бугунги кун ўқилишида акс эттирилган. Масалан, 1 иероглифининг шэнму си нафассиз тил орқа портловчи жарангсиз s [k] товушидир. "Й" иероглифининг шэнму си очиқ ва ёпиқ юнмулардан олдин Пекин шевасида "s" деб ўқилади. Масалан,

Юқоридаги мисоллардан шундай хулоса келиб чиқадики, фанчиэ усулида фойдаланган шэнму ни ифодалаган иероглифлардан баъзиларининг ўқилиши (талаффузи) юнму ни ифодалаган иероглифлар юнму сининг медиали билан бевосита боглиқ бўлган, яъни биринчи иероглиф жарангли товушининг жарангсизланиши медиал ҳамда оҳанг билан бевосита боғлангандир. Шунинг учун ҳам бир иероглифнинг шэнму си тўрт хил талаффузга эга бўлади. Лекин товуш ўзгариш қоидаларини мукамал эгаллаб олганда, бу ҳеч қандай қийинчилик келтириб чиқармайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фанчиэ усули II-У асрларданок иероглифлар талаффузини ифодалайдиган усул бўлган ва деярли ўн етти аср давомида ягона, энг қулай ва аниқ фонетик транскрипция ҳисобланган. XIX асрдан бошлаб эса, у ўз ўрнини бошқа бир транскрипцион усулга бўшатиб беради. Бу усулдан фойдаланишнинг ўзига хос қонун-қоидалари бўлиб, Фанчиэ усулини қўллаётганимизда ушбу

қоидаларга риоя қилгандагина иероглифнинг талаффузини аниқ ва тўғри чиқариш мумкин.

Фанчиэ усули қўлланилишдан умуман чиқиб қолди деб айтолмаймиз, чунки бу усулдан жуда кам ҳолларда бўлсада, ҳозирги кунга қадар ҳам фойдаланилади.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Хитой тилида транскрипция маъноси қандай изоҳланади?
2. Хитой тилида транскрипция бериш усули қачондан пайдо бўла бошлади?
3. Қадимги хитой тилида транскрипция беришнинг қанақа усуллари биласиз?
4. Транскрипция беришнинг жи ин усули қачон пайдо бўлган?
5. Жи ин усулида ижод қилиш сақланиб қолинганми йўқми асослаб беринг?
6. Жи ин усулининг қўлланилишида қандай камчиликлар бор?
7. Қайси луғатлар жи ин усулида яратилган?
8. Жи ин системасида ижод қилиш усули қанча тарихга эга ?
9. 警况 (pikuang) қандай усул, асосланг?.
10. 注音字母 қандай усул, асосланг?

Амалий машғулот учун саволлар:

1. Транскрипцияга таъриф беринг?
2. Транскрипция илмий тушунчаларми?
3. Хитой тилида транскрипция бериш усуллари аҳамиятини очиб беринг?
4. Бир хил ёзилиб ҳар талаффуз қилинадиган иероглифларни мисоллар билан асослаб беринг?
5. Сихай сўзининг маъноси нима?
6. 史注篇 нинг маъноси нима, бу асар қачан яратилган?
7. Эр я ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.
8. Ханнома қандай асар?
9. Шенму ва юнму деганда нималарни тушунасиз, уларнинг фарқли жиҳатларини асосланг?

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар:

1. Услуб ва усул деганда нималар тушинилади?
2. Метод ва методологияни фарқлаб беринг?

3. Қадимда иероглифлар қандай усуллар орқали ижод қилинган?
4. Бир хил ёзилиб ҳар маъно ифода этувчи иероглифларнинг сонини аниқланг?
5. Пинин зиму (拼音) қандай усул, амалиётга қачондан бошлаб кириб келди?
6. Пин ин зимунинг маъноси нима?
7. Пин ин зиму билан жу ин зиму нинг фарқли томонлари нималарда кузатилади?
8. Матнда қайд этилган тўрт усулдан қайси бири мукаммаллашган усул?
9. Жи ин зумунинг маъноси нима?

Хулоса

Юқорида кўриб чиқилган манбалардан қуйдагича хулосага келиш мумкин. Биринчидан, қадимги ва ўрта асрларда хитой иероглифларига транскрипция бериш усуллари тор доирада ўрганилган бўлсада, аммо фонетиканинг бир тармоғи сифатида ривожланиш босқичлари ва унинг таракқиёт жабҳаларида юзага келаётган муаммолар; эрамизнинг II асригача мавжуд бўлган транскрипция усуллари, унинг хусусиятларини илмий тадқиқ этишда ягона тўхтама келинмаган деган фикрга келинди. Иккинчидан, транскрипция беришнинг фанчиэ усули XVII аср давомида иероглифларга талаффуз беришнинг ягона усули ҳисобланиб, Ўрта асрларда яратилган иероглифик луғатларнинг барчасида ушбу усулдан фойдаланилган деган фикрга келинди.

Учинчидан, Фанчиэ усулини ўрганиш жараёнида Ўрта аср фонологияси билан бугунги фонологиянинг баъзи бир фарқли томонлари аниқланди. Зеро, транскрипцияга бағишланган қатор илмий тушунчалар, мазмунан бир-биридан фарқ қилувчи, моҳиятан бир-бирини тўлдирувчи турли хил илмий таърифлар мавжуд бўлсада, ҳозир ҳам транскрипциянинг замонавий кўринишини ўрганиш борасида бир қатор муаммолар мавжуд. Хитой иероглифларини ўрганишдаги транскрипциянинг илмий аҳамияти, хусусиятлари ва шунингдек, хитой тилининг шаклланиш жараёнида ўтказиб келинган фонологик ислохотлар ва улардан кўзланган мақсад ва вазифалари очиб берилди.

5 БЎЛИМ: ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТИЛИ – ВЭНЯН ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Мавзунинг мақсади: Анри Масперо, С.Е. Яхонтов ва Ванлиннинг хитой тилини даврлаштириш назариялари, қадимги хитой тили ҳақида тушунча, вэнян ва байхуа масаласи, Вэнян тилида ёзилган қомусий ёдгорликлар.

Таянч сўзлар: архаик, илк архаик, сўнгги архаик, 上古期 (shànggǔqī), 入声, 中古期 (zhōnggǔqī), 去声, 近代期 (jìndàiqī), 浊声母, 现代期 xiàndàiqī, 雅言, 文言, 白话, 文言文, 四书, 五经.

1.1. Хитой тилининг тарихий даврларга бўлиниши

Хитой тили тарихи 3000 минг йилдан кўпроқ даврни қамраб олади. Аммо Хитой тили тарихи ҳақидаги манбаларнинг камлиги ва даврлаштиришдаги қийинчиликлар сабабли ҳозирги пайтгача умум қабул қилинган хитой тили тарихини таснифи мавжуд эмас. Баъзи хитойшунос олимлар бу борада изланишлар олиб борган бўлиб, улар томонидан таклиф этилган даврлаштириш шартли бўлиб, қадимдан бизгача етиб келганлари ҳам адабий ёдгорликлар асосида амалга оширилган.

Хитойшуносликда А. Масперо таклиф этган даврларга бўлиш модели дунё хитойшунослигида яхши маълум. У хитой тили тарихини 3 катта даврга бўлган, ҳар бир даврни ўз ўрнида илк ва сўнггига бўлган. Бу даврлаштириш касрий кўринишга эга:

1) архаик (қадимги) хитой тили: а) илк архаик (Хан давригача, яъни Милоддан аввал III асргача бўлган даврни ўз ичига олади); б) сўнгги архаик (милодий III асригача);

2) ўрта хитой тили: а) илк ўрта (милодий IVдан VIII-IX асргача); б) сўнгги (XII асргача бўлган давр);

3) замонавий: а) илк замонавий (XII-XVII асрлар); б) сўнгги (XVIII-XX асрлар);

Яна бир муқобил кўринишдаги даврлаштириш Хитой тилшунос олими Ван Ли томонидан «汉语史稿» (hànyǔ shǐgǎo) китобида таклиф этилган. У хитой тили тарихини 4 даврга бўлган:

1) 上古期 (shànggǔqī) – илк ёзма манбаларда келтирилган қадимги хитой тили, III асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Асосий хусусияти: бўлишсиз ва сўроқ гапларда олмош тўлдирувчиси феълдан олдин жойлашиши; шунингдек кириш оҳангининг (入声 rùshēng)

икки тури мавжуд бўлганлиги. Милодан аввал. III ва IV асрлар ўтиш даврлари ҳисобланади;

2) 中古期 (zhōnggǔqī) – ўрта давр хитой тили, м.а. IV-милодий XII асрларни қамраб олади. Асосий хусусияти 是(shì) боғламаси; олиб чиқилган тўлдирувчи натижа конструкцияси; 儿(ér), 子(zǐ), 了(le), 着(zhe) суффикслари (қўшимчалари); ва пасаювчи оҳангнинг (去声 qùshēng) пайдо бўлиши. Ўтиш даври – XII-XIII асрлар;

3) 近代期 (jìndàiqī) – янги хитой тили, XIII-XIX асрлар (Афюн урушигача бўлган давр). Хусусияти: шимолий шевада шундай аталмиш “Хира ундошлар” (浊声母 zhuóshēngmǔ), -t билан тугайдиган қофиялар ва кириш оҳангининг йўқолиши. Ўтиш даври: 1840 йил (Афюн урушининг бошланиши)дан 1919 йил (“4 май” ҳаракати)гача бўлган давр;

4) 现代期 xiàndàiqī – замонавий хитой тили, XX аср бошидан то ҳозирги давргача бўлган жараён. Хусусияти: ғарб тиллари грамматикасининг таъсири кучайиши, ҳамда катта миқдорда кўп бўғинли сўзларнинг пайдо бўлиши.

Ван Ли фикрича, энг асосий мезон – грамматик тизимдаги ўзгариш, Масперо эса буни фонетикадаги ўзгариш деб ҳисоблайди. Шунга қарамасдан, ҳар икки олим таклиф этган даврлаштириш бири-биридан катта фарқ қилмайди.

Россиялик тилшунос олимлар эса асосан С.Е. Яхонтов таклиф этган таснифни тан олишади. Унга кўра, хитой тили тарихи қуйидагича бўлинади:

1) Мумтоз давргача бўлган жараён: Милоддан аввал. V асргача яратилган илк ёзма ёдгорликлар тили;

2) Мумтоз давр: Милоддан аввал.V-III асрлар (Чжоу сулоласи охири ва Чин сулоласи) ва қисман кейинги 4 аср (Хан сулоласи) даври, яъни милодий II асригача яратилган ёзма манбалар тили;

3) сўнгги қадимги: III-IV асрлар;

4) ўрта давр: IVдан XII-XIV асрларгача;

5) замонавий.

1.2. Қадимги хитой тили ҳақида тушунча

Қадимги хитой тили иккига бўлинади:

1) қадимги оғзаки тил – 雅言 (yǎyán)

2) қадимги ёзма тил - 文言 (wényán), 白话 (báihuà)

Яян – қадимги даврларда шундай аталган қонун ва меъёрларга солинган оғзаки тил ҳисобланади. Яян Милоддан аввал. VII-VI асрдан то милодий III асригача (ҳаммаси бўлиб 10 аср атрофида) муомалада бўлган. Конг Ингда (孔颖达)нинг «Чженгвен» китобида қуйидагича ёзилади:

“雅言，正言也。” (Yǎyán, zhèng yán yě) – Я тили Хитойда ишлатилган энг дастлабки оғзаки тил, замонавий путунхуага тўғри келади. Тарихий манбаларда ёзилишича, я тили Чжоу сулоласи даври маҳаллий диалект асосида юзага келган.

Конфуций Лу давлатида ўз мактабини очган ва илм ўргатган. Унинг 3000 нафар шогирди Хитойнинг турли томонларидан келишган эди. Дарсларни Конфуций я тилида олиб борар эди. Гапларимиз далили сифатида қуйидаги мисолни келтирамиз:

“子所雅言，《诗》、《书》、执礼，皆雅言也。” (Zǐ suǒ yǎyán, 《Shī》、《Shū》、zhílǐ, jiē yǎyán yě) – Конфуций маърузаларни я тилида ўқирди, қолганлар ҳам я тилида гапирарди; «Шижинг», «Шужинг» ҳам шу тилда ёзилган.

Қадимий хитой тили-“замонавий хитой тили”нинг ота-бобоси бўлиб, 1919 йил 4 май ҳаракатидан олдинги тарихий жараёндаги хан миллатининг умуммиллий тили ҳисобланади. Бу тил замонавий хитой тили билан умумий тил асосига эга, луғатшунослик ва грамматика тузилиши ҳам ўзаро мослашади; бироқ лексик тизим ва оғзаки тил нуқтаи назаридан замонавий хитой тилидан катта фарқ қилади. Қадимги хитой тили одатда қадимги ёзма тилни ифодалайди, “венян” ва “қадимги байхуа” ни ўз ичига олади. У аввалги даврлар тиллари хусусиятларини ўзида мужассамлаштириб, гоҳида ўта мураккаб ғоялар ёзма баённинг турли тил усулларини ишлаб чиққан.

Венян – милоддан аввал. VII-VI асрдан то 1919 йил 4 май ҳаракатигача (ҳаммаси бўлиб 27 аср атрофида) ишлатилган. Чин (эр.авв III аср), Хан (эр. авв. 206-эрамиз 220) сулолалари давригача оғзаки нутқда ишлатилган ва бу сулолалардан кейин олимлар томонидан шу тил қофиясида ёзма шаклга келтирилган тилдир. Венян Яян (雅言) асосида вужудга келган. Баҳор ва Куз (Чунчю), Жанг филувчи подшоликлар (Чжанго) даврида қоғоз ҳали кашф этилмаган, ёзув бамбук тахтачалар, ипак ва бошқа буюмларга акс этирилган. Ўша пайтларда ҳам (ҳозиргидек) ипак жуда қиммат бўлган. Бамбук тахтачаларига эса кўп иероглифларни сиғдириб бўлмасди. Шунинг учун бир ўрамга янада кўпроқ маълумотни сиғдириш учун, унчалик

муҳим бўлмаган қайдларни ўчириб ташлашга тўғри келарди. Айтиш мумкинки, веньян дунёдаги энг қадимги ихчамлаштирилган ёзув туридир. Кейинчалик “қоғоздан” кенг қўламда фойдаланиш бошлангандан сўнг, расмий хужжатларни веньянда ёзиш одатий тусга кирди, бу эса ўша давр одамларини веньяни янада яхшироқ ўрганишига туртки бўлди. Бунинг устига веньянда қўлёзмалар ёзиш анча тежамкор эди.

文言文 wényánwén сўзининг лексик-семантик таҳлили. Бу сўздаги биринчи 文 wén - “ёзма тилда ёзилган мақола” маъносини билдиради. 言 yán – ёзмоқ, акс эттирмоқ маъносини беради. Охириги 文 wén – асар, мақола каби маъноларни билдиради.

文言文 – бу ёзма тилда мақола ёзмоқ тарзида таржима қилинади. Демак, 文言文 – бу хитой ёзма адабий тили.

Веньян оғзаки тил ва ёзувнинг маданият, тарих билан боғлиқлигини ҳам ўзида акс эттиради. Тил кўпинча оғзаки мулоқот воситаси бўлгани учун, реал ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ. Тил ҳали маданият ҳолатига кирмаган экан, у ҳаёт анъаналарини давом эттириш вазифасини бажаролмайди. Веньян эса аллақачон маданиятга айланган, десак адашмаймиз.

Веньяни ўрганиш жараёнида бизда хато фикр пайдо бўлиши мумкин: қадимги одамлар сўзлашганда ҳам худди шундай, яъни веньян матнларида ёзилгандек мулоқот қилишганми?

Аслида қадимги хитойлар ўз фикрини ифода этишганда, бу фикрнинг ёзувда акс этирилган шакли ва талаффуз қилинган шакли бир-биридан катта фарқ қилган. Масалан, бирор одамдан овқат егани ҳақида сўралганда, оғзаки тилда: “吃饭了吗?” chī fàn le ma? (“Овқат едингми?”) тарзида ифодаланса, худди шу савол ёзма тилда (веньян): “饭否?” fàn fǒu? (“Овқатландингми?”) кўринишида бўлган.

Хитойда қадимда ёзилган барча асарлар ёзма тилда битилган. Шунинг учун ҳозирда қадимги хитой тили “文言文” деб аталади. Веньян хитой маданиятининг дурдонаси, ота-боболар хитой халқига қолдирган беқиёс бойликдир. Хитой таълим тизими бўйича ўқувчилар ўрта мактабдан бошлаб веньяни ўрганишади. Бу эса хитой халқининг ўз тарихи ва маданиятига бўлган катта ҳурмати ва қизиқишидан далолат беради. Веньян жуда ранг-баранг тилдир. Хитой анъанавий маданиятининг асосий қисми веньянда битилган. Бу эса 3000 йиллик тарихни ўз ичига олади.

Веняни ўрганишнинг аҳамияти. Венян аллақачон муомаладан чиққан, фақат ёзувда сақланиб қолган, холос. Аммо, венян ёзуви хали ҳам ўрганилади. Нима учун?

Сабаби эса веняни билиш орқали Хитой қадимги ва классик давр бадий ёдгорликларини ҳақиқий кўринишида мутоала қилиш ва ушбу манбаларнинг асл кадр-қимматини ҳис этиш мумкин бўлади. Венян ҳам билим ҳисобланади. Хитой тилини акс эттириш, тасвирлаш, унинг ички тузилиши, хусусиятлари веняни ўрганган инсон учун янада яққол намоён бўлади. Венянда ёзилган матнларни ўқиб мутола қилинганда хитой тилининг нафислиги, ўзига хослиги, Хитой анъналари, маданияти, тарихи ҳис қилинади. Веняни ички тузилишини ўрганиш орқали эса замонавий хитой тилини янада чуқурроқ англаш, грамматик тузилиш ва баъзи жумбоқлар ўз-ўзидан ечимини топади.

Венян хусусиятлари. Венян матнларини ўқиш жараёнида илмнинг ўзгача сеҳрини ҳис этиш мумкин. Сабаби, венянда максимал кам белгилар (иероглифлар) орқали катта қўламдаги тушунчалар акс эттирилган. Зеро кўриб чиқилганидек, у – дунёдаги энг дастлабки вужудга келган ихчамлаштирилган ёзув тури.

Венян: 不者, 若属皆且为所虏。Fǒu zhě, ruò shǔ jiē qiě wéi suǒ lǚ.

Байхуа: 不这样的话, 你们这一班人都将被他们俘虏。Bú zhèyàng de huà, nǐmen zhè yì bān rén dōu jiāng bèi tāmen fúlǚ.

Таржимаси: Агар шундай йўл тутмасангиз, барчангиз уларнинг қулига айланасиз.

Юқоридаги икки тил матнини таҳлил қуйдагича. Фикрни ёзувда акс эттириш учун венянда 9 та белги ишлатилган бўлиб, гап ихчам ва қисқалиги билан фарқ қилади. Байхуада эса анологик ғояни очиб бериш учун 18 та (икки баробар кўпроқ!) белги ишлатилган.

Зеро, тилда венян матнларини таржимаси ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун бир қатор венянда ёзилган манбаларда тарихий матнга байхуадаги шарҳ илова қилинади.

Кўйида веняни замонавий тилга таржима қилганда қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида фикр боради.

- аввал бутун матнни кўздан кечириб чиқиш;
- асосий ғояни тушуниб олиш;
- тартиб бўйича таржимани бошлаш;
- ҳар бир гапни таржима қилаётганимизда, у гапдан олдинги ва кейинги гаплар мазмунини ҳисобга олган ҳолда таржима қилиш;

- ижодий ёндашиш зарур, акс ҳолда таржима куруқ ва маъносиз чиқади;

- одам, географик номларни таржимаси.

Замонавий Хитойда қадимги хитой тили услубидаги афоризм ва шиорлар жуда оммабоп. Юқорида Жинмэн ороли қояларидан бирида (ХХР, Тайван ҳудуди) Чан Кай-ши чақириғи венянда акс эттирилган: "毋忘在莒" (Wú wàng zài Jǔ), "Ёдингиздан чиқарманг, - (биз) Жюй (шаҳри) дамиз!".

1.3. Венянда ёзилган қомусий ёдгорликлар

Классик венян даври адабий ёдгорликлари ичида конфуцийшунослар тўплами таркибига кирган китоблар алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу тўпلام 13 китобни ўз ичига олади.

Конфуцийшунос олимларнинг 2 хил тўплами мавжуд: «Тўрт муқаддас девон» (四书) ва «Беш муқаддас тўпلام» (五经).

«Тўрт девон» Конфуций таълимотини ўрганувчилар учун бирламчи ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилган. Ушбу манба мажбурий ўқув материали сифатида қабул қилиниб, илмий даража бўйича имтиҳонларда фойдаланилган. Ўша давр талабларига кўра, илмий даража номзоди қадимги файласуфлар тилида ўз фикр-ғояларини ифода этиши ҳамда «Тўрт девон»ни ёддан билиши шарт эди. «Беш муқаддас тўпلام» эса расмий ғоя ва таълим тизимининг асоси деб тан олинган.

«Сишу» (四书) қуйидаги китобларни ўз ичига олади:

1. «大学» Dàxué (Буюк таълимот)
2. «中庸» Zhōngyōng (Билим ўчоғи)
3. «论语» Lùnyǔ (Сухбат ва мулоҳазалар)
4. «孟子» Mèngzǐ (Менг-зи)

«Ужинг» (五经) қуйидаги китоблардан иборат:

- 1) «诗» Shī (Шеърлар);
- 2) «书» Shū (Тарих);
- 3) «礼» Lǐ (Маросимлар);
- 4) «易» Yì (Ўзгаришлар китоби);
- 5) «春秋» Chūnqiū (Баҳор ва Кузлар).

Булардан ташқари қуйидаги тўрт асар ҳам 13 муқаддас девон таркибига киритилган:

- 1) «左传» Zuǒzhuàn (Зо Чюминг солномаси);
- 2) «公羊传» Gōngyángzhuàn (Гонгянг солномаси);

3) «穀梁传» Gǔliángzhuàn (Гулянг солномаси);

4) «尔雅» ěryǎ («Эря» луғати).

«Дасюэ»

«Дасюэ» тўққиз муқаддас китобдан бири бўлиб, дастлаб «Ли» (礼) таркибига кирган. Тахминан Чин ва Хан сулолалари арафасида (м.авв. III-милодий III асри) конфуцийшунослар томонидан ёзилган. Манбаларга кўра, бу китобни Зенгзи ёзган. “Дасюэ” 3 та бўлимдан иборат: бир жинг (经) ва икки жуан (传). Сонг сулоласи даврида (960-1270) «Дасюэ» «Лижинг»дан ёзиб олинган. Ўша даврда «Дасюэ», «Лунюй», «Менг-зи» ҳамда «Чжунгюнг» билан бир қаторда ўқитилган. Жанубий Сонг (1127-1270) даври императори Чунси хукмронлиги даврида Чжуси «Тўрт девон девони»ни яратиб, «Дасюэ», «Чжунгюнг», «Лунюй», «Менг-зи»ни биргаликда «Сишу» (Тўрт девон) деб атаиди.

«Чжунгюнг»

9 муқаддас китобдан бири. Дастлаб «Лицзи» таркибига кирган. Анъанага кўра, Курашувчи подшоликлар даврида (М.авв. 403-221) Зиси томонидан ёзилган. Замонавий олимларнинг фикрича, “Чжунгюнг” Чин даврида (М.авв. 221-207) Менг-зи мактаби номаёндалари томонидан тузилган. “Чжунгюнг”да ўша даврдаги илм-фан тараққиётига мос ҳолда ахлоқ қоидалари ва табиат қоидалари ёритилган. Сонг сулоласи (960-1270) даврига келиб, у «Дасюэ», «Лунюй», «Менг-зи» билан биргаликда «Сишу» деб номлана бошлади.

«Лунюй»

«Лунюй» ҳам тўққиз китобдан бири бўлиб, Конфуций фикр-мулоҳазаларининг тўпламидир. 20 бўлим, 492 банддан иборат. Конфуций шогирдлари томонидан Конфуцийнинг тўғридан-тўғри нутқи ҳамда уларнинг эшитганлари асосида тартибга солиниб, ёзилган. Унда Конфуцийнинг суҳбати, шогирдларининг саволларига жавоблар ҳамда улар орасидаги баҳс-мунозаралар акс эттирилган. Бу китоб 80 йил давомида ёзилган, илк бор м.а. 4000 йилда пайдо бўлган. Жанубий Сонг сулоласи императори Чунси даврида (1174-1189) Чжуси уни «Дасюэ», «Чжунюнг» ва «Менг-зи» билан бирлаштириб, «Тўрт девон» деб номлайди.

«Менг-зи»

«Менг-зи» тўққиз китобдан бири бўлиб, Курашувчи подшоликлар (м.а. 403-221) хукмронлигининг ўрталарида Менг-зи ва унинг шогирдлари Ван Чжанг (万章), Гонг Сонгчоу (公孙丑) ва бошқалар

томонидан ёзилган. «Менг-зи»да Қадимги Хитой буюк файласуфи Менг-зининг қарашлари акс этган. «Хан китоби» нинг “Адабиёт ва санъат” бўлимида (汉书:艺文志) «Менг-зи»нинг 11 боби киритилган бўлиб, ҳозирги кунгача 4 боби сақланиб қолган. Анъанага кўра, булардан ташқари «Менг-зининг бегона китоби» номли тўрт китоби ҳам бор. Бу китоб ҳозиргача етиб келмаган.

Китобда Менг-зи ва шогирдларининг ҳаётдаги турли вазиятларда; сиёсат, таълим, фалсафа соҳаларида фикр ва мулоҳазалари берилган. Жанубий Сонг императори Чунси ҳукмронлиги (1174-1189) даврида Чжуси уни ва «Лунюй», «Дасюэ» ва «Чжунгюнг»ни бирлаштириб, «Сишу» га айлантирган.

«Шижинг»

«Шижинг» (Шеърлар девони) – тўққиз муқаддас китобдан бири. М.а. XI-VII асрларда шаклланиб, VI-V асрларда Конфуций томонидан таҳрир қилиниб, тўплам сифатида нашр этилган. 3000дан ортиқ халқ кўшиқларини ўз ичига олган. Энг дастлабки шеър ва кўшиқлар тўплами ҳисобланади. Халқ, сарой ва ибодат билан боғлиқ шеърятни ўз ичига олади. Қадимда «Ши» деб номланган, конфуцийшуносларнинг муқаддас девони сирасига киради. Ҳаммаси бўлиб 305 бўлимдан иборат. «Шижинг» қуйидаги катта уч қисмга бўлинади:

1. «Фэнг» (风 Урфлар)
2. «Я» (雅 Одалар)
3. «Сонг» (颂 Кўшиқлар)

«Фэнг» таркибига 15 та Гофэнг (国风 Давлат урфлари); «Я» таркибига «Дая» (大雅 Катта Я) ва «Сяоя» (小雅 Кичик Я); «Сонг» таркибига «ЧжоуСонг» (周颂), «ЛуСонг» (鲁颂) ва «ШангСонг» (商颂) киради.

Шэнси, Шанси, Хэнан, Шандонг ва Хубей провинциялари ҳудудларида яратилган, деб тахмин қилинади.

«Шужинг»

«Шужинг» («Нақллар девони» ёки «Тарих девони»). Бошқача номланиши – “Шангшу”. (尚书). Унда энг қадимги, яъни м.а. XXIV-VIII асрлар тарихи акс эттирилган. Анъанага кўра, Конфуций томонидан м.а.V асрда ёзилган. Чин Шихуанг(м.а.259-210) томонидан м.а. 213 йилда ёндириб ташланган, м.а. 178 йилда эса бу асарни ёддан билган машхур олим Фу Шэнг томонидан қисман тикланган.

«Шангшу»

«Шангшу» («Тарих девони»)нинг яна бир номи «Шу» ва «Шу-жинг»дир. «Шангшу» 9 муқаддас китобдан бири ҳисобланади. Бу китобда Хитойдаги қадимий тарихий ҳужжатлар ва қадимда машҳур бўлган китобларнинг тўплами берилган. Анъанага кўра, Конфуций томонидан таҳрир қилинган. Аслида эса айрим қисмлари, жумладан, «Яодян» (尧典), «Гаотаомоу» (皋陶谟), «ЮйГонг» (禹贡), «Хонгфан» (洪范) кабилар конфуцийшунос олимлар томонидан тўлдирилган. «Шангшу»нинг қадимги ва замонавий тилда ёзилган нусхалари мавжуд:

«Шангшу»нинг замонавий нусхаси

28 бобдан иборат. Маълумотларга кўра, Конфуций томонидан тузилган, лекин «Яодян», «Гаотаомоу», «ЮйГонг», «Хунгфан» каби бобларнинг барчаси кейинчалик конфуцийшунослар томонидан тўлдирилган. Фарбий Хан сулоласи даврида энг дастлабки нусхаси Фу Шэнг томонидан ёзиб қолдирилган, иероглифлар лишу хуснихат турида ёзилган.

«Шангшу»нинг қадимги нусхаси

Яна бир номи «Ишу» (逸书) бўлиб, «Шангшу»нинг турларидан биридир. «Ханшу»да ёзилишича, Хан даври императори Уди ҳукмронлигининг охириги йилларида Лююй деган одам Конфуций яшаган хонадоннинг деворидан бу китобни топиб олган. «Шангшу»нинг қадимги нусхаси замонавий нусхасига қараганда 16 бобга кўпроқ. Бунинг сабаби Чин ва Хан давридан олдин фойдаланилган «Гувен» (古文)да ёзилганидир. Шарқий Хан сулоласи олими Дулиннинг таъкидлашича, Зенг Дечи (曾得漆)нинг китоби «Қадимги Шангшу»нинг асл нусхаларидан биридир. Барча мумтоз конфуцийшунос олимлар буни асл нусха сифатида тан олишган, замонавий конфуцийшунослардан Вэйюан (魏源), Гонгзи Чжен (龚自珍), Канг Ювей (康有为) ва бошқалар бу нусхани қалбаки деб ҳисоблашади.

«Ли» («礼») 3 қисмдан иборат:

1. «Или» («仪礼»)
2. «Чжоули» («周礼»)
3. «Лицзи» («礼记»).

«Лижи» (礼记) - «Маросимлар» ёки «Низомлар» ҳақидаги қайдлар. М.а. IV-I асрлар давомида турли муаллифлар томонидан ёзилган. Турли маросимлар ва жамиятда ўзини тутиш қоидалари ҳақида баён қилинган. «Лижи»ни билмаган киши ҳеч қандай лавозимга тайинланиши мумкин бўлмаган ва маданиятли ҳисобланмаган. Кейинчалик

неоконфуцийшунослар даврида (XII аср) «Тўрт девон» (四书) муаллифи Чжу Си унга «Лижи»нинг икки бўлими: «Чжунгюнг» (中庸) ва «Да сюэ» (大学)ни киритган.

«Ижинг»

«Ижинг» (易经)нинг яна бир номи – «Чжоуи», қисқартирилган номи – «И». «Ўзгаришлар китоби» деб ҳам аталади. Тўққиз муқаддас китобдан бири. Фарбий Чжоу сулоласи даврида (м.а. XI-VIIIаср) ёзилган деб тахмин қилинади. Таркибида «Жинг» (经) ва «Жуан» (传) икки бўлим акс этган. «Жинг» асосан 64 та триграмма ва 384 изоҳдан иборат. Ҳар бир изоҳ ва триграммага шарҳ илова қилинади, улар фол очиш учун ишлатилган.

Қадимги анъанага кўра, Фуси триграммани чизади, Вэнванг эса уларга изоҳ беради. Бу китобнинг илк кўриниши Ин давлатининг тугатилиши ва Чжоу сулоласи арафасида яратилган. «Жуан» (传) бўлими «Жинг»га берилган илк изоҳ ҳисобланади, 10 бўлимдан иборат, шу сабабли умумий номи «Ўнлик» («十翼»)дир. Илк манбаларга кўра, бу китобни Конфуций яратган. Ҳозирги замон олимларининг изланишларига кўра, бу китоб Курашувчи подшоликлар даври охириги йиллари ёки Чин ва Хан сулолалари арафасида конфуцийшунос олимлар томонидан ёзилган. «Чжоуи» илк Хан даврида унинг икки хил кўлёзма нусхаси бўлган.

«Чунчю»

«Чунчю» (春秋) – Қадимги Хитойнинг энциклопедик ёдгорлиги. Лу мамлакати (鲁国) йилномаси бўлиб, Хитойда илк яратилган солнома асар ҳисобланади. М.а. III асрда Чин подшолиги даврида яратилган. Хитой тарихи ва фалсафаси бўйича қимматбаҳо манба ҳисобланади. «Chūnqiū» даги матнлар ўта ихчамлаштирилганлиги сабабли (матн ҳажми 16257 иероглиф), буларга изоҳлар унинг «左传» (Zuǒzhuàn), «公羊传» (Gōngyángzhuàn), «穀梁传» (Gǔliángzhuàn) номли бўлимларида бериб ўтилган.

«Зожуан»

«Зожуан» (左传) («Зо Чюминг солномаси») Маълумотларга кўра, Зо Чюминг (左丘明) томонидан ёзилган. Асарда м.а. 722-468 йиллардаги воқеалар тафсилоти берилган. Асар матнлари эса асосан м.а. IV асрда тузилган, кейинчалик қайта тўлдирилган ва таҳрир қилинган. Шундан кейин «Зожуан» конфуцийшунос олимлар томонидан муқаддас китоблардан бири, яъни «春秋» (Чунчю) китобига шарҳ деб тан олинган ва конфуцийшунослар манбаларидан бирига айланди.

«Гонгянг жуан»

«Гонгянг жуан» (公羊传) ёки «Чунчю Гонгянг жуан», «Гонгянг Чунчю» («Гонгянг Гао солномаси») –конфуцийшунос олимларнинг муқаддас девонидан бири. «Чунчю» китобига шарҳ бўлиб, Курашувчи подшоликлар даврида (м.а. 403-221) Гонгянг Гао томонидан ёзилган. Дастлаб фақат оғзаки тарзда тарқатилган, Хан сулоласи (м.а. 206-милодий 220) бошларига келиб китоб шаклига айлантирилган. Лу Ингонг ҳукмронлигининг 14-йилидан бошлаб (м.а.722й), то Лу Айгонг ҳукмронлигининг 14-йилигача (м.а.481й) бўлган тарихий жараёндаги воқеалар тафсилотлари баён этилган.

«Гулянг жуан»

«Гулянг жуан» (穀梁传) ёки «Чунчю Гулянг жуан», «Гулянг Чунчю» («Гулянг Чи солномаси») – бу ҳам конфуцийшунос олимларнинг муқаддас девонидан бири. Курашувчи подшоликлар даврида (м.а. 403-221) Гулянг Чи томонидан ёзилган. Дастлаб фақат оғзаки тарзда тарқатилган, Ғарбий Хан сулоласи (м.а.206-милодий 25) даврига келиб китоб шаклига айлантирилган. Лу Ингонг ҳукмронлигининг 14-йилидан бошлаб (м.а. 722й), то Лу Айгонг ҳукмронлигининг 14-йилигача (м.а. 481й) бўлган тарихий жараёндаги воқеалар тафсилотлари баён этилган. Китобдаги шарҳлар савол-жавоб кўринишида бўлиб, «Чунчю»нинг “принципиал моҳияти”ни очиқ беришга қаратилган. Мазмунан «Гонгянг жуан» шарҳига яқин.

«Эря»

«Эря» (尔雅) – Хитой тарихида илк яратилган изоҳли луғат бўлиб, у бир неча юз йилликлар давомида кўплаб олимлар томонидан ишланиб келинган. Тахминан м.а. V-II асрда ёзилган. Замонавий нусхаси 19 бўлим, 4300 сўздан иборат. Мазкур лексикографик асарда сўзлар тематик гуруҳларга ажратиб берилади. Масалан: тоғга оид сўзлар, самога оид сўзлар, сувга оид сўзлар ва ҳ.к.

«Эря» асари Танг ва Сонг сулолалари даврига келиб, конфуцийшунос олимларнинг 13 муқаддас китобидан бирига айланди. «Эря» луғати Хитой халқига қолдирилган бебаҳо маданий бойлик ҳисобланади.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Анри Масперонинг хитой тилини даврлаштириш назарияси ҳақидаги фикрингиз?

2. Ванлининг хитой тилини даврлаштириш ҳақидаги қарашларини изоҳланг?
3. С.Я. Яхонтовнинг хитой тилини даврлаштириш назарияси ?
4. Қуйида кўрсатилган учта назариянинг қайси бири тўғри, асосланг?
5. Вэняннинг маъноси нима, ушбу ёзув хитойда неча минг йиллик тарихга эга ?
6. Хитойда вэнян ёзув сифатида қайси асрда тўла тўқис шаклланди?
7. Қадимги хитой солномалар, қўл ёзма манбалари қайси тилда ёзилган ?
8. Байхуа нима?
9. Байхуа ёзув сифатида қайси асрдан бошлаб шаклланди?
10. Вэнян ва байхуа ёзувнинг фарқли томонларини асосланг ?

Амалий машғулот учун своллар:

1. Қадимги хитой оғзаки тили деганда нималарни тушунасиз?
2. Қадимги хитой ёзувини асослаб беринг ?
3. Қадимги хитой ёзувини даврлаштириш масалалари ҳақида нималарни биласиз?
4. Қадимги хитой ёзуви нечига бўлинади?
5. Хитойда вэнян ва байхуа тилининг хусусиятларини нималарда кўрасиз ?
6. Байхуа тили қайси шева асосида шаклланган?
7. Хитойда вэнян тилига расман қачон барҳам берилди, сабабларини изоҳлаб беринг?
8. Вэнян мураккаб тилми?
9. Хитойда вэнян тилдан ҳозир ҳам истъмолда фойдаланиладими?
10. Байхуани хитой тилида тутган тарихий аҳамиятини асосланг?

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар:

1. Дасюэ ҳақида маълумотга эга бўлиш.
2. Чжунгюнг ҳақида маълумот тўплаш.
3. Лунюй асарини ўқиш ва таржима қилиш.
4. Менг-зи асари ҳақида билимга эга бўлиш.
5. Шижинг таржима асари билан танишиш.

6. Шужинг ҳақида маълумотга эга бўлиш.
7. Шангшу тили билан танишиш.
8. Лижи ҳақида маълумотга эга бўлиш.
9. Ижингни ўқиш.
10. Чунчю ёзилган давр билан танишиш.
11. Зожуаннинг яратилиши масаласида маълумотлар тўплаш
12. Гонгянг жуан ва гулянг жуан асарлари мазмуни билан танишиш.

6 БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК ТУЗИЛИШИ

Мавзунинг мақсади: Қадимги хитой тилининг лексикаси, сўз маъноси ва унинг ўзгариши, Венянда полисемия ходисаси, Эҳтиром ва камтарликни билдирувчи сўзлар.

Таянч сўзлар: 古代汉语词汇学, 说文解字, 通假字, 诸侯, 冯婉贞, 战国策, 古今字, 同源字, 连绵字, 长江, 春秋, 金属, 黄金, 史记, 敬称, 尊称, 谦称.

1 мавзу. Қадимги хитой тилининг лексик тузилиши

Чжао Кэчиннинг «Қадимги хитой тили лексикологияси» (古代汉语词汇学) китоби 15-бетда ёзилишича: “Хитой ёзуви – белгили ёзув турига киради. Ҳар бир иероглиф маълум бир шакл, ўқилиш ва маънога эга. Айтиш мумкинки, назарий жиҳатдан, иероглиф сўзга тенг бўлиши мумкин.”

Милодий 121 йилида Сюй Шэн «Шо вэн цзе цзы» (说文解字) луғатини тузади. Олим 10000га яқин иероглифларни ўрганиб чиқиб, иероглиф шакли асосида унинг маъноси ва келиб чиқишини тушунтирди. «Шо вэн цзе зи» – Қадимги Хитойда яратилган энг йирик филологик асар ҳисобланади. Бу луғатда сўзнинг фақатгина битта маъноси келтирилади, яъни асл маъноси (本义). Демак, бу лексикографик асар Хитойда яратилган энг дастлабки луғат кўриниши, десак хато бўлмайди. Албатта «Шо вэн цзе зи» луғатида қайд қилинган сўз маънолари хатоликлардан ҳоли эмас. Ўша пайтларда тушунчалар кўп, иероглифлар эса кам бўлган. Баъзи тушунчаларга нисбатан алоҳида иероглифлар кашф қилинмаган бир пайтда, шу тушунчани ифодалаш учун бошқа иероглифлардан фойдаланилган. Масалан: «Шо вэн цзе зи» луғатида “易” (yì – осон) иероглифи тушунчасини ифодалаш учун “蜥蜴” (xīyù – калтакесак) тасвирий-расм туркумига (象形字 xiàngxíngzì) тегишли иероглифдан фойдаланилган. Қадимги хитой тили 2-шахс олмоши дастлаб “女” (nǚ – аёл) иероглифи билан ифодаланган. Кейинчалик сув калити билан ёзиладиган “汝” (rǔ)га ўзгарди. Охир-оқибат замонавий шакл, яъни 你(nǐ) тарзида шаклланди.

«Шо вэн цзе зи» (说文解字) луғати.

Асрлар мобайнида иероглифнинг маънолари кўпайди, шакл ҳамда маъно бир-биридан ажралди, иероглиф ва сўз ҳар хил кўринишга

келди. Иероглифларнинг ривожланиши ва ўзгариши оқибатида лексик тизимда ҳам ўзгаришлар юзага келди.

Бу эса ўз навбатида қадимги хитой тили лексикасида қуйидаги тўрт ходисани келтириб чиқарди:

1) 通假字 tōngjiǎzì – ўзлаштирилган иероглифлар (公^{gōng} ўрнига 功^{gōng}, 果^{guǒ} ўрнига 敢^{gǎn});

2) 古今字 gùjīnzì – қадимги замонавий иероглифлар (莫^{mò} ва 暮^{mù}, 两^{liǎng} ва 辆^{liàng}, 原^{yuán} ва 源^{yuán}, 要^{yào} ва 腰^{yāo});

3) 同源字 tóngyuánzì – қардош иероглифлар (浓^{nóng} ва 农^{nóng}, 张^{zhāng} ва 涨^{zhǎng});

4) 连绵字 liánmiánzì – жуфт (бирикмали) иероглифлар (玲^{líng} 珑^{tóng}, 参^{cān} 差^{cī}, 蜈^{wú} 蚣^{gōng}, 妯^{zhóu} 娼^{chāng}, 匆^{cōng} 匆^{cōng}, 津^{jīn} 津^{jīn}).

“Tōngjiǎzì” ходисаси

Сю Шэн «Содда ёзув ва мураккаб белгилар шарҳи» “Сюй” (叙) бўлимида ёзади: “本无其字，依声托事，令长是也”. (Běn wú qí zì, yī shēng tuō shì, lìng zhǎng shì yě.) – Аслида бу ходисани англатувчи ёзув (иероглиф) мавжуд эмас, шунинг учун бу сўзга товушдош ёки ўхшаш товушли бошқа иероглифни олиб, у ёрдамида алоқадор сўз ифодаланган.

Tōngjiǎzì (通假字) – қадимги ёзма тилда баъзи иероглифларни ёзиш жараёнида уларнинг ўрнига шу иероглифлар билан талаффузи бир хил ёки ўхшаш бўлган бошқа иероглифни ёзиш. Қадимги ёзма тилда товуши бир хил ёки ўхшаш бўлган иероглифлар бошланғич иероглифни ўрнига ишлатилиши, бир хил товушли сўзлар ёки яқин товушли сўзлар ёзма белгилари орасидаги алмашилиш ходисасидир.

Масалан, “蚤” zǎo (бурга) иероглифидан фойдаланиб “早” (zǎo) яъни “тонг” маъноси ифодаланган. Бу ерда “蚤” қарзга олинган ёки ўзлаштирилган иероглиф деб аталади; алмашилган “早” эса бошланғич иероглиф дейилади.

Tōngjiǎzì усулининг қуйидаги турлари мавжуд:

1) Товушдошлар алмашинуви (ўзлаштирилган сўз ва бошланғич сўз бир хил ўқилади). Масалан “蚤” zǎo орқали “早” ни ифодалаш; 堂 táng (жой) орқали 棠 táng (фамилия) ни ифодалаш;

2) Шенгмудошлар алмашинуви (ўзлаштирилган ва бошланғич сўз юнмуси ҳар хил, лекин шенгмуси ўхшаш). Масалан, “培” péi (тарбияламоқ) орқали “憑” píng (суянмоқ, асосланмоқ) маъносини ифодалаш; “果” guǒ (мева) орқали “敢” gǎn (журъат қилмоқ) ни ифодалаш;

3) Қофиядош бўғинлар алмашинуви (ўзлаштирилган ва бошланғич сўз шенгмуси ҳар хил, лекин юнмуси ўхшаш). Масалан, “伶” líng (санъаткор) орқали “伸” shēn (чиқармоқ) маъноси, “崇” chóng (эъзозламоқ) орқали “终” zhōng (охират) маъноси ифодаланиши.

Бундай сўзлар қадимги ёзма тилда кўп учрайди, аммо кейинги даврга бориб аста-секин камайган. Замоनावий хитой тилида умуман учрамайди.

2.2. Сўз маъносининг ўзгариши.

Хитой тилидаги сўзларнинг қадимги ва замоनावий маъно туншунчалари. Қадимги хитой тилида шундай сўзлар борки, улар ҳозирги кунга қадар маъноси ўзгармаган. Мисол учун, 人 rén – одам, 大 dà – катта, 小 xiǎo – кичик, 飞 fēi – учмоқ ва ҳоказо, бу хитой тилининг асосий луғат бойлигидир. Баъзи сўзлар қадимда мавжуд, баъзи ходисаларнинг йўқолиши ва номи ўзгариши сабабли, ҳозирга келиб аллақачон муомаладан чиқиб кетган, масалан, “甬” yǒng (Чжэцзян провинцияси, Нинбо шаҳрининг қадимдаги номланиши), “诸侯” zhūhóu (князлар, феодаллар) кабилар. Бу ҳодиса сўзлар мослашуви деб аталади. Баъзи сўзлар эса қадимда ва ҳозирда ишлатилиб, бироқ сўз маъноси ўзгаришга учраган, шунинг учун агар уларни замоनावий хитой тилига асосланиб таржима қилсак, баъзи хатоликлар келиб чиқиши муқаррар. Сўз маънолари ўзгаришини таҳлил қилиб чиқиб, қуйидаги хусусиятларни ажратдик:

1) сўз маъносининг кенгайиши.

1. “江” jiāng

Қадимги хитой тилида Чангжян – Янзи (长江 Chángjiāng) дарёсини ифодалаган. Масалан, «Чунчю» (春秋) асарида ёзилишича: “楚人有涉江者。” Chǔ rén yǒu shè jiāng zhě (Чу мамлакатада бир одам қайиққа ўтириб, Янзи (Чанжян) дарёсидан сузиб ўтди) .

Замоनावий хитой тилида “江” кенг маънода дарё ва дарёлар маъносида қўлланилади.

2. “脸” liǎn

Қадимги хитой тилида чехранинг ёноқ суяклари қисми (颧骨部分 quángǔ bùfen) маъносини англатган. Масалан, «По Чжен-зи» (破阵子 pòzhènzǐ) асарида келтирилади: “笑从双脸生”. Xiào cóng shuāng liǎn shēng (Унинг икки ёноғидан табассум тараларди)

Ҳозирги пайтда “脸” сўзи маъноси кенгайиб, чехра (面部 miànbù) маъносида кенг қўлланилади.

3. “响” xiǎng

Қадимги хитой тилида акс-садо (回声 huíshēng) маъносини ифодалаган. Масалан, «Шуйжинг чжу» (水经注) номли асарда қуйидаги сатрларни ўқишимиз мумкин: “常有高猿长啸，属引凄异，空谷传响，哀转久绝”。 Cháng yǒu gāo yuán cháng xiào, shǔ yǐn qī yì, kōng gǔ chuánxiǎng, āi zhuǎn jiǔ jué (Бу ерда маймуннинг қичқириши тез-тез эшитилиб туради, товуши жуда ўткир ва ғамгин, Конг тоғлари орасида акс-садони эшитиш мумкин, бу маънос оҳанг анча вақтгача давом этади).

Замонавий хитой тилида “响” кенг маънода товуш (声音 shēngyīn) маъносини англатади.

2) сўз маъносининг торайиши.

1. “金” jīn

Қадимги хитой тилида барча металлларнинг (金属 jīnshǔ) номла-нишини берган. «Сюн-зи»нинг “Таълим-тарбия назарияси” бўлимида (荀子·劝学) шундай дейилади: “金就砺则利”。 Jīn jiù lì zé lì (“Металлни чах тошида чахласа, у ўткир бўлади”). Замонавий хитой тилида олтин (黄金 huángjīn) маъносида ишлатилади.

2. “宫” gōng - қадимги хитой тилида уй-жой, хонадон (房屋 fángwū) маъносини англатган. Масалан, «Чжанго цэ» (战国策) асарида ёзилишича: “父母闻之，青宫除道”。 Fùmǔ wén zhī, qīng gōng chú dào. (Унинг ота-онаси бу хабарни эшитгач, хонадон ҳамда ҳовлини тартибга келтиришди.) Замонавий хитой тилида 宫殿 gōngdiàn, яъни сарой маъносида ишлатилади.

3. “臭” xiù

Қадимги хитой тилида хид, ис (各种气味 gèzhǒng qìwèi) маъносини англатган. Масалан,

(1) «Ижинг» (易经): “同心之言，其臭如兰”。 Tóng xīn zhī yán, qí xiù rú lán. (Рост гап гўёки хушбўй орхидея каби ёқимлидир.)

(2) Дуфу (712-770) шеъридан мисол келтирамиз:

朱门酒肉臭 Zhū mén jiǔ ròu xiù,

路有冻死骨 Lù yǒu dòng sǐ gǔ.

Бой уйдан гўшту шароб ҳиди таралар,

Йўл бўйида музлаб қотган суяк мурдалар.

Замонавий хитой тилида “臭” ёқимсиз хидли, бадбўй маъносини билдириб, сифат сўз туркумига оид ва кўпинча chòu тарзида ўқилади.

3 сўз маъносининг кўчиши.

1. “去” qù

Қадимги хитой тилида “离去” líqù (ташлаб кетмоқ, тарк этмоқ) маъносини билдирган. Мисол учун, «Шижинг»нинг “Вейфенг Шошу” бўлимида (诗经·魏风·硕鼠) ёзилишича: “逝将去女，适彼乐土”. Shì jiāng qù nǚ, shì bǐ lè tǔ (“Мен қасам ичиб айтаманки, сени ташлаб, обод ерларга кўчиб кетаман”). Замоनावий хитой тилида “往” wǎng, яъни бормоқ маъносини ифодалайди.

2. “涕” tì

Қадимда “眼泪” yǎnlèi (кўз ёшлари) маъносини англатган. Масалан, «Зожуан» (左传) да ёзилишича: “藏叔入，哭甚哀，多涕”. Záng shū rù, kǔ shèn āi, duō tì. (Занг амаки кириб келди, у жуда ғамгин эди, кўзларидан дарё-дарё ёш оқарди.) Замоनावий хитой тилида 鼻涕 bítì (бурун суюқлиги) маъносида келади.

3. “盗” dào

Қадимги хитой тилида ўғри (小偷 xiǎotōu), ўғирламоқ (偷窃 tōuqiè) маъноларини билдирган. Масалан, «Зожуан» да ҳикоя қилинади: “窃人之财，犹谓之盗”. Qiè rén zhī cái, yóu wèi zhī dào. (Бировларнинг бойлигини ўғирлайдиган одам ўғри дейилади.) Ҳозир қароқчи, босқинчи (强盗 qiángdào) маъносида қўлланилади.

3.3. Венянда полисемия ходисаси

(Кўп маъноли сўзларнинг лексик-семантик таҳлили)

Хитой тилида бир сўз кўпинча бир қанча маъноларга эга бўлиши мумкин. Баъзи пайтда полисемияга учраган сўзларнинг ўқилиши ҳам турлича бўлади. Бу ҳолат қадимги хитой тилида нисбатан кўп учрайди.

1. “予” иероглифи:

1) yú - “мен”;

«Фенг Ванчжен» (冯婉贞 féngwǎnzhēn)¹ асаридан қуйидаги иқтибосни келтирамыз:

“瞻予马首可也。” Zhān yú mǎ shǒu kě yě - “Менинг отимнинг ҳаракатларига қара” (маъноси “Мендан асло кўзингни узма, буйруқларимни бажар”).

2) yǔ - “бермоқ”.

«Тарихнома» “Линсянг Жу фаолияти”² бўлимида (史记·蔺相如列传 shǐjì • Lìn Xiàngú lièzhuàn) ёзилишича:

¹ Чинг (清) даври (1644-1911) шоири Сюйке (徐珂 1869-1928) томонидан ёзилган асар.

² “Шижи” (Тарихнома) – Хан сулоласи 汉代 (м.а. 206-эрамизнинг 220) тарихшунос олими Сима Чян (司马迁 Sīmǎ Qiān Тахминан м.а.145 (135)-90) қаламига мансуб асар. М.а. 109-91 йиллар давомида ёзилган бу китобда яримафсонавий Сарик император 黄帝 (м.а.2600)дан то Хан сулоласи давригача бўлган тарих акс этган. 5 боб, 130 бўлимдан иборат. Бу боблар қуйидагилар: 1. Бенжи (本纪 běn-jì) – ҳукмдорлар таржимаи ҳоли (12

“欲予秦，秦城恐不可得” Yù yǔ qín, qín chéng kǒng bù kě dé (“Биз ўйлаймизки, Чинлар биздан талаб қилган нефритни уларга топширган тақдирда ҳам, улар ўз ваъдаси устидан чиқмай, бизга шаҳарни қайтариб беришмайди”.)

“Шижи” (Тарихнома)нинг кириш қисми

2. “骑” иероглифи:

1) qí - “минмоқ”;

«Тарихнома» (史记) да ҳикоя қилинишича:

“吴骑此马五岁，所当无敌” Wú qí cǐ mǎ wǔ suì, suǒ dāng wú dí (“Мана 5 йилдирки, барча жанглarda бу от менинг ажралмас дўстим бўлиб келган, айнан шу отим туфайли шу пайтгача енгилиш нималигини билмайман”)

2) jì - “отлик аскар”.

«Тарихнома» “Сянгюй таржимаи ҳоли” (史记·项羽本纪) бўлимида ёзилишича: “乃令骑下马步行”。 Nǎi lìng jì xià mǎ bù xíng. (“Буйруқ бераман, отлик аскарлар отидан тушиб, пиёда ҳаракатлансин”.)

3. “数” иероглифи:

1) shù – “ноаниқ миқдор”;

2) shǔ - “санамоқ”;

«Тарихнома» “Ченше шижя” (陈涉世家) бўлимида ёзилишича:

“楚兵数千人为聚者，不可胜数”。 Chǔ bīng shù qiān rén wéi jù zhě, bù kě shèng shù (“Кўзғолон кўтарган бир неча минг Чу аскарлари тўда ҳосил қилишди, бу ҳолатда уларни ҳисоблаб чиқиш жуда ҳам қийин эди”)

Бу гапда биринчиси “数” shù ўқилади, кейингиси эса shǔ.

3) shuò - “кўп маротаба”.

«Учподшолик»³ китобининг “У давлати ҳукмдорлари” бўлимида (三国志·吴书) ёзилишича:

“数犯边境”。 Shù fàn biān jìng (“У давлатининг чегарасига кўп маротаба ноқонуний бостириб киришган”)

4. “说” иероглифи:

1) shuō - “дарак бермоқ, тушунтирмоқ”;

бўлим). 2. Ши-жя (世家 shì-jīā) – оқсуяк ва амалдорлар таржимаи ҳоли (30 бўлим). 3. Ле-жуан (列传 liè-zhuàn) – буюк шахслар таржимаи ҳоли (Лао-зи, Мо-зи, Сюн-зи) (70 бўлим). 4. Шу (书 shū) – маросимлар, мусиқа, иқтисод каби ўша давр долзарб мавзулари (8 бўлим). 5. Бяо (表 biǎo) – хронологик жадваллар (10 бўлим).

³ «Sānguózhì» (三国志) – Ғарбий Жин (西晋 265-316) сулоласи тарихшунос олими Ченшоу (陈寿 233-297) томонидан ёзилган. 65 бўлимдан иборат бўлиб, Учподшолик – Вэй (魏), Шу (蜀) ва У (吴) мамлакатлари тарихига бағишланган. (32,1799)

«Сюн-зи» «Чженгминг» (荀子·证明) бўлимида ёзилади:

“说不喻然后辨”。Shuō bú yù rán hòu biàn (“Тушунтирганда ҳам тушунмаган бўлса, исбот келтириб ҳақиқатни очиб бериш лозим”) 。

2) shuì - “кўндирмоқ”;

«Курашувчи шоҳликлар» (战国策 zhànguó cè) да хикоя қилинади:

“触龙说赵太后”。Chùlóng shuì zhào tài hòu (“Чулонг кироличани кўндирди”) 。

3) yuè - “хурсанд”.

«урушқоқ давлатлар» (战国策) да ёзилишича:

“秦王不说”。Qín wáng bú yuè (“Чин князи ғамгин кўринарди” .)

Кўпгина ҳолларда битта иероглифнинг турлича ўқилиши фақатгина оҳанг ҳар хиллигида акс этади, масалан “予” yú ва yǔ бўлиб ўқилади. Лекин шундай ҳолатлар ҳам борки, бунда шенгму ҳар хиллиги кузатилади, масалан “骑” qí ҳамда jì ўқилади; ёки юнмулари ҳар хил, масалан “数” shù ва shuò икки хил ўқилади. Шунингдек шенгму ва юнмуси ҳар хил бўлган сўзлар ҳам бор: “说” shuō ва yuè ўқилади.

Бундан ташқари, баъзи сўзлар гарчи кўп маъноларга эга бўлсада, аммо ўқилиши ўзгармайди. Масалан: “因” yīn феъл бўлиб келганда “анъанани давом эттирмоқ” маъносини билдиради; равиш бўлганда эса “сабабли” маъносини билдиради; олд кўмакчи бўлиб келганида “туфайли” маъносини англатади, аммо ҳамма вақт yīn бўлиб ўқилади. Юқорида келтирилган ўқилиши бир хил, бироқ маъноси ҳар хил бўлган сўзлар маъносини аниқлашда қадимги ва замонавий хитой тилида англатган маъноларига аҳамият бериш зарур, луғат билан ишлаганда ҳам венян ҳамда байхуа тилларига асосланиб ҳар томонлама мос бўлган маънони танлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

4.4. Эҳтиром ва камтарликни билдирувчи сўзлар

Қадимги хитой тилида ўзгаларни аташ учун мўлжалланган сўзлар гуруҳи – эҳтиром сўзлари (敬称 jìngchēng ёки 尊称 zūnchēng) деб аталади. Инсон ўз-ўзини аташ учун қўллайдиган сўзлар гуруҳи эса – камтарлик сўзлари (谦称 qiānchēng) дейилади. Бу икки гуруҳ сўзлари қадимда кенг ишлатилган, лекин кейинчалик анча камайган.

Эҳтиром сўзлари Хитой тилида 敬称 jìngchēng (баъзида 敬语 jìngyǔ) деб аталади. Бундай сўзлар ўзгаларга нисбатан қўлланилади. Қадимги хитой тилида 2-шахс кишилиқ олмоши “汝” rǔ , “尔” ěr бўлган, 3-шахс кишилиқ олмошлари “彼” bǐ, “其” qí, “之” zhī кабилар бўлган.

Бирок хурмат, илтифотни ифодалаганда кўпинча эҳтиром сўзларидан фойдаланилган. Бунда хурмат куйидагича ифодаланган:

1) хукмдорга: “王” wáng – қирол;

“君” jūn – хукмдор;

“陛下” bìxià – жаноби олийлари.

2) юқори лавозим эгаларига:

“将军” jiāngjūn – кўмондон;

“大夫” dàifu – вазир ва бошқалар;

“卿” qīng – амалдор;

“大夫” dàfu – зиёли, уламолар.

3) ёши каттароқ ва обрў-эътиборли одамларга:

“夫子” fūzi – эр;

“先生” xiānshēng – жаноб.

4) оддий одамларга: “子” zǐ.

Кимсани аташнинг яна бир усули бу – хурматни ифодаловчи равишлардан фойдаланиш, яъни феълдан олдин хурмат-эҳтиром билдирувчи сифатлашлар (эпитет) қўлланилган. Булардан кўп учрайди-ганлари куйидагилар: “敬” jìng – шарафга эга бўлмоқ; “谨” jǐn – эҳтиром ила. Масалан:

«Тарихнома» нинг “Ченше шижа” (史记·陈涉世家) бўлимида ёзилишича: “敬受命”. Jìng shòu mìng (Буйруғингизни қабул қилиш бахтига муяссарман). «Тарихнома» нинг “Сянгүй таржимаи ҳоли” (史记·项羽本纪) бўлимида: “谨诺” Jǐnnuò ! (Лаббай!).

Бундан ташқари “请” qǐng – илтимос, “幸” xìng – умид қилмоқ, “辱” rǔ – хорламоқ, ерга урмоқ, “惠” huì – саховат кўрсатмоқ каби сўзлар хурмат маъносини кучайтиришда хизмат қилган.

“请” ўзгалардан бирор ишни қилишга руҳсат сўралганда ишлатилган. “幸”, “惠” қарама-қарши томондан эзгулик, розилик олмоқни ифодалайди. “辱” эса камситишни эшитмоқ, ранжимоқни ифодалайди. Камтарликни билдирувчи сўзлар шунингдек (谦称 qiānchēng) камтарин атамалар деб ҳам аталади. Улар инсон ўз-ўзини ифодалаганида ишлатилган.

Одатда ёши улуғ инсонлар ёки тенгдошлар билан мурожаатда камтарликни билдирувчи сўзлардан кўп фойдаланилган. Куйидаги усуллар орқали ифодаланган:

Биринчи усул: 1-шахс кишилиқ олмошлари ўрнига камтарликни ифодаловчи махсус атамаларни қўйиш. Масалан:

а) хукмдор ўзини “寡人” guǎrén – биз, “孤” gū – ёлғиз, ғариб каби номлар билан атаган.

б) хукмдорга нисбатан ёши улуг инсонлар ёки унинг тенгдошлари ўзини “臣” chén – сизнинг кулингиз, “愚” yú – тентак, “仆” pú – хизматкорингиз, “小人” xiǎorén – пасткаш, “鄙人” bǐrén – кулингиз деб аташган. Баъзи бирлар ўзини исми билан ҳам аташган.

Иккинчи усул: камтарликни билдирувчи равишлардан фойдаланиш, яъни феълдан олдин камтарликни ифодаловчи махсус сўзларни ишлатиш, кўпинча “窃” qiè – пинҳона, “敢” gǎn – журъат этмоқ. “窃” пинҳона фикрни ифодалайди, бу фикр нотўғри бўлиши ҳам мумкин.

Масалан, Ли Сининг (?-М.а.208) «Жянчжу кешу» (谏逐客书) асарида ёзишича:

“臣闻史议逐客卿，窃以为过矣”. Chén wén shǐ yì zhú kè qīng, qiè yǐ wéi guò yǐ. (Эшитишимча, сарой аёнлари мухожирларни мамлакатдан чиқариб юборишни таклиф қилишибди, менинг (пинҳона) фикримча, бундай чора қўллаш нотўғри) .

“敢” gǎn – ўз муносабатининг эркинлигини билдиради. Масалан, «Зожуан»нинг “Ингонг хукмронлигининг биринчи йили” (左传·隐公元年) бўлимида ёзилишича:

“敢问何谓也”. Gǎn wèn hé wèi yě (Сўрашга ижозат берсангиз, бу нима дегани?).

Мавзуга оид саволлар:

1. Лексик бирликлар нима?
2. Тилда полисемия ҳодисасини қандай изоҳлайсиз?
3. Вэнянда полисемия ҳодисаси нима?
4. Хитой тилида товушдошлар алмашинуви масаласини изоҳланг?
5. Шенгмудошлар алмашинувини изоҳланг ?
6. Қофиядош бўғинлар алмашинувини асосланг?
7. Хитой тилида эҳтиром ва камтарликни билдирувчи сўзлар қандай айтилади?
8. Эҳтиром сўзлар деганда нималарни тушунасиз?
9. Камтаринлик сўзлар деганда нималарни тушунасиз?
10. Эҳтиром ва камтарлик сўзлар тилшуносликнинг қайси бўлимига киради, асосланг?

Амалий машғулотлар учун саволлар:

1. Лексик бирликлар ҳақида тушунчалр ҳосил қилиш.
2. Полисемиянинг тилдаги аҳамияти ва ўрнини кўриб чиқиш.
3. Хитой тилида товушларнинг аҳамияти.
4. Шенгмулар алмашуви ҳақида маълум тушунчаларни пайдо қилиш.
5. Хитой тилида эҳтиром сўзларни ўзлаштириш.
6. Хитой тилида камтарликни билдирувчи сўзларни ўрганиш.
7. Бўғинлар ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлиш.
8. Социолнгвистика фани ҳақида маълум билимларни ўзлаштириш.
9. Ли Сининг хитой тилини ривожда кўшган ҳиссасини аниқлаш.
10. Тарихнома асарининг хитой тилидаги варианты билан танишиш.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар:

1. Тарихнома асаридан парчалар таржима қилиш.
2. Ли Сининг фаолияти ҳақида маълумотларни йиғиш.
3. Мавзу бўйича реферат тайёрлаш.
4. Қадимги хитой тили ҳақида ёзиб қолдирилган манбаларни ўрганиш.
5. Ғарб тадқиқотчиларининг қадимги хитой тили ҳақидаги қарашларини ўрганиш.
6. Россияда хитой тилини ўрганиш бўйича яратилган манбалар билан танишиш.
7. Хитой тилида Шенгмуларнинг пайдо бўлиши ва тилдаги аҳамиятини кўриб чиқиш.
8. Иероглифларнинг тарихан ўзгариб бориш қонуниятлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш.
9. Хитойда тилни соддалаштириш билан боғлиқ давлат тил сиёсатини ўрганиш.
10. Хитой тилида юнмулар масаласини ўрганиш.

ГЛОССАРИЙ

Амалий тилшунослик – тилшуносликнинг масалаларини амалий йўл ва методлар билан ўрганувчи, тадқиқ этувчи соҳалар. Масалан, экспериментал фонетика, лингвостатистика, лексикография ва б.

Аналитик усул – ёрдамчи сўзлар воситасида сўз ясалиш усули.

Аффикс (лот. affixus – бирлаштирилган, бириктирилган) – сўзга зид қўйиладиган (лексик маънога эга бўлмаган), ўзи қўшиладиган асоснинг луғавий ёки грамматик маъноларини шаклланишига хизмат қилувчи морфема; қўшимча.

Аффиксация – аффикс ёрдамида сўз ёки шакл ясалиши

Гапнология (юн. haplos – оддий, logos – тушунча, таълимот)

Глоссарий – бирор бир асарда, китобда қўлланилган ва тушинилиши мураккаб бўлган сўзларнинг изоҳ луғати

Глоттогония (юн. glotta – тил, gonos – тўғилиш) – тилнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақидаги таълимот

Депредикация – предикатив синтагмани нопредикатив синтагма тарзида трансформациялаш.

Деривация (лот. derivatio – ясалиш) – м. аффиксал сўз ясалиши

Дескриптив лингвистика (инг. descriptive – тасвирий) – америка структурализми, яъни тил тузилиши шаклий унсурларини дистрибутив усуллар ёрдамида тадқиқ этиш, ўрганиш.

Детерминант – гапнинг бошланишида мустақил таркибий қисм сифатида келиб, ўзидан кейинги қисмга бир бутун шаклда таалукли бўлиб, унинг яхлитлигича кенгайтирадиган иккинчи даражали бўлак.

Дезтимологизация (лот. de – айириш маъноли олд қўшимча плюс этимология) – сўзда этимологик боғланишнинг йўқолиши

Диалектология (юн. dialektos – шева, лаҳжа – logos – тушунча, таълимот) – филологиянинг диалект, лаҳжа ва шеваларини ўрганувчи бўлими

Диахрония (юг. dia – орқали + chronos – вақт) – айрим тил ҳодисаларининг, яхлитлигича тил тизимининг тарихий изчил ривожланиш босқичлари лингвистик тадқиқ этиш

Дистрибутив метод – структурал лингвистикада тил унсурларини муайян тилга хос қонун–қоидалар асосида бўлиш методи.

Иероглифлар (юн. hieroglyphoi – муқаддас ёзувлар) – бутун бир сўз, бўғин ёки товушни ифодалаш учун хизмат қиладиган график ифода.

Илмий услуб – терминологик ва мавҳум лексиканинг, мураккаб синтактик тузилмаларнинг қўлланилиши, сўзларнинг конкрет, тўғри маънода қўлланилиши, махсус ибораларга эга эканлиги ва шу кабилар билан ажралиб турувчи функционал услуб, метод.

Илмий грамматика – назарий ғояларнинг сўнгги ютуқлари асосида яратиладиган грамматика.

Ингерент коннотация – нутқий матндан ташқарида ҳам воқеаланидиган, сўзнинг мавжуд бўлган коннотатив маъноси.

Интерференция (лот. inter – ора+ferens, frentis–ўтказиш) – она тилига хос хусусиятларни ўрганилаётган тилга ўтказиш.

Интралингвистика – тилшуносликнинг тил ички тизимини, унинг бирликлари ва категорияларини, тил яруслари ва уларнинг тузилишини нолисоний омилларга мурожаат қилмай ўрганувчи соҳа.

Калька (фран. calque – копия, нусха, тақлид) – ўзга тил материалидан қисмма – қисм нусха олиш воситасида яратилган сўз ёки бошқа бир тил бирлиги.

Калькалаш – ўзга тилнинг лексик, фразеологик бирликларининг моделлари асосида ўз тил унсурларидан фойдаланиб, янги сўз ёки фразеологик бирликлар ҳосил қилиш.

Канцеляризм – қўлланиши расмий иш, идора ва муассаса фаолияти услубига хосланган сўз, турғун бирикма, грамматик шакл ва тузилма.

Каузатив – ҳаракатнинг бажарилиши учун сабаб, қўзғаш маъносига эгалик.

Композиция (лот. composito – тузиш) -сўз қўшиш, қўшма сўзлар.

Компонет (лот. componens –ташқил этувчи) - маълум бир тил бирлигининг таркибий қисми. Сўз бирикмасининг компонентлари.

Конверсия (лот. *conversion* – айланиш, ўзгариш) – сўзнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгармай, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиши, шу йўл билан янги сўз ҳосил бўлиши.

Корреляция (лот. *correlatio* – алоқа, муносабат) – икки ёки ундан зиёд тил бирлигининг ўзаро боғлиқлиги.

Лексема (юн. *lexis* – ибора, нутқ ўрама) – тилнинг луғат таркибига хос бирлик.

Лексика (юн. *lexikos* – сўзга оид, луғавий) – тилнинг луғат таркиби. Луғат таркибининг қўлланиш соҳаси, услубий соҳаси ва келиб чиқиши каби турли жиҳатлардан ёндошиб ажратиладиган гуруҳлари. *Ижтимоий – сиёсий лексика. Экспрессив лексика.*

Лексик антонимия. Луғавий бирликлар (сўзлар) орасидаги антонимия.

Лексик антонимлар. Қарама – қарши (акс, зид) маънодаги сўзлар.

Лексик калька. Ўзга тил луғавий бирлигидан қисмма–қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз.

Лексикография (юн. *lexikos* – луғат, *grapho* – ёзмоқ). Луғатшунослик таълимоти.

Лексикология (юн. *lexikos* – луғатга, сўзга оид, *logos* – таълимот). Тилшуносликнинг тилнинг луғат таркибини ўрганувчи бўлими (тарихий лексикология, тасвирий лексикология, қиёсий лексикология).

Лексик омонимия. Лексик бирликлар орасидаги омонимия.

Лексик синонимия. Луғавий бирликлар орасидаги синонимия.

Лингвистика (фран. *linguistique*, лот. *lingua* – тил). Тилшунослик фани.

Лингвистик таҳлил. Тил, нутқ бирликларини, уни ташкил этувчи қисмлари, мазмуни, маъноси, моҳияти, вазифаси ва бошқа хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганиш, тадқиқ этиш (лексикологик, фразеологик, семасиологик, семантик, фонетик, имловий, орфоэпик, морфологик, структур, синтактик, когнитив, пунктуацион, услубий, этимологик, этнографик ва б. турдаги таҳлил).

Лингвистик универсалия. Барча тиллар учун умумий бўлган тил ҳодиса.

Математик лингвистика. Лингвистика муаъмомлари ва масалаларини математик усул ва методлар (аскарият математик статистика, эҳтимоллик назарияси, майдон назарияси ва б.) ёрдамида тадқиқ этиш фани, ўрганувчи соҳаси.

Матн. Ёзув орқали экс эттирилган манба, нутқ, текст, хат, маълумот, хабар ва б.

Махсус лексика. Ижтимоий – сиёсий фаолиятнинг турли соҳаларига тегишли нарса ёки ҳодисаларни номловчи сўзлар.

Маҳсулли аффикслар. Сўз яшаш вазифасини тўхтатмаган, оз ёки кўп миқдорда сўз яшаш учун хизмат қилаётган аффикслар.

Морфема. Тилнинг маъноли, бошқа маъноли қисмга бўлиниши мумкин бўлмаган энг кичик қисми, бирлиги (лексик морфема ва аффиксал морфема. М: “ҳайдовчи” сўзида “ҳайдов” – лексик морфема, “–чи” аффиксал морфема.)

Морфология. (юн. morphē – шакл, logos – таълимот). 1. Сўз шакллари ҳақидаги грамматик таълимот. 2. Тилнинг морфологик қурилиши.

Нолисоний омиллар. Тил тараққиётига таъсир кўрсатувчи объектив воқеаликка доир шарт – шароитлар (тил қонуниятлари бундан истисно).

Норматив грамматика. Сўз шакллари ва синтактик қурилиш моделларининг меъёр талабларига жавоб беришини белгиловчи грамматика.

Оминимика. Омонимларни ўрганувчи соҳа. Омонимлар мажмуи.

Омонимия. Бирдан ортиқ тил бирлигининг талаффуз ва ёзилиши жиҳатидан бир хил бўлиш ҳодисаси (лексик омонимия, фразеологик омонимия, грамматик омонимия ва б.).

Омонимлар. (юн. homos – бир хил, onuma – ном). Ёзилиши ёки талаффузи бир хил бирдан ортиқ сўзлар ўт – (майса, олов, ўтмоқ ва б.).

Ономасиология. Лексикологиянинг луғавий birlikларини номлаш ва тушунча англатиш тамоиллари ва қонуниятларини ўрганувчи бўлими.

От. Предметлик маъносини билдирувчи сўзлар туркуми ва шу туркумга оид муайян сўз. Предметлик кенг тушунчаларни қамраб олади (инсон, нарса, ҳодиса ва б.). Отлар маъно жиҳатидан ва ифодаладиган тушунчанинг хусусиятларига кўра

атокли от, турдош от, аниқ от, мавҳум от, якка от, жамловчи от ва б. турларга бўлинади.

Парадигма (юн. paradeigma – мисол, намуна). Тил бирликлари, грамматик шаклларнинг умумий маъносига кўра бирлашувчи, хусусий маъносига кўра фарқланувчи бўлими, тизими.

Парадигматика. Тил бирликларини тил тизимига мансуб парадигмаларнинг унсури сифатида текшириш аспекти.

Паралингвистика. Лингвистиканинг ўзаро алоқа аралашувида имо – ишора, мимика, нутқ вазияти каби омилларни ўрганувчи соҳа.

Паронимия. Фонетик тузилиши бошқа – бошқа сўзларнинг талаффузи ўхшаш ва яқин бўлиш ҳодисаси.

Предикативлик. Гап мазмунининг воқеаликка муносабатини тил воситалари билан ифодаланиши. Замон, шахс сон ва модаллик категориялари предикативликни ифодаловчи грамматик воситалар бўлиб, хабар оҳанги билан бирга гапнинг умумий характерли белгилари ҳисобланади.

Редупликация (лот. reduplicatio – иккиланиш). Тилшуносликда маълум бир сўзни такрор шаклда қўллаш. 2. Маълум бир маънони таъкидлаш, алоҳида кўрсатиш, ифодалаш мақсадида такрор сўз ясаш ёки ҳосил қилиш усули.

Рема. Гапнинг актуал бўлинишида темадан сўнг янги хабарни, маълумотни билдирадиган қисм.

Сегмент (лот. segmentum – қирқим, бўлак). Нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлакларга (қирқимларга) бўлиниши натижасида ҳосил бўлган бўлак.

Сема (юн. sema – белги). Лексик маънони ташкил этувчи компонент (бўлак, қисмлар). Умумий сема. Фарқловчи сема.

Семантика (фран. sementique, sementikos – ифода этувчи). Тил бирликларининг мазмун, маъно томони.

Семантик калька. Ўзга тилга оид сўзлар билдирадиган маънони ўзлаштириш натижасида ўз тилидаги сўзга шу маънонинг берилиши.

Семантик майдон. Маълум бир архисистема асосида бирлашувчи сўз ва иборалар мажмуи.

Семантик сўз. Семасиологиянинг ўрганиш, тадқиқ этиш объекти сифатида қабул қилинган сўз.

Семасиологик таҳлил. Луғавий бирликларнинг семантикаси ва у билан алоқадор бўлган ҳодисалар нуқтаи - назаридан олиб бориладиган таҳлил.

Семасиология (юн. *semasia* – ифода этиш, *logos* – фан, таълимот, тушунча). Тил бирликларининг, луғавий бирликларнинг семантик тузилиши ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи соҳа.

Семиология (юн. *sema* – белги, *logos* – тушунча, таълимот). Айн. семиотика.

Семиотика (юн. *semiotike* – белги). Белгилар, рамзлар тизимининг умумий хусусиятларини тадқиқ этувчи фан.

Сермахсул аффикслар. Кўп миқдорда сўз ясайдиган, ҳозирги сўз ясалишида фаол бўлган аффикслар (– чи, –ли, –ла, –дор, –дон ва б.).

Синонимика. 1. Тилшуносликнинг синонимларни ўрганувчи бўлими, соҳаси. 2. Синонимлар мажмуи.

Синонимия (юн. *synonymia* – бир хил номга эгалик). Тил бирликларининг бир хил денотатив маънога эга бўлиши.

Синонимлар (юн. *synonymos* – бир номли). Бир умумий маънога эга бўлган, аммо кўшимча маъно хусусиятлари, услубий бўёғи, қўлланиши ва ш.к. билна фарқланадиган сўзлар.

Синтагма (юн. *syntagma* – бирлашган нарса). Нутқнинг мазмун ва мелодик жиҳатдан бир бутунликни ташкил этувчи семантик – синтактик бирлиги. Синтагма бир ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлиши, ҳатто гапга тенг бўлиши ҳам мумкин.

Синтагматика. Тил бирликларини нутқ занжиридаги унсурлар сифатида текшириш аспекти.

Синтагматик грамматика. Сўз, сўз бирикмаси, гапларни синтагматик планда ўрганувчи грамматика.

Синтагматик муносабатлар. Тил бирликларининг нутқ оқимида юз берадиган хусусиятлари асосидаги муносабатлари.

Синхрония (юг. *syn* – бирга, *chronos* – вақт). Айрим тил ҳодисаларининг яхлитлигича тил тизимининг маълум бир тарихий ривожланиш босқичидаги ҳолатини лингвистик тадқиқот сифатида шартли ажратиб олиш.

Система (юн. *systema* – бир бутунлик, қисмлардан тузилган, ташкил топган мажмуа).

Ситуация (фран. situation – шароит, ҳолат, вазият). Нутқ ёки матн юз бераётганда унга таъсир этувчи шароит.

Социолингвистика (лот. soci (etas) – жамият плюс лингвистика). Тилшуносликнинг тилнинг ижтимоий яшаши ва тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси.

Субституция (лот. Substitution – алмаштириб қўйиш) Трансформациянинг бир усули.

Субстрат (лот. sub stratum – тилларнинг чатишиши натижасида бир тилнинг бошқа тилда қолдирган излари.

Термин (лот. terminus - чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади.

Терминологик лексика. Терминлардан иборат бўлган лексика.

Терминология (termin +logos – сўз, таълимот). Бирор илм, касб ва б. соҳаларга оид терминлар мажмуи. Тилшуносликнинг терминларни ўрганувчи, тадқиқ этувчи бўлими.

Трансформацион таҳлил. Турли – туман синтактик тузилмаларни қайта тузиб, содда тузилмаларга келтириш методи, услуги ва қойидалари.

Услубий синонимлар. Маълум бир услубга оидлиги билан ўзаро фарқланадиган синонимлар.

Услубий таҳлил. Матннинг, унинг қисмларининг нутқ услубларидан қайси бирига тегишлиги, бу оидликни белгиловчи омиллар ва шу кабиларни белгилаш нуқтаи назаридан олиб бориладиган таҳлил.

Фраза (юн. phrasis – ифода нутқ ўрами). 1. Нутқнинг алоқа қилиш бирлиги сифатидаги энг кичик мустақил бирлиги. 2.Энг катта фонетик бирлик – фикр тугаллигика эга, алоҳида оҳанг ёрдамида бирлашган ва ўзига ўхшаш бирликлардан тўхтаб орқали ажратилган жумла.

Фразеологик калька. Ўзга тил фразеологик бирлигидан қисмма – қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган фразеологик бирлик.

Функционал семантика. Сўз семантикасининг ўзгаришини улар англандган нарсаларнинг бир хил вазифа бажариши билан изоҳловчи назария.

Штамп (итал.stampa – муҳр). Луғавий маъноси хиралашган, экспрессивлик хусусияти йўқолган, тилда ёки нутқда ўзгармас қолип шаклига келган ифода.

Экспрессивлик. Тил экспрессив вазифасининг турли шакллар билан намоён бўлиши.

Экспрессия (лот. expressio – ифода). Нутқнинг, матннинг таъсирчанлик хусусияти.

Этимология (юн.etymologia – сўзнинг ҳақиқий маъноси). Сўз ва морфемларни келиб чиқиши ва тарихини ўрганувчи фан, соҳа. 2. Сўз ёки морфемаларнинг келиб чиқиши ва тарихи.

Этнолингвистика. Тил билан маълум бир миллат, элат, халқ ўртасидаги муносабатларни, тилнинг фаолияти ва тараққиётида лингвистик ва этник омилларнинг ўзаро таъсирини ўрганувчи фан.

Ўзлашма сўз. Ўзга тилдан қабул қилинган сўз.

Ўзлаштириш. Ўзаро таъсир, алоқа натижасида бир тил унсурларининг бошқа бир тилга ўтиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.1. Хитой тилида фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 艾芜 《百炼成钢》 武汉：湖北人民出版社 1960. p. - 189 Ай Ву: “100 марта синаб пўлатга айланган темир”, Ухан. «Хубэй халк» нашриёти, 1960. Б. - 189
2. 北大中文系现代汉语教研室编 《现代汉语》，北京：商务印书馆 1993. Пекин университети Хитой тили факультети Замоनावий хитой тили кафедраси “Замоनावий Хитой тили”, Пекин: «Шангву» нашриёти. 1993.
1. 曹雪芹 《红楼梦》，内蒙古人民出版社，2009年. p. -45 Цао Сюйчин. “Қизил кўшкдаги туш”. «Нэй Менггу халк» нашриёти, 2009. Б. -45
2. 曹禺 《日出》，中国戏剧出版社 1957. p. - 56 Цао Юй. “Уфк”, «Хитой драматургияси» нашриёти, 1957. Б. – 56
3. 崔希亮. 《汉语惯用语与中国人文世界》北京：北京语言文化大学出版社，1997. p. – 297 Цуй Селянг. “Хитой тили гуанёнгюйлари ва Хитойда шахс маданияти цивилизацияси”, Пекин. «Тил ва маданият университети» нашриёти, 1997. Б. - 297
4. 崔希亮. 《汉语熟语与中人文精神》，北京语言文化大学出版社 1997. p. -48 Цуй Селянг. “Хитой тилидаги мақол, маталлар ва хитойликлар рухияти”, Пекин «Тил ва маданият университети» нашриёти, 1997. Б. -48
5. 邓小平. 《邓小平文选》北京：人民出版社 1994. p.122 Дэнг Сяопинг “Дэнг Сяопинг танланган асарлари”, Пекин. «Халк нашриёти» 1994. Б. - 122
8. 丁玲. 《太阳照在桑干河上》北京：人民文学出版社 1952. p. – 236 Динг Линг. “Куёш Цанган дарёси устида нур сочади”, Пекин. «Халк» нашриёти 1952. Б. – 236
9. 杜甫. <杜甫诗选>人民文学出版社 1980. p.45 Ду Фу. “Ду Фу танланган асарлар тўплами”, Пекин. «Халқ адабиёти» нашриёти 1980. 45-бет
10. 杜鹏程 《在和平的日子里》北京：人民文学出版社 1978. p. – 164 Ду Пенгченг. “Тичлик даврларида”, Пекин. «Халқ адабиёти» нашриёти, 1978. Б. – 164
11. 冯梦龙 《警世通言》卷四十北京：古籍出版社 1980. p. - 89 Фенг Менглонг. “Жинг Ши Тонг Ян” 40-жилд. Пекин. «Тарихий асарлар» нашриёти, 1980. Б. - 89

12. 傅正明《主子和奴才》《傅正明作品选编》文化艺术出版社，1998. p. – 26 Фу Женгминг. “Қирол ва канизак”, Фу Женгминг Сайланма асарлари”, Пекин. «Маданият ва Санъат» нашриёти, 1998. Б. - 26
13. 胡正《汾水长流》六章 山西:山西人民出版社 1962. p. - 120 Ху Женг. “Фэн дарёси оқими”, 6-жилд. Шанси. «Шанси Халқ» нашриёти, 1962. Б. - 120
14. 胡壮麟《认知隐喻学》，北京大学出版社，2004，第220页。Ху Жуанглин. “Когнетив метафоралар”, Пекин. «Пекин университети» нашриёти, 2004. Б. - 220.
15. 江泽民.《领导干部一定要讲政治》北京：人民出版社，1996. p. -46 Жянг Земинг “Бошлиқ хизматчиси сиёсатдан суҳбат қилиши лозим”, Пекин. «Халқ» нашриёти 1996. Б. -46
16. 峻青.《黎明的河边》北京：新文艺出版社 1956. p. -321 Жун Чинг “Дарё соҳилининг тонг пайтидаги манзараси”, Пекин. “Замонавий Санъат” нашриёти, 1956. Б. -321
17. 卡西尔.《人论》上海译文出版社 –1985. p. -223 Касир. “Шахс ҳақида мунозара”, Шанхай. «Таржима» нашриёти, 1985. Б. -223
18. 老舍.《龙须沟》北京人民文学出版社-1953. p. -123 Лао Ше. “Лонг Суй ўзани”, Пекин. «Халқ адабиёти» нашриёти, 1953. Б. -123
19. 老舍.《四世同堂》北京：人民文学出版社- 1980. p. - 142 Лао Ше “Тўрт авлоди бор уй”, Пекин. “Халқ адабиёти» нашриёти, 1980. Б. -142
20. 李宝嘉.《官场现形记》北京：人民文学出版社-1985. p. -214 Ли Баожа “Амалдорлар расмий жамияти”, Пекин. «Халқ адабиёти» нашриёти, 1985. Б. -214
21. 李满天.《水向东流》，北京：作家出版社 1956. p. - 231- Ли Мантян “Сув шарққа томон оқади”, Пекин. «Ёзувчи» нашриёти, 1956. Б. -231
22. 李准.《李双双小传》.《人民文学》1960. p. -251- Ли Жун. “Ли Шуанг шуанг биографияси”, Пекин: “Халқ адабиёти” нашриёти, 1960. Б. -251
23. 刘白羽.《火光在前》人民文学出版社 2005. p. -223- Лю Байюй “Қаршидаги жанг майдони”, “Халқ адабиёти» нашриёти, 2005. Б. -223

24. 刘绍棠.《田野落霞》北京：大众文艺出版社 1979. p. - 236
Лю Шаотанг “Булут қоплаган дала”, Пекин. «Халқ санъати» нашриёти, 1979. Б. -236
25. 刘叔新.汉语描写词汇学(重排本).北京:商务印书馆,2005. p-254
Лю Шусин. Хитой тили тасвирий лексикологияси (қайта нашр) Пекин. “Шангу” нашриёти, 2005. Б. -254
26. 鲁迅.《华盖集》北京：人民文学出版社 1973. p. - 251
Лу Сун. “Хуа Гай тўплами”, Пекин. «Халқ адабиёти» нашриёти, 1973. Б. -251
27. 鲁迅.《书信集》北京：人民文学出版社 1976. P. -178
Лу Сун. “Хатлар тўплами”, Пекин. «Халқ адабиёти» нашриёти 1976. Б. -178
28. 路遥.《平凡的世界》第四卷第 54 章 北京：中国文联出版公司 1986. P. -149
Лу Яо. “Оддий дунё” 4-жилднинг 54-боби, Пекин. «Хитой маданий алоқалари» нашриёти, 1986. Б. -149
29. 路遥.《人生》北京：人民文学出版社 2005. P. -145
Лу Яо. “Инсон ҳаёти”, Пекин. “Халқ адабиёти” нашриёти, 2005. Б. -145
30. 马国凡、高歌东《惯用语》呼和浩特:内蒙古人民出版社,1982. P. -234
Ма Гуофан, Гао Гедонг. “Гуанёнгюй”, Хухэхаоте. «Неименггу халқ», нашриёти 1982. Б. -234
31. 马云鹏《雁塞游击队》北京：人民文学出版社. 1977. P. -179
Ма Юнпенг. “Ян Сай Саёҳатчилар гуруҳи”, Пекин, “Халқ адабиёти” нашриёти, 1977. Б. -179
32. 茅盾《春蚕》，人民文学出版社 1983. P.-149. -149
Мао Дун “Баҳор пиллакурти” “Халқ адабиёти” нашриёти, 1983. Б. -149
33. 茅盾《林家铺子》，北京. 人民文学出版社 1958. P -364
Мао Дунг “Линг оиласи дўкони” Пекин. “Халқ адабиёти» нашриёти, 1958. Б. -364
34. 《毛泽东选集》第三卷 人民出版社 1993. p. - 451
«Мао Зедунг. танланган асарлар» 3-том, «Халқ» нашриёти 1993. Б. – 451
35. 蒲松龄《聊斋志异》山东, 山东文学出版社 1985. P. - 265
Пу Сунглинг. “Ляо Жай битиклари” Шандонг. “Шандонг адабиёти” нашриёти 1985. Б. -265

36. 沙汀《青钢坡》，北京. 人民文学出版社, 1978. Р. -248
Ша Динг. “Чинг ганг по” Пекин, «Халқ адабиёти» нашриёти, 1978. Б. -248
37. 沈西蒙《霓虹灯下的哨兵》，北京. 新华出版社, 2005. Р. -166
Шен Сименг “Фонус остидаги кўрикчи” Пекин. “Хинхуа” нашриёти, 2005 . Б-166
38. 司马迁《史记》北京. 古籍出版社， 1980. Р. -142
Си Мачян “Тарихий битиклар” Пекин: «Тарихий асарлар» нашриёти, 1980. . Б-142
39. 苏童《妻妾成群》上海. 上海文艺出版社, 2004. Р -155
Су Тонг “Канизаклар гурухи” Шанхай . « Шанхай Санъати» нашриёти, 2004. Б-155
40. 孙犁《白洋淀纪事》北京. 中国青年出版社, 2000. Р-159
Сун Ли. “Байянг Дян битиклари” Пекин. «Хитой ёшлар» нашриёти, 2000. Б-159
41. [孙维张.汉语熟语学.长春.吉林教育出版社,1989.](#) Р. -216
Сун Вейжанг. “Хитой тили фразеологизми”, Чангчун: «Жилин таблим» нашриёти, 1989. Б. -216
42. 孙维张《汉语惯用语学》，吉林：吉林教育出版社，1989年. Р. -156
Сун Вейжанг. “Хитой тили”, Жилин. «Жилин таблим» нашриёти, 1989. Б. -156
43. 王志河《同舟共济》自由世界出版社 1961. Р.-148
Ванг Жихе. “Кемага тушганни жони бир” / “Эркин Дунё” нашриёти, 1961. Б. -148
44. 温端政《谚语》北京. 商务印书馆，1985. Р. -178
Вен Дуанженг. “Матал” Пекин. “Шангву китоб” нашриёти, 1985. Б. -178
45. 吴承恩《西游记》内蒙古人民出版社, 2009. .Р. -450
Ву Ченгэн “Ғарбга саёхат кундалиги”. “НейМенггу халқ” нашриёти, 2009й .Б. -450
46. 吴组缃《天下太平》北京. 北京大学出版社, 1934. Р. -159
Ву Зусуанг. “Ер юзидаги тинчлик” Пекин. “Пекин университети” нашриёти, 1934. Б. -159
47. 邢福义，《汉语语法学》吉林. 东北师范大学出版社, 1997. р. -107
Синг Фуи “Хитой тили грамматикаси” Жилин. “Донгбей педагогика университети”, нашриёти. 1997.
48. 杨沫《青春之歌》，北京. 作家出版社 1958. Р. -130
Янг Мо “Эрта баҳор кўшиғи” Пекин. “Ёзувчи” нашриёти, 1958.

49. 杨朔《杨朔散文选》北京.人民文学出版社 1978. P. - 207 Янг Шо “Янг Шо танланган асарлар тўплами” Пекин. “Халқ адабиёти” нашриёти, 1978. Б. -207
50. 张春帆《九尾龟》台北. 广雅出版有限公司, 1984. P. - 190 Жанг Чунфан “Тўққиз думли тошбақа” Тайбей. “Гуангя маъсулияти чекланган” нашриёти, 1984. Б. -190
51. 张岱《柳敬亭说书》上海. 上海古籍出版社 1991. P- 250 Жанг Дай “Лю Жинтинг қиссалари” Шангхай. «Шангхай гужи» нашриёти 1991. Б. - 250
52. 张恨水《春明外史》上海. 上海世界书局 1931. P.241 Жанг Хеншуй. “Чун Минг тарихи” Шангхай. “Шангхай дунё китоблари бюроси” нашриёти, 1931. Б.
53. 张行《武陵山下》长沙. 湖南人民出版社出版, 1977. P. -201 Жанг Синг. “Вулинг тоғи остида” Чангша. “Хунан халқ” нашриёти, 1977.
54. 赵寰《十年一觉神州梦》,北京. 中国戏剧出版社 1981. P. -178 Жао Хуан. “Ўн йил худди туш каби” Пекин. “Хитой драматургия» нашриёти, 1981.
55. 赵树理.《李家庄的变迁》北京. 人民文学出版社 1980. P. -146 Жао Шули. “Ли қишлоғининг ўзгариши” Пекин. “Халқ адабиёти» нашриёти 1980.
56. 周恩来.《植树造林是百年大计》, 北京. 人民出版社, 1984. P. -39 Жоу Энлай “Келажакни ҳозирдан ўйлаш” Пекин. “Халқ адабиёти” нашриёти, 1984.
57. 方文惠.《英汉对比语言学》, 福建人民出版社, 1990. P.250
Фанг Венхуй. “Инглиз хитой тиллари солиштирма лингвистикаси” «Фужян халқ» нашриёти, 1990.
58. ZIA MUHAMMADOV JASUR. “Ляо Жай ривоятлари”. Тошкент, 2003. Б. - 143
59. 《邓小平文选》第三卷第 368 页 “Дэнг Сяопинг сайланма” 3 жилд. 368 б.

2.2. Хитой тилида фойдаланилган луғатлар рўйхати

1. 北语语言教研所,《现代汉语频率词典》,北京语言学院 1986. Пекин тиллари илмий тадқиқотлар институти “Замонавий

хитой тили сўзлари коэффициентлари луғати” Пекин. «Пекин тиллар университети» нашриёти 1986.

2. 陈光磊, 李茂 《汉语惯用语辞典》, 北京: 汉语大词典出版社, 2004

Ченг Гуанлеи, Ли Мао. Хитой тилида гуанёнгюлар луғати. Пекин «Хитой тили катта луғатлар» нашриёти 2004 йил.

3. 陈光磊 《汉语惯用语词典》上海: 汉语大词典出版社, 1991. Чен Гуанглеи “Хитой тили гуанёнгюлари луғати”. Шангхай. Шангхай “Хитой тили катта луғатлар” нашриёти 1991.

4. 陈光磊 《中国惯用语》上海: 上海文艺出版社 1991 Чен Гуанглеи “Хитой тили гуанёнгюлари». Шангхай. ”Шангхай мадиният санъати” нашриёти 1991.

5. 高歌东、张志清 《汉语惯用语大辞典》, 天津教育出版社, 天津, 1995

Гао Гедонг, Жанг Жекинг. “Хитой тили гуанёнгюлари луғати”. Тяньжинг. “Тяньжинг таълим” нашриёти. 1991.

6. 李行健 《现代汉语惯用语规范词典》, 长春: 长春出版社, 2001

Ли Хингжян. “Замонавий хитой тили гуанёнгюлари стандарт луғати”. Чангчун “Чангчун” нашриёти, 2001.

7. 李雅梅, очиллов О. 《乌汉-汉乌熟语词条对照辑录》北京: 人民出版社 2011. Ли Ямей, Озод Очиллов. “Ўзбекча - Хитойча, Хитойча - Ўзбекча мақоллар, ибора ва маталлар луғати”, Пекин “Халқ” нашриёти, 2011.

8. 孙维张 《汉语熟语学》长春: 吉林教育出版社, 1989.

Сун Вейжанг. “Хитой тили фаразеологизми”. Чангчун “Жилин таълим” нашриёти, 1989.

9. 王德春 《现代汉语惯用语规范词典》, 上海: 上海辞书出版社, 1996

Ванг Дечун. “Замонавий хитой тили гуанёнгюлари стандарт луғати”. Шангхай. “Шангхай луғатлар” нашриёти, 1996.

10. 王德春 《新惯用语词典》, 上海: 上海辞书出版社, 1996.

Ванг Дечун. “Янги Гуанёнгюй луғати” ”. Шангхай. “Шангхай луғатлар” нашриёти, 1996.

11. 夏征农 《辞海》(中), 上海辞书出版社, 上海, 1999. П2818.

Ся Женгнонг “Сихай”(2-том)”, Шангхай. “Шангхай луғатлар” нашриёти, 1999.

12. 徐宗才. 应俊玲. 《惯用语例释》北京：北京语言学院出版社，1985.

Суй Зонгсай. Йинг Жунлинг. “Гуанёнгюй ҳақида мисоллар тўплами Пекин. “Пекин тиллар институти” нашриёти. 1985.

13. 中国社会科学院语言研究所词典编辑室 《现代汉语词典》北京：商务印书馆 2002.

Хитой жамият академияси тилшунослик институтининг луғатшунослик бўлими “Замонавий хитой тилининг изоҳли луғати”, Пекин. “ Шангву” нашриёти. 2002.

3.3. Ўзбек ва рус тилида фойдаланилган луғатлар рўйхати

1. Ветров П.П. 《фразеология современного китайского языка(синтаксис и стилистика)》 Москва. “Наука” 2004.

2. Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. -Тошкент, 1980.

3. Акимов Т. Кыраубаев Ж. 《汉乌俄成语词典》 Хитойча – ўзбекча- русча фразеологик луғати. -Тошкент. 2003.

4. Якубов Ж. Хитой тили спорт атамалари луғати. Тошкент “Ўзбекистон” 2009.

5. Ўзбек ва турк мақоллари, иборалар. – Тошкент “Ўқитувчи”1998.

6. Исматуллаев Х. Инглизча мақол, матал ва идиомалар.– Тошкент «Ўқитувчи» 1979.

7. Мирхайдарова Н.К. Франсузча мақолларнинг ўзбекча-русча муқобиллари. – Тошкент: «Ўқитувчи» 1994.

8. Шомақсудов Ш., Долимов С. Кенг уйнинг келинчаги. – Тошкент «Шарқ»1961.

9. Мирзаев Т. Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент «Шарқ» 2003.

10. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати.–Тошкент «Ўқитувчи» 1978.

11. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент «Адабиёт ва санъати» 1989.

12. Фозилов Р. Нодир маталлар. – Тошкент «Ўзбекистон» 1985.

Илмий тадқиқот ишлари 论文

- 1 . 陈明芳. 惯用语认知机制及其词汇语义特征. 外语教学, 2006 .1. P.54. Чен Мингфанг. “Гуангёнгюй конгнитив тизими ва лексик семантик таҳлили” “Чет тилини ўқитиш” 2006. № 1. Б. 54.
- 2 . 马国凡. 《成语的演变》, 《语言文学》, 1958 年第 2 期 P.35. Ма Гуофан. “Мақоллар эволюцияси”, “Тил ва адабиётшунослик” 1958. №.2. Б.35.
- 3 . 马国凡. 《汉语的成语》, 《内蒙师院学报》, 1958 年第 1 期 P.28. Ма Гуофан “Хитой идиомалари”, “Ней Менг педагогика институти журнали” 1958. № 1. Б.28.
- 4 . 宁全新. 论三种认知操作在习语成因中的体现. 西南民族大学学报, 2005.P.10. Нинг Чуансинг. “Маталлар келиб чиқишининг учта конгнетив таҳлили” “Жанубий-ғарб миллатлари университети” журнали, 2005. Б.10.
- 5 . 万艺玲. 《对外汉语词义教学中的两个问题》《语言教学与研究》1997 年 03 期 P.55. Ванг Элинг “Чет эл талабаларига Хитой тили ўргатиш жараёнидаги иккита семантик масала”. “Лингвистика ва тадқиқот маркази” 1997. № 3 .Б.55.
- 6 . 云生. 《关于“惯用语”》, 《中国语文》, 1959 年第 7 期 P60. Юн Шенг “Гуанёнгюй ҳақида”. “Хитой тили ва адабиёти” 1959. №7. Б.60.
- 7 . 周荐. 《惯用语新论》, 《语言教学与研究》1998 年第 1 期 P. 72. Жу Жян. “Гуангёнгюй ҳақида янги фикрлар”. “Лингвистика ва тадқиқот маркази” 1998. № 1. Б. 72.
- 8 . 周祖谟. 《谈成语》, 《语文学习》, 1955 年第 1 期 P.33. Жоу Зумо. “Идиомалар ҳақида” “Тил ва адабиёт” 1955. № 1. Б. 33.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
1 БЎЛИМ: ЖУНГГЎ АТАМАСИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ	4
1 Мавзу: Жунггў атамасининг мазмуни	4
2 БЎЛИМ: ХИТОЙ ТИЛИДА ИЕРОГЛИФЛАРНИНГ ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ	9
1. Мавзу: Хитой иероглифларининг сони ҳақида	9
3 БЎЛИМ: ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТИЛШУНОСЛИГИ ҲАҚИДАГИ НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР	13
1 мавзу: Сунгу суе	13
2 мавзу: Хитой фонологияси ҳақида	15
3 мавзу: Эр я	18
4 мавзу: “Фанг ян”	20
4 БЎЛИМ. ХИТОЙ ИЕРОГЛИФЛАРИГА ТРАНСКРИПЦИЯ БЕРИШНИНГ ДАСТЛАБКИ УСУЛЛАРИ	25
1 мавзу. Эрамизнинг II асрига қадар мавжуд бўлган транскрипция усуллари ҳақида қисқача маълумот	25
2 мавзу. Транскрипция беришнинг Фанчиэ усули	27
3 мавзу. Хитой тилшунослигида фанчиэ усулида ёзиб қолдирилган луғатлар	29
4 мавзу. Фанчиэ усулининг ижобий ва салбий томонлари	32
5 мавзу. Фанчиэнинг бугунги ўқилишидаги муаммолар	35
5 БЎЛИМ: ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТИЛИ – ВЕНЯН ҲАҚИДА ТУШУНЧА	43
1 мавзу. Хитой тилининг тарихий даврларга бўлиниши	43
6 БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК ТУЗИЛИШИ	56
1 мавзу. Қадимги хитой тилининг лексик тузилиши	56
Глоссарий	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74

ҚАЙДЛАР УЧУН

Техник мухаррир: *Миролим ЗАРИФОВ*

Компьютер версткаси: *И.Худойназаров*

Ушбу ўқув-қўлланма ТДШИ Ўқув-услугий Кенгаши тамонидан
нашрга тавсия этилди (Баённома №1, 13.11.2009 й.).

Босишга рухсат этилди 20.11.2009.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. Шартли 5.25 б.т. 100 нусхада босилди. Буюртма №
Тошкент давлат шарқшунослик институтининг кичик босмахонаси.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2009